

Жуманазар МАДИЕВ

# СУРХОНДАРЁ СТОМАТОЛОГИЯСИ



**Жуманазар МАДИЕВ**

# **СУРХОНДАРЁ СТОМАТОЛОГИЯСИ**

(Мақолалар, лавҳалар, хотиралар)

**1-китоб**

Тошкент  
«Тафаккур» нашриёти  
2013

КБК: 72.7  
ЎзбМ-55

**Тиббиётнинг бир бўлаги бўлмиш стоматология ҳам чуқур ва узоқ тарихга эга. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали шифокор, «Энг улуғ, энг азиз»-2013 танловининг вилоят босқичи голиби Жуманазар Мадиевнинг ҳам ушбу рисоласида Сурхон стоматологиясининг ривожланиш тарихи, бу соҳанинг фидойлари ҳақида сўз юритилади.**

**Тақризчи: Асад Тўйчиев, вилоят стоматология поликлиникаси бош врач.**

ISBN 978-9943-24-064-3

- © Жуманазар Мадиев
- © «Тафаккур» нашриёти 2013



## ДИЙДОРЛАШУВ

Бу ёруғ оламда дийдордан улуғроқ, дийдорлашувдан ширинроқ ва мароклироқ лаҳзалар бўлмаса керак. Чунки айнан дийдор онларида қалбларни орзиктириб турган соғинч дея аталмиш армонли туйғу барҳам топади. Дийдорлашув боис қўмсашлар сабаб кўнгиллар тубига куйдирикли дард мисол чўккан соғинчлар исканжаси зумда ёйилади, қалбдаги губорлар таркалади. Соғинчли узок кунлар, югурик йиллар оша кутилган дийдорлашув онлари инсон руҳиятига ана шундай хузурли, оромбахш сониялару дақиқалар тухфа этади.

Ўтган йилнинг сентябр ойида бундан ўттиз йил аввал умрининг талабалик дея аталмиш ёшлик даврини - сўнмас орзулар ёлқини оғушида тунларни биргаликда бедор ўтказган собиқ курсдошларнинг дийдорлашуви бўлиб ўтди. Ўша учрашув, ўша дийдорлашув онларида кўнгилларга инган шодлик, қувонч ҳамон ҳар бир учрашув катнашчисининг қалбини тўлкинлантириб турибди. Чунки беш йил мобайнида бир гуруҳда таҳсил олиб, талабаликнинг барча унутилмас кунларини, гоҳ масрур, баъзида ғурурли лаҳзаларини бирга ўтказган, бугунги кунда эса сочларига киров инган, мудом эл-юрт хизматида бўлиб келаётган шифокорларнинг бу учрашув - мулоқоти чиндан-да ажойиб тарзда кечди.

Собиқ курсдошлар, аммо ҳамон содик дўстлар бўлиб қолган шифокорлар қадим ва ҳамиша навқирон, юртимизнинг фаҳри саналмиш, оламдаги иккинчи мангу шаҳар дея таърифланмиш Самарқандда – давлат тиббиёт олийгоҳининг бош биносида жамул - жам бўлдилар. Кўзларда қувонч, қалбларда ҳаяжон устун бўлди. Зеро, учрашувга келган ҳар бир курсдош, энг аввало, бундан ўттиз йил аввалги ёшлик дамларига қайтгандай бўлди. Айтилаётган ҳаяжонли сўзларда, билдирилаётган тилақларда, сўнгсиз омонлашувларда бир зумга бўлсада, талабаликнинг ўша унутилмас ҳаяжонлари, баъзан оғриқли кечган дамлари қайта жонланаётгандай бўлди. Таассуфки, аслида умр деганлари севги-муҳаббат, ўқинч ва мамнунлик, вафо – садокат ҳамда хиёнатлар, висол ва айриликлар, топиш-йўқотиш, яратиш – маҳв этишлар исканжасида эврилиб, авжланиб, мавжланиб ва тўлкинланиб ўтаверади. Битта олийгоҳда бақамти юриб таҳсил олган талабаларнинг орадан йиллар ўтгач ташкил этилган учрашуви пайғида кўйчиликнинг кўнглидан ана шундай залворли ўй-фикрлар ўтиб турганлиги ҳам бор гап. Чунки талабалик – инсонларни, тақдирларни, кўнгилларни, дунёқарашларни олтин халқа мисол бирлаштириб турувчи, эзгуликлар ҳамда саховату меҳрга, оппоқ ойдин йўлларга бошлаб, катта ҳаёт йўлига чиқариб қўювчи қутлуғ даврдир.

Худди ана шундай фикрни ушбу ҳаяжонли дийдорлашув тадбири ташкилотчиси, Самарқанд стоматология соҳасининг забардаст

дарғаларидан бири - тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидолим Кубаев, шунингдек Йўлдошхон хожи Эшонхоновлар учрашув иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросимида чин кўнгилдан, самимий оҳангларда изҳор этишди. Шундан сўнг собик талабалар Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишувни бошладилар. Дастлаб, олийгоҳда ташкил этилган музей ҳамда кутубхонага ташриф буюрилди. Кутубхонада жамланган тиббиётга оид илмий ва ўқув адабиётларнинг кўплиги, ранг-баранглиги, музейда намоиш этилаётган ҳар бир экспонатда тарихнинг бир парчаси намоён бўлиб турганлиги учрашув иштирокчиларини чинакам ҳайратга солди. Олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар учун яратилган шарт-шароитларни, айниқса ётоқхоналардаги саранжом - саришталикни, қулайликларни кўриб кўпчиликнинг кўнгилдан “эҳ канийди, ёшлигим қайтса-ю, тагин талаба бўлсам!” деган ўй ўтгани рост.

То институт клиникаси қошидаги мўъжазгина, аммо дид билан безатилган клубда йиғилгунча, ҳар жиҳатдан ибрат олса арзигулик клиникада олиб борилаётган ишлар кўлами ва даволаш жараёнлари билан яқиндан танишдик. Натижада Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳида ўқув ва клиник ҳолатлар қандай ташкил этилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриш имконига эга бўлдик. Ўттиз йилдан сўнг дийдорлашиб турган стоматологлар ҳаяжонли учрашувининг очилиш маросимига бағишланган йиғилишни Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳи ректори, профессор А.М. Шамсиев қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг клиника бош врачлари Н.Абдуллаев, Тошкент Давлат тиббиёт академияси профессори М. Азимовлар сўз олишиб, учрашувга йиғилганларни самимий кутладилар. Шу билан бирга мамлакатимизда стоматология соҳасининг ривожланиб бораётганлигини таъкидладилар. Тадбир этилаётган илғор тажрибалар, соҳа тараққиётига муносиб улуш қўшаётган олимлар, шу соҳада бир умр ишлаб келаётган фидойи врач-стоматологлар туғрисида илик фикрлар билдирдилар. Учрашувга йиғилганлар ҳам тадбир давомида сўзга чиқишиб, дил сўзларини устозларга, курсдошларига изҳор этдилар. Айниқса фарғоналик Йўлдош Эшонхонов, қашқадарёлик Саиднаби Хўжанов, Рустам Бозоров, Тожимурод Хуррамов, бухоролик Ислоҳ Тоиров, самарқандлик Шодиёр Худойкулов, Абдиғаффор Абдуллаев, жиззахлик Қудрат Эшонкулов, Эркин Норкулов, андижонлик Абдусаттор Шаматов, қорақалпоғистонлик Ғайрат Сабуров, сурхондарёлик “Шухрат” ордени соҳибни Суюн Соатмуродовларнинг ҳар бир сўзи кўнгилларга сингиб, ҳаяжон уйғотди.

Дийдорлашувга келганлар учун “Қишлоқ” деб номланувчи мўъжазгина емакхонада дастурхон ёзилди. Саховатли ва фусункор Самарқанд заминидан етиштирилган анвойи ноз-неъматлар билан безатилган ўқин дастурхон агрофида давом этган самимий ва дилдорлар сурушлар

хамманинг ёдида бир умрга мухрланиб колди. Эътиборлиси, ушбу емакхона дизайн жихатидан барчани бир мудлатга бўлса-да, мозий сари етаклаб кетгандай бўлди. Чунки бу ерда қўйилган ҳар бир буюм, жиҳоз аввало, бой ўтмиш тарихимизни, Самарканд кишлоклари киёфасини, одамларининг маънавият ва маданияти нечоғлик эканлигини кўз ўнгимизда жонлантириб юборди. Давра кизиган сайин ёшликдаги унутилмас кунлар, воқеалар, ҳолатлар эсга олина борди. Ҳазил-мутойибалар, фарғонача аскиялару сурхонча қофия ташлашлар кўнгилларга беғубор шодликлар олиб кирди. Талабалик йилларида билиб-билмай бир-бирининг кўнглига озор етказганларнинг узрлари ҳам шу ерда айтилиб, қалбдаги ғуборлар самимий ҳазиллар ичра эриб, кўнгиллар тозариб кетди. Камина ҳам ушбу имкониятдан фойдаланиб, бундан ўттиз икки йил аввал орамизда гинали ҳолат содир бўлган дўстим Абдурашид Солнездан хушхоҳлик билан узр сўрадим. Чунки ўттиз икки йил давомида бу ҳолат ҳамон дилимни хуфтон қилиб келаётганди. Очиғи, мавриди келганда ҳам мен ундан кечирим сўрамаган эдим. Аммо бу гинали ҳолатни унутмагандим. Мавриди келганда гурурни енгиб, узр сўрай олмайганимдан ўз-ўзимдан хижолат тортиб юрардим. Дийдорлашув сабаб, Абдурашид билан орадан шунча йиллар ўтгач яна учрашиб, бир даврада шакаргуфторлик қилаётгандим. Гап орасида самимият билан ўша гинахонлик учун ундан узр сўрай бошладим. Шунда дўстим ўрнидан туриб мени бағрига боса кетди: “Ҳалиям шу гапни эслаб юрибсизми, дўстим. Мен сизни ўша захотиёк кечирганман. Кечирилган гуноҳ эса унутилади”, деди тўлкинланиб.

Талабалик даври - орзулар қанот ёзадиган, қалбда илк севги – муҳаббат туйғулари уйғонадиган, илм йўлида бедор тунлар аро изланишлар олиб бориладиган унутилмас фасл. Бу фаслда айниқса қизлар кўзга ўзгача кўхлик, ўзгача латофат билан кўриниши ҳам бор гап. Дийдорлашувга йиғилганлар орасида бир пайтлар не-не алп йигитларнинг қалбига олов қалаган, бир гапириб ўн қулиб дилларни халприктириб юрган курсдош ўша қизлар – бугунги кунда малохатли бека, таникли шифокор бўлиб етишган аёл стоматологлар ҳам кўп бўлди. Руқия Юнусалиева, Зухра Зарифулина, Гавҳар Акилова, Шоира Аҳмедова, Юлдуз Каримова, Коммуна Исмоиловаларнинг қамолини кўриб чин дилдан қувондик. Айрим сабабларга кўра, учрашувга келолмаган дўстларимиз билан 2014 йилнинг 17 майида пойтахт Тошкентда ўтказиладиган дийдорлашувда албатта учрашамиз деган самимий умидлар билан ўз юртимизга йўл олдик

Хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу китобнинг ёзилишига ана шу ўттиз йилдан сўнг бўлиб ўтган ғоят марокли учрашувимиз тўртки берди. Ҳақиқатан ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрилса, тиббиётнинг энг муҳим бўғинларидан бири бўлмиш стоматология соҳасини танлаган ҳамкасб шифокорлар бугунги кунда қандай яшаб, меҳнат қилапти. Уларнинг

барчаси ўзлари танлаган шу соҳага содик қолдиларми. Мехнат фаолияти давомида нималарга эришдилар. Қолаверса, ҳамкасбларим тобора ривожланиб, жаҳон андозалари билан бўйлашиб бораётган Ватанимиздаги стоматология соҳаси тараққиётига нечоғлик ҳисса қўшаётдилар? Бу каби қатор саволларга жавоб излаш, ҳамкасбларнинг ҳаётий ва мехнат фаолиятларини ўрганиш натижасида ушбу китоб иншо этилди. Шу билан бирга стоматология тарихи, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонлар ибратини элга етказиш истаги, ўтганларни хотирлашдек маъсулият ҳам китоб саҳифаларидан жой олди.

Шунингдек, қўлингиздаги рисолада Сурхондарё стоматологияси ва мазкур соҳа ходимларининг айримлари ҳақида қисқачина бўлса-да маълумот бериш орқали уларнинг бугунги фаолияти билан таништиришни, келажакда Аллоҳ ёри берса Сурхондарё стоматологияси 2-китобини тайёрлашни, 1977 -1982 йилларда олийгоҳни битириб, республикамизнинг барча вилоятларида стоматология хизмати ила эл-улус корига бекаму-қўст хизмат қилаётганлар ҳақида битиклар иншо этишни ният қилиб, битирувчилар учрашуви анъанасини давом эттиришни кўнгалга тугиб қўйдик...

## СТОМАТОЛОГИЯ – ҚАДИМИЙ СОҲА

Бу соҳанинг тарихини билмай туриб, яхши мутахассис бўлиб етишиш қийин. Сўнгги ва замонавий технологиялар ҳамда тажрибалардан хабардор бўлиб бориш ҳам стоматолог учун жуда муҳим. Йўқса, у замондан орқада қолади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси ва кадрлар бўлими бошлиғи М.Сатторовнинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетининг стоматология курси томонидан Термизда сайёр цикл уюштирилди. Кафедра ўқитувчилари томонидан қилинган маърузалар туфайли стоматология мутахассислари соҳа янгиликлари, дунё андозаларини бўйлайдиган тажрибалар ҳақида етарли маълумотлар ва кўникмаларга ҳамда малакавий билимга эга бўлганликлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. 2012 йилда 30 нафар стоматолог бу курсда малака оширди. 2013 йилнинг май ойида мен ҳам йўлланма билан ана шу курсда бўлдим. Бир томондан малака оширишни назарда тутган бўлсам, мақсадим — соҳа тарихи билан яқиндан танишиш учун етук мутахассислар билан суҳбатлашиш, институт кутубхонасига кириб, стоматология ҳақидаги ноёб адабиётларни излаб топиш эди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти стоматология факультети 2009 йилда очилган бўлиб, унинг илк қалдирғочлари 2014 йилда учирма бўлади. Мен малака ошириш даврида кафедра раҳбари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси А.Холбоев ҳамда етук мутахассис И.Равшановларнинг

Ўқиган лекцияларидан жуда кўп янгиликларни билиб олдим. Айниқса, бухоролик Дониёр Нуруллаев, кашкадарёлик Гулшода Ҳайдаровалар билан тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Айниқса, институт кутубхона ўқув зали мудираси Светлана Ходасевич ва СамДУнинг битирув курс талабаси Сайқал Қурбоновлар ушбу рисолаани битишим учун манба топишда яқиндан ёрдам бердилар.

Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳи қошидаги врачлар малакасини ошириш факультетида ташкил этилган “Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари” мавзuidaги малака ошириш курсида қатнашиб, Самарқанда стоматология соҳаси юксалаётганлигининг, бу ерда ўзига хос стоматология мактаби яратилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Агар яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳани янада ривожлантиришда аслида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 4 апрелдаги № 335 - сонли буйруғи асосида ташкил этилган малака ошириш курслари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу курсга раҳбар этиб А.А. Холбоев тайинланганди. Сир эмаски, Мустақиллик даврида барча жаҳонларда бўлгани каби тиббиётда, хусусан стоматологияда ҳам даволаш жараёнлари жаҳон андозаларига тенглаштирилди. Бунинг учун 2007-110, 2008 -114, 2009-181, 2010 – 189 нафар врачларнинг малакасини оширилишига эришилди. Шу тариқа стоматология соҳасида жаҳонда қўлланилаётган янгиликлардан баҳраманд бўлинди. Бир сўз билан айтганда, стоматологлар жаҳон андозалари асосида қайта синовдан муваффақиятли ўтказилди. Энг муҳими ва қувонарлиси эса ушбу курсларда малака оширишга жалб этилган врачларнинг 45-50 фоизи вилоятларнинг чекка ҳудудларида фаолият олиб бораётганлардан иборат бўлди. Бу эса врачлар малакасини ошириш факультети қўлга киритаётган ютуқлардан энг самаралиси деган эътирофга муносиб ҳолатдир. Зеро аҳвол ижобий, ривожланиш даражаси қувонарли экан, келинг, мамлакатимизда алоҳида эътибор билан қаралаётган стоматология соҳаси таракқиёти тарихига бир назар ташлаб кўрайлик.

Чунки таъкидлаганимиздек, тиббиётнинг бошқа соҳалари каби стоматология ҳам, шубҳасиз, ўз тарихига эга. Бу борада сўз юритишдан аввал бугунги кунда кенг истеъмолда бўлган “стоматология” атамасининг маъноси тўғрисида қисқача тўхталиб ўтайлик. Латинчадан ўзбек тилига ўгирганда “Стома” - оғиз, “логос” - таълимот деган маънони англатади. Эслатганимиздек, бу соҳа тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Шу соҳа мутахассислари ҳамда археологлар томонидан қадимий ёдгорликлар, макбаралар, кўрғонлар синчиклаб ўрганилиши, қолаверса бизгача сақланиб қолган айрим ёзма манбаларда сақланиб қолган маълумотлар билан яқиндан танишиш натижасида эраимиздан аввалги 4-5 асрлардаёқ инсонлар стоматология соҳаси билан жиддий шуғулланганлиги маълум бўлди. Масалан, 19-асрда археолог Ренан қадимий Сидан шаҳрида қазинмалар олиб борган. Бу ердан топилган аёл қабридан сунъий тишлар



топилган. Бу ноёб топилмани бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган кўприксимон протезларнинг прототипи, яъни илк нусха - андозаси дейиш мумкин. Қабрдан топилган сунъий тишлар олтин симлар билан илиб қўйилган. Афтидан, кимираган тишлар шу усул билан мустаҳкамланган. Шунини ҳам эслатиб ўтиш лозимки, эрамиздан аввалги Рим қонунларига кўра маййитни олтин билан қўшиб кўмиш маън этилган. Аммо тишлар олтин симлар билан боғланган бўлса, кўмиш ёки куйдириш таъқиқланмаган. Бу фикримизни қадимги этрусқлар макбараларидан топилган тиш протезлари олтин халқалар билан маҳкамлаб қўйилганлиги ҳам тасдиқлайди. Стоматология тарихига оид маълумотларни Миср ва Хитой тиббиёти тараққиётига оид манбаларда ҳам қўллаб учратиш мумкин. Масалан, эрамиздан аввалги 460-355 йилларда яшаган Гиппократ асарларида тиш оғриги, милк, тил, оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари ҳақида атрофлича баён қилинган ва уларнинг бошқа органлар хасталиқларига алоқаси борлиги қайд этилган. Эрамиздан аввалги 2-асрда яшаб ўтган Гален тиш ковагини тозалаб, смола билан тўлдириш орқали ўзига хос усулда “пломбалаган”. Ҳатто, пульпит ва переодантит касалликларини аниқлаб, бир-биридан фарқини ҳам тушунириб берган. Чунки бу даврга келиб, Рим империясида тиш протезлаш кенг тус олган. Бунинг учун олтин, фил ёки хўкиз суяги, ёғоч ва кишиларнинг тишларидан кенг фойдаланилган. Ўтган 19- асрнинг бошларида итальян сайёҳи Бальцони бундан 4500 йил аввал яшаган Миср фиръавни Хефроснинг пирамидалар ичига жойлаштирилган макбарасини очганда, мумийланган аёл жасади ёнидан турли безак-анжомлар билан бирга ёғочдан ясалган тиш протезини ҳам топган. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, тиш протезларини хунармандлар, яъни заргарлар, металл ўймакорлари, темир усталари, сартарошлар, ҳаммоллар ва массажчилар яшашган. Гиппократнинг эътироф этишича, қадимги греклар оғриган тишни аввал кимиралатиб, сўнг бронзадан тайёрланган махсус қисқич-мосламалар билан суғуриб ташлашган.

Хитойда бу жараён бироз бошқачароқ тарзда амалга оширилган, Яъни, хитойликлар аввал тишни кимиралатадиган гиёҳлардан дамлама тайёрлаб беморга ичиришган, шундан сўнггина ричагсимон асбоб воситасида тиш суғурилган. Японлар эса оғриган тишни аввалига махсус ясалган қўлбола болгача ёрдамида кимиралатиб, сўнгра олиб ташлашган. Эрамиздан аввалги 8-асрда яшаган хинд табиби Сушрут оғиз бўшлиғида 70 хил касалликни аниқлаб, шундан 20 таси бевосита оғрик тишлар билан боғлиқ эканлигини маълум қилган. Стоматология тарихи ҳақида сўзлаганда, энг аввало, араб жарроҳи Абул Қосимни эсламоқ даркор. Чунки у ҳақли равишда шу соҳа асосчиларидан бири саналади. Бу жарроҳ - олим тиш протезлашга тиббиётнинг алоҳида бир бўлаги - муҳим соҳаси сифатида қараган. Шу боис у ортопедик стоматологиянинг асосчиси ҳисобланади. Ортопедия атамаси грекчадан ўзбекчага ўгирилганда “тўғри тарбияламоқ” маъносини

англатади. Яъни “орто”- тўғри, “педия” - тарбияламоқ демакдир. Абул Қосим ўзидан олдин юзага келган тажрибаларни янада мукамаллаштириб, қимирлаб қолган тишларни бир-бирига олтин ёки қумуш лигатура ёрдамида шиналашга асос солди. Буни алоҳида таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, унга қадар табобат намоёндалари тиш протезлашни тиббиётга алоқаси йўқ, деб билишган ва бу соҳа билан жиддий шуғулланишмаган. Маъшхур ҳамюртимиз Ибн Сино асарларида ҳам тишни даволаш тўғрисида жуда кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, 15-аср бошларида яшаб ўтган врач Живовани Арколе қарис ковақларини юпка олтин билан тўлдиришни тавсия этган. Ун олтинчи асрда Франциянинг Париж шаҳрида яшаган йирик жарроҳ-олим Амбруаз Паре (1517-1590) амалий стоматологиядаги протезлаш соҳасида ўтмиш тажрибаларини янада такомиллаштирган ҳолда фил ва хўкиз суягидан сунъий тишлар тайёрлаб, уларни олтин симлар билан бириктириб қўйишни кенг жорий этди. У яхлит суякдан бир неча блок тишлар ясашга эришди. Жарроҳлиги боис танглай ёриқларини тўлдиришга ҳаракат қилди. Энг муҳими эса, у бу соҳага оид асбоб-ускуналарнинг илк намуналарини яратди. Шу билан бирга суғуриб олинган тишни қайтадан қўйишни янгилик сифатида стоматология тарихига киритди. Масалан, А. Паре сарой маликасининг оғриган тишини суғуриб ташлаб, ўрнига қанзакнинг соғлом тишини ўрнатиб қўйишга муваффақ бўлди.

Стоматологияга оид илк махсус қўлланма муаллифлиги ҳам французларга тегишли. Чунки яна бир фаранг олими Пьер Ришар 1728 йилда “Тиш хирургияси ёки тишлар ҳақида” деб номланган илмий рисола яратди. Шу билан бирга, у олиб қўйиладиган протезларни пружиналар ёрдамида мустаҳкамлаш, тиш тайёрлаш технологияси ва штифт тишларга асос солди. Сунъий тишларни маймун, одам, олтин, суяклардан тайёрлаб, протезнинг олтиндан тайёрлаш қисмини чинни копламалар билан алмаштиришни тавсия этди. Бу борада самарали изланишлар олиб борди ва яхши натижаларга эришди. Ўрни келганда таъкидламоқ зарурки, чиннидан протез тайёрлашга биринчилардан бўлиб француз дорихоначиси Дюшатово (1774 й.) асос солди. У 1778 йилда жарроҳ Дюба-Шеман билан биргаликда Париж фанлар академиясининг патентини олди ва шундан сўнг чинни тишлар ўрнатиш кенг қўлланила бошлади. Вақт ўтган сайин стоматология соҳаси ҳам ривожланиб, тараққий этиб бораверди. 19-асрга қелиб инглиз олими Уайт (1822-1879) чинни тишларни фабрикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лекин чинни тишлар тайёрланаётганда, яъни пишириш пайтида хажми нисбатан қисқариши туфайли базисда муаммолар пайдо қила бошлади. 1843 йилда Нельсен Гудирнинг каучукни вулканизация қилиш усули яратилгач, чинни протезлар тайёрлашдаги муаммоларга барҳам берилди. 1855 йили вулканизация қилинган каучукни Петмен қўллади ва бу ихтиро то пластмасса яратилгунча қўл келиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқлади. Аммо, сунъий тиш

Ўрнатишда ўзбилармонлик қилишлар қатор камчилик ҳамда хатоларни келтириб чиқарди. Бу орада Пфафф ва Бурман деган олимлар мум воситасида жағларнинг альвеоляр ўсимталарини қолипга олиш усулини тавсия этишди. Шундан сўнг протезлардан аввалгидек косметик кўриниш учунгина эмас, балки овқатланишда ҳам фойдаланила бошланди. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, қолип олишда гипседан фойдаланиш немис олими Пфаффга тегишли эканлиги тўғрисида маълумотлар бор. Колаверса, тиш ковакларини кўрғошин, олтин ва қалайи билан пломбалаш усулининг жорий этилиши ҳам шу олим номи билан боғлиқ. Шу ўринда эслатиб ўтмоқ зарурки, “пломба” сўзи аслида лотинча “плюмб” сўзидан олинган бўлиб, кўрғошин деган маънони англатади. Шуниси ҳам борки, сунъий тиш яшаш учун қолип оладиган қошиқ эса Делабар томондан 1820 йилда тавсия этилган. Гипседан бундай қолип олишнинг бошланиши тахминан 1840 йилга бориб тақалади. 1856 йилда Чарльз Стенс ўзининг термопластик “Стенс” массасини яратди ва шу йўл билан қолип олишда яна бир кашфийёт юзага келди. Хуллас, стоматология тарихига хронологик нуқтаи назардан қараладиган бўлинса, қуйидагича узвийлик – давомийликни кузатиш мумкин бўлади: 18-асрда инглиз жарроҳи Гентер яллиғланган тиш (пульпит)ни даволашга асос солди. 19 - асрга келиб, тиш кариесини механик усул билан тозалаш асбоблари пайдо бўлди. Бунинг учун Делабар тиш борларини айланма ҳаракатга келтирувчи қўл асбобини яратди. Маррисон эса шу мақсаддаги бормашинани, яна бир олим Ранъяр тиш пломбаси учун амалгама (металл ва симоб аралашмаси) ни таклиф қилди. Спунер номли олим бу борада мишъяқдан фойдаланиш таклифини киритди.

Россияда, ҳатто, 18-асрларгача тиш врачлари четдан келиб бой табақаларнигина даволар эди. Оддий халққа эса бу пайтда ҳам аввалгидек сартарошлар, ўймакор усталар ва бошқалар хизматда бўлишган. Россияда илк бор 19-асрда “тиш даволовчи” деган унвон таъсис этиш тўғрисида қарор чиқарилган. Бу унвонга шахсий тиш даволаш хонаси бор кишилар, қўлида тажриба ўтаганлар лойиқ топилган. Кейинчалик бу унвон “дантист” деган атамага алмаштирилган. Фақат 1810 йилга келибгина четдан келиб тиш даволашларга чек қўйилди ва “Зубной лекарь” унвони ҳамда дипломи таъсис этилди. Шу тариқа тиш даволовчилар “Зубной лекарь” дея атала бошлади. Шуни ҳам алоҳида қайд этмоқ лозимки, биринчи бор тиш врачлик мактаби Америкада 1839 йилда очилди. Кейинчалик бундай мактаблар 1857 йилда Англияда, 1881 йилда Россияда, Германия, Франция ва Швейцарияда ташкил этилди. Ниҳоят 1899 йилда Петербург клиник институтида, 1920 йилда МДУнинг медицина факультетида одонтологик кафедралари ишга туширилди. 1921 йилда Москва Давлат тиш даволаш институти ташкил этилиб, кейинчалик стоматология ва одонтология институти номини олди. Хуллас, 1935 йилга

келиб, 11 та стоматологик институт очилиб, то 1949 йилгача тиш дўхтирлари тўрт йил мобайнида ўқитилиб турилди.

Ўзбекистонда эса стоматология соҳаси ривожини 1940 йилларда сезиларли даражада ўсди. Чунки шу йилга келиб, юртимизда 5 та стоматология поликлиникаси ва тиш врачлик кабинетлари бор эди. Шунингдек, 47 та тиш врачлик бўлими ва 2 та 65 ўринга мўлжалланган стационар шифохона фаолият юрита бошлаган эди. Шу йиллари мамлакатимиз бўйича жами 37 нафар стоматолог, 339 нафар тиш врачлари, 118 нафар тиш техниги аҳолига хизмат кўрсата бошлаган. 1946 йилга келиб Ортопедия ва травматология институти қошида 50 ўринли юз-жағ жароҳати клиникаси очилди. 1950 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтида юз-жағ жароҳати курси, 1954 йилда ТошМИда стоматология факультети очилди. 1970 йилда Ўзбекистонда 2484 врач бўлиб, шундан 1314 нафари стоматолог, 1170 нафари тиш врачлари сифатида фаолият юрита бошладилар. 2005 йилда СамДТИда ВМОФининг стоматология курси йўлга қўйилди. 2009 йилда эса шу олийгоҳда стоматология факультети иш бошладилар.

Мустақиллик даврига келиб Бухорода ҳам тиббиёт институти очилиб, унинг таркибида стоматология факультети ташкил этилди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда стоматология соҳаси нисбатан қисқа тарихни камраб олган бўлса-да унинг қўламини кенг, тараққиёти баравж. Кундан-кунга салоҳияти ортиб бораётган стоматология соҳаси бугунги кунга келиб, жаҳон андозаларига мос фаолият юритмоқда. Бу соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган олим Миржамол Мирёкубовнинг номини алоҳида ҳурмат билан эътироф этмоқ керак. Чунки айнан шу олимнинг тишни протезлаш бўйича яратган ўзбек тилидаги илк ўқув қўлланмаси бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотган эмас ва у асосий манба сифатида қўлланилиб келинмоқда.

## **СУРХОН СТОМАТОЛОГИЯСИ ОДИМЛАРИ**

Ўзбекистонимизда бўлгани каби, бизнинг Сурхон воҳамизда ҳам тиббиётнинг стоматология соҳаси тобора ривожланиб ва замонавийлик касб этиб бормоқда. Айниқса, мустақиллик берган имкониятлар ҳамда давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар, тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришиш натижасида кейинги йилларда стоматология соҳаси ҳар жиҳатдан тараққий этиб, ривожланиш сари юз тутмоқда. Шунинг ҳам алоҳида таъкидламоқ зарурки, аҳолига чинакам стоматологик хизмат кўрсатиш сифати ва миқёси айнан Мустақиллик йилларида сезиларли даражада яхшиланмоқда. Чунки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, бизнинг серкўёш воҳамизда ҳам стоматология хизматини ташкил этиш Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданок давлат ва ҳукумат эътиборида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда вилоятимиз

аҳолисига стоматологик хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК - 1652 - сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига биноан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 27-ноябрдаги 624-сонли буйруғи асосида кенг камровли, айти пайтда юксак малакали тарзда олиб борилмоқда. Сурхон воҳасида стоматология мустақиллик йилларида қандай юксалиш ва ютуқларга эришганлигини қуйидаги факт ва рақамлар мисолида ёрқин тасаввур этиш мумкин.

Авалло шунни айтиш керакки, Сурхондарё – мамлакатимиздаги аҳоли ва ҳудуд жихатидан энг йирик вилоятлардан бири ҳисобланади. Сўнги рўйхатга олиш натижаларига қўра, бугунги кунда вилоятда 2 миллион 270 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Бу кўрсаткичнинг 665 минг 780 нафарини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шундан 161 минг 670 нафари эса ўсмирлардир. Вилоят аҳолисига ҳозирги кунда тармоқлар орқали 3 та стоматологик поликлиникаси, шу жумладан 2 та болалар стоматология поликлиникаси, 6 та бўлим юқори савияда сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, умумий поликлиникалар қошида ҳам 18 та стоматологик хоналар ташкил этилганлиги айти мудида бўлмоқда.

Ҳозир вилоятда 244 нафар стоматолог бўлиб, шундан 186 нафари терапевт стоматологни, 32 нафар жаррох стоматологни, тиш врачлари эса 4 нафарни ташкил этади. Айти пайтда воҳа ҳудудида 243 та ҚВПлар бўлиб, уларнинг 117 тасида алоҳида стоматология кабинетлари ташкил этилган. Шунингдек, вилоят бўйича 17та мактаб, 3 та коллежда стоматология кабинетлари ишлаб турибди. Сурхон воҳасининг шимолий ҳудудларида жойлашган Сарийосиё, Узун ва Денов туманларида сув, ҳаво, ер тупроғи Тожикистон алюмин заводидан таралаётган кўп миқдордаги фтор моддаси билан зарарланганлиги туфайли бу ҳудудларда аҳоли орасида эндемик флюороз касаллиги кўп тарқалганлиги ҳолати кузатилмоқда. Шу боис вилоят стоматологлари бу туманларга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасида стоматология соҳасини янада ривожлантириш, жаҳон андозалари даражасига етказиш, даволашнинг энг илғор ва замонавий усулларини қўллаш борасида ҳам талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиқса, доимий фаолият юритаётган стоматология поликлиникалари, бўлимлар, кабинет ва хоналарни тишни даволашда қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар, тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ва шу орқали моддий – техник негизни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Саломатлик-2” дастурини бажариш мақсадида ажратилаётган маблағлар эвазига стоматологик ускуналар ва лаборатория анжомлари вилоятга келтирилиб, ўз вақтида жойларга етказилиб турилибди.

Мукояса учун куйидаги ракамларга эътибор қаратмоқ лозим. Масалан, 1990 йилгача вилоятга жами 75 та бормашина, 78 та стоматологик кресло келтирилганди. 2010 йилгача эса “Саломатлик- 2” лойиҳаси бўйича яна кўшимча равишда вилоятга 60 та бормашина, 60 та стоматологик кресло олиб келинди ва КТМП ҳамда ҚВПларга тарқатилди. Келгуси 2014 йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада кўпайитирилиши кўзда тутилган бўлиб, яна 12 та бормашина ҳамда 12 та стоматологик кресло келтирилиши режалаштирилган. Шу тарика бормашиналар сони 150 тага, креслолар сони эса 145 тага етказилади. Вилоятда стоматология соҳаси нафақат моддий-техник негизни мустаҳкамлаш жиҳатидан илгари одимламоқда, балки мутахассис-кадрлар сони ортиши борасида ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришилмоқда. Чунки даволаш ва тиш касалликлари профилактикаси борасида қўлга киритилаётган муваффақиятларга, энг аввало, амалий фаолият юритаётган мутахассисларнинг малака ҳамда тажрибаси ортиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда. Бундан атиги йигирма-ўттиз йиллар аввал вилоят миқёсида фаолият юритаётган тиш врачлигига эга мутахассислар сони бармоқ билан санарли даражада бўлган, дейишга асос бор. Ҳозирда эса вилоят ҳудудида 244 нафар стоматологлар ишлаб турибди. Шундан 194 нафари катта ёшдаги беморларга, 25 нафари эса болаларга тиш терапевти, 23 нафар шифокор стоматолог жарроҳ сифатида катталарга, 2 нафари эса болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу шифокорларнинг 97 нафари олий, 48 нафари биринчи тоифали, 8 нафари эса иккинчи тоифали врач-стоматологлардир. Биргина вилоят стоматология поликлиникасида айни кунларда 22 нафар врач стоматолог фаолият юритаётган бўлиб, шундан 19 нафари стоматолог терапевт, 3 нафари эса стоматолог жарроҳлардир. Бу шифокорларнинг ҳар бири юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар сифатида аллақачон эл эътирофига сазовор бўлган.

## **СУРУНКАЛИ СПЕЦИФИК КАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА**

Одатда стоматолог ёки тиш доктори дейилганда, оғриган тишларни даволовчиларни ёки бундай тишларни сугуриб ташловчиларни, шунингдек яроксиз ҳолга келиб қолган тиш ўрнига сунъийсини ўрнатувчиларнигина тушунамиз. Аслида ҳам шундайми? Ёки бу соҳа мутахассислари нуксонли тишлардан келиб чиқувчи бошқа хасталикларнинг ҳам билимдоними? Келинг, хикоямизни шу ҳақда давом эттирайлик. Аввало шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси, тил ва лабда кечадиган касалликлар стоматология соҳасида муҳим аҳамиятга молик саналади. Чунки оғиз шиллиқ пардаси, тил ва лаб билан боғлиқ касалликлар ташқи ва ички омиллар таъсирида келиб чиқади. Шуниси ҳам борки, бу касалликлар аксар ҳолларда клиник белгиларига кўра, бир-

бирига ўхшамайди. Шу боис аниқ ташхис қўйиш бир қадар қийин бўлади. Тўғри ташхис ва шу асосда муолажа белгиламоқ учун стоматолог оғиз бўшлиғидаги шиллик парда, тил ва лаб тўқималарининг анатомияси ва физиологиясини, касалликлар таснифини, келиб чиқиш сабабларини, клиник белгиларини, дифференциал диагностикасини пухта билиши зарур. Чунки бу ҳолатларни нафақат билиш, балки бир-биридан бехато фарқлай олиш врач - стоматолог зиммасидаги муҳим вазифа саналади.

Врач - стоматолог тишингизни даволашга киришар экан, энг аввало, юқорида таъкидлаб ўтган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши керак. Инсон танасининг бошқа аъзолари хасталиklarига ташхис қўйиш жараёнларида эса, албатта, оғиз шиллик пардаси билан боғлиқ касалликлар турини яхши билиши зарур бўлади. Бунини таъкидлаётганимизнинг боиси шундаки, оғиз шиллик пардаси организмнинг бошқа қисмида жойлашган шиллик пардадан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. У ташқи физик, кимёвий ва ҳарорат таъсирига чидамли бўлади. Микробларнинг тўқимага киришига тўсқинлик қилади. Яна шуни ҳам эътибордан кочирмаслик керакки, оғиз бўшлиғи шиллик пардаси ҳамма жойда кўп қаватли ясси эпителийдан иборат бўлиб, базал қаватлардан ташкил топади. Эпителийнинг базал хужайралари орасида лейкоцитлар бўлади. Бундан ташқари эпителий шиллик пардасининг баъзи жойларида меланоцит хужайра ҳам бўлиб, улар меланин ҳосил қилади. Шу боис баъзан шиллик парданинг айрим жойларида қорамтир ранг бўлади. Гистокимёвий усул билан текшириш шуни кўрсатадики, оғиз бўшлиғи эпителиysi кўп миқдорда ўзига гликоген йиғиш хусусиятига эга экан. Эпителий шиллик парданинг шахсий қавати билан мембрана орқали бирикади, у қуюқ тўрсимон оргирофилли толалардан иборат бўлиб, эпителийнинг базал қаватидаги цитоплазма хужайрасининг ўсимтаси билан чамбарчас боғланган. Шахсий қаватда капилляр кон томирларининг тўри жойлашган, у эпителийни озиклантиради. Гликопротеидлар ва мукополисахаридлар бириктирувчи тўқимадаги хужайралараро модданинг асосини ташкил этади. Бу тизимда уч хил асосий хужайра элементлари бўлади. Улар фибробластлар, макрофаглар ва семиз хужайралар деб аталади. Фибробластлар бириктирувчи тўқиманинг асосий хужайра тури ҳисобланади. Улар проколлоген, протилеин ва бошқа шира маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Макрофаглар эса химоя вазифасини ўтайди ва бегона бактерия бўлақларини, ўлган хужайраларни ютади. Семиз хужайралар яллиғланиш жараёнида қатнашиб, бириктирувчи тўқимада яшайди, микроциркуляцияда, ўтказувчанликда доимийликни таъминлайди. Бундан ташқари биологик фаол модда ҳисобланган гепарин гистоминни ишлаб чиқаради ва уни сақлаш қобилятини таъминлайди.

Албатта, оғиз бўшлиғи шиллик пардаси тўғрисида кўп гапириш мумкин. Чунки юқорида айтилганлардан ташқари яна каллогенли ва аргофилли

толали туркумлардан ҳам иборат бўлади. Шиллик қаватдаги коллогенли толаларнинг боғлами теридагига қараганда ингичка бўлади. Милк ва ва каттик танглай шиллик қаватида зич жойлашади. Аргофилли толалар эса теридагига нисбатан шиллик қаватда кўпроқ бўлади. Шиллик ости қаватининг кўпчилиқ қисми юмшоқ бириктирувчи тўқимадан ташкил топади. Улар баъзи жойларда суяк пардаси, бошқа жойларда эса мушак пардаси билан бириккан бўлади. Бу қаватда йирик қон томирлари, лимфа томирлар, нервлар, ёғ тўқимаси ҳамда сўлак ва ёғ безлари жойлашган бўлади. Милкда, каттик танглайда шиллик ости қават яхши ривожланган бўлмайди. Шиллик парда озикланишини куйидаги артериялар - тил, ташки ва ички жағ, энса таъминлайди. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати овқат хазм қилиш, нафас олиш, сўзлаш жараёнида қатнашиш, химоя, анализатор, сўриш вазифаларини бажаради. Ўрни келганда таъкидламоқ лозимки, эпителий инсоннинг ёшига нисбатан олиб қараганда кўп ёки оз микдорда бўлишини, қалинлашиши ёки юпқаланишини, дағалланишини, сусайишини кузатиш мумкин. Шиллик парда касалликларида ўзига хос ўзгаришлар рўй бериб туришини инобатга олган ҳолда уларни бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, бирламчи ўзгаришлар доғ, тугунча, дўмбокча, тугун, пуфакча, пуфак, йирингча, киста, каварик ҳолатида бўлиши мумкин. Иккиламчи ўзгаришлар эса эрозия, яра, ёрик, қатқалоқ, тангасимон қоплама, чандиқ, доғланиш тарзида намоён бўлиши мумкин. Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси билан боғлиқ кечадиган хасталиклардан бири - сил касаллигидир. У сурункали ва юқумли касалликдир. Шуни ҳам эътироф этиб ўтмоқ керакки, оғиз шиллик пардаси сил микробига ноқобиллиги учун бирламчи сил билан оғримади. Гарчанд шундай бўлса-да, оғиз шиллик пардасида учрайдиган сил касаллигининг икки хил шаклини кузатиш мумкин. Яъни волчанка ва миллиар-яралли шаклдаги сил касаллиги. Силнинг “волчанка” шакли оғиз бўшлиғида кўпроқ юқори лаб, милк, алвеоляр ўсимта юмшоқ ва қаттик танглайда учрайди. Унинг биринчи белгиси 1-3 миллиметрли дўмбокча ёки бўртма ҳосил қилиши орқали намоён бўлади. Кўпинча бу ҳолат юқори лаб қизил хошиясида кўзга ташланади. Агар касаллик белгиси бурун терисида жойлашса, аста-секин юқори лабга тарқалади. Катталаша бошлаган дўмбокчанинг маркази тешилиб, яра ҳосил қилади.

Хуллас, оғиз бўшлиғи билан боғлиқ касалликларнинг ўзига хос, яъни специфик турлари тўғрисида гапирганда улар сурункали характерга, юқумли хусусиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Чунки юқорида биз қисман тўхталган касалликлар ҳам, бундан ташқари захм каби хасталиклар ҳам ана шундай хусусиятга эга. Шу боис ҳам врач-стоматолог нафақат оғрик тишларнигина даволайди, балки оғиз шиллик қаватида рўй бераётган ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб ташхис қўяди ва даволашга киришади.



# СТОМАТОЛОГЛАР ҲАКИДА ЛАВҲАЛАР

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Инсон зоти борки, орзу билан яшайди. Айниқса ўсмирлик, қайнок ёшлик кезларида калблар хавасларга тўла бўлади. Дарвоқе, орзу дея аталмиш гулрухсор пари кўнгилга мустаҳкам ўрнашган бўлса, инсон албатта кўзлаган мақсадига эришади. Ушбу хикоямиз кахрамони Олтибой Каримов интиланганга толе ёр, нақлига амал қилиб орзуни рўёбга чиқариб яшаётган инсонларнинг бири. Хали ўсмир ёшидаёқ кўнгилга тугилган орзу-хавасларини бардошли ҳолда амалга ошириб, эл-юрт саломатлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган шифокор.

Олтибой Каримов асли жаркўрғонлик. Шу тумандаги Қоракурсок номи билан машхур қишлоқда таваллуд топган. Шодон болалиги, ғуборсиз ҳистуйғулар, ёлқинли орзулар оғушида 1985 йилда тумандаги 11-сонли мактабни битирган. Шу йили кўнгилга тугилган орзу етагида Тошкент Давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Лекин қириш имтиҳонлари пайтида омад унга қулиб боқмади. Англадики, қалб тўрида мавжланиб турган орзуга эришиш ҳамиша ҳам осон кечавермас экан. Илк муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмади. Аксинча, собитқадамлик билан олға интилаверди. Бошқа касб танлашни ҳаёлига келтирмади. Орада йигитлик бурчини ўтаб, ҳарбий хизматда бўлиб қайтди. Имтиҳонларга тайёрланишда, ўқиб - ўрганишда давом этаверди. Ҳарбийдан қайтгач, яъни 1988 йилда ТошДавМИнинг тайёрлов курсларига қатнай бошлади.

Халқимизда илм излаганга йўл топилар, деган мақол бор. Қалбдаги орзуни амалга ошириш иштиёқида тинмай изланаётган, интиланаётган, билимларини тобора мустаҳкамлаб бораётган Олтибой Каримов 1989 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти стоматология факультетининг талабаси бўлди. Табиатан босиқ феълли, ҳарбийда чиникқан, ўша пайтларда русум саналган рус тилини яхши билиши унга олийгоҳда муваффақият билан ўқиш имконини берди. Тиббиёт илмининг сермашаққат йўлини зийраклик, қатъий сабр-бардош билан босиб ўтди. Мақсади – ўртамиёна эмас, балки бемор дардига чинакам малҳам бўла оладиган шифокор - мутахассис бўлиш эди. Шу боис талабалик йилларида ортикча хою-хавасларга берилмади. Орзуим ушалди, ўзим истаган соҳада ўқияпман, дея хотиржамликка берилмади. Ғофиллик кўчаларида бемақсад, бемаслак тентирамади. Аксинча, кунт билан ўқиб-ўрганиш пайида бўлди. Ҳаёт ва илмнинг ёркин йўлларида дадил одимлаб юриб, 1994 йилда тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлади. Стоматолог-шифокор мутахассислиги дипломига эга бўлди. Шундан сўнг бир йил давомида, яъни 1995 йилга қадар Термиз шаҳридаги стоматология поликлиникасида интерна мудлатини ўтади. Бу ерда у воҳанинг таникли шифокорлари Асад

Тўйчиев, Ўрол Ибрагимовлардан тажриба ўрганиб, институтда олган назарий билимларини амалиёт билан мустахкамлади.

Шифокор сифатидаги мустакил иш фаолиятини Жаркўрғон туманидаги “Оқ тепа” кишлоқ врачлик пунктида стоматолог сифатида бошлади. Ҳаракатчан, муомала маданияти юксак, ширинсуханлиги боис нафақат ўзи иш бошлаган жамоада, балки аҳоли орасида ҳам эътироф этилди, ҳурматга сазовор бўлди. Айни кунларда тумандаги А. Навоий номи ҚВПда олий тоифали шифокор-стоматолог сифатида фаолият юритаётган Олтибой Каримов орадан ўтган йиллар давомида бир неча бор Фахрий ёрликлар, кимматбахо совғалар билан тақдирланди. Турмуш ўртоғи Муҳаббатхон билан ахил яшаб, тўрт нафар фарзандни вояга етказди. Ҳаётда босик, кенг феълли, хотиржам қалбли бу инсон оилада, ишда ўта талабчан, ўрни келганда бироз каттикўллик билан фарзандларини илмли, одобли, саховатли, маънан етук қилиб тарбиялаб келмоқда. Бола тарбияси замона зайли, мактаб даргоҳи, маҳалла муҳити билан боғлиқ деб, хотиржамликка берилган эмас. Нафақат ўз фарзандлари, балки ўзгалар болаларини ҳам тўғри тарбиялашга ҳисса қўшиб келаяпти. Олтибой Каримов олий тоифали шифокор сифатида ҳурматга эришаётган бўлса, оила кўрғонини мустахкам тутаётганлиги, асосий ишидан бўш пайтларида томорқада меҳнат қилиб, ўзгаларга ўрнак бўлаётганлиги боис эъзозга мушарраф бўлмоқда. У ўз касби ва ҳаётдан мамнунлик ҳис этиб яшаётган замондошларимизнинг бири. Чунки у ёшлиқда кўнгилга тугилган орзулари ушалган, мудом олға инитилиши туфайли танлаган соҳаси ва оиласида, эл-юрт назаридан толе топган инсон. Бу бахт, бу хавас қилса арзигулик толе аслида ҳаётга чанқоқлик, қолаверса хали - хануз ёнида бақамти яшаб, инсонийликдан бетакрор сабоқлар бериб ўтирган онаси – саксон икки ёшли Майрам момонинг дуолари туфайли бўлса, ажабмас. Замон билан ҳамнафас одим ташлаётган Олтибой Каримов бундан кейинги фаолиятини нодавлат секторда давом эттириш мақсадида айни кунларда ташкилий ишларни бошлаб юборди.

## ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ ОҲАНРАБОСИ БОР

Ҳа, бу ёруғ оламда касбу ҳунар, илму амал қўп. Инсон бирор ишнинг бошини тутар экан, аввало, шу соҳага кизиқишидан келиб чиқади. Касблар орасида эса оддийдан тортиб, то мураккаб ва алоҳида истеъдод ҳамда маҳоратни талаб этадиганлари ва шу туришича, ярқ этиб кўзга ташланадиганлари бисёр. Аммо шундай касблар ҳам борки, бир қарашда ўта жўндек, оддийдек туюлади. Рост, бундай касбнинг бошини тутганлар дафъатан кўзга ташланавермайди. Бу таърифни бемалол стоматология соҳасининг зарур йўналишларидан бири - тиш тайёрлаш техникасига тадбиқ этиш мумкин.



Бу касб соҳибларининг меҳнати, инсон саломатлигини муҳофаза этишга қўшадиган ҳиссаси салмоғини англамоқ учун қуйидаги мисолни келтирмоқ ўринли бўлар. Тасаввур этинг, тумонат тўпланган адирликда кўпқари бўлаяпти. Чопағонлар жаҳду шижоат билан от суриб, улоқ айираяпти. Ғолиб чавандоз баковуллар қўлидан совринлар олаяпти. Зумда чопағоннинг номи эл аро машҳур бўлиб кетаяпти. Эл орасида чопағоннинг доврўғини оширган куч, аввало, унинг маҳоратида. Лекин улоқни айиришда чаптастик қилган отда ҳам гап кўп. Чопағонга зафар келтирган отни бедов ва югурик қилган, тарбиялаб парваришлаган киши эса аслида сайис - отбоқар ҳисобланади. Чунки улоқчи отларни қатъият билан кўпқарига тайёрловчи отбоқар чопағоннинг энг яқин ҳамкоридир. Мажозий маънода келтирганимиз ушбу мисолдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тиш протезлаш шифокорининг, яъни ортопед-стоматологларнинг эл орасида обрў топишида, иззат-ҳурматининг ошишида тиш тайёрлаш техниклари қўшадиган ҳисса ҳар жиҳатдан муҳим эканлиги аён бўлади. Чунки оддий кўзлардан пана лабораторияларда ўтириб ҳар бир инсон учун алоҳида меҳр, ихтирочилик, яратувчанлик билан фаолият юритадиган тиш тайёрлаш техниклари меҳнати ортопед-стоматологга худди кўпқарида улоқ айирган чапағон мисол обрў келтиради. Бу муваффақиятлар ортида табиийки ўша лабораторияларда ишлаётган, аниқроғи ҳар бир миқоз учун кичик-кичик ихтиролар қилиб, табиийсидан асло қолишмайдиган сунъий тишлар тайёрлаётган техникларнинг заргарона меҳнати ётади. Тиш тайёрлаш техникларининг стоматолгиядаги ўрнини янада аниқроқ тасаввур этмоқ учун алломаларнинг мана бу пурҳикмат сўзларини эсламоқ кифоя. Улар шундай дейдилар: “Кейинги дунё саодатига эришмоқ истасанг такводор бўл, ҳозирги дунё саодатига эришмоқ учун савдогар бўл. Икки дунё саодатига муяссар бўлмоқ учун тадбиркор-хунарманд бўл”. Бу сўзлар айнан танлаган касбини хунарга, маълум маънода санъатга айлантира олган тиш тайёрлаш техникларига ҳам чин маънода тааллуқлидир. Чунки улар тўғри маънодаги тадбиркор, хунарманд, санъаткор ва ихтирочилардир.

Қуйида сўз юритишга чоғланаётганимиз Нурмуҳаммад Пардаев ўзи истаб ва қалбан қизиқиб тиш техниги касбини танлаганларнинг бири. У йиллар оша тажрибалар тўплаб, маҳоратини ошира бориб бугунги кунда вилоятимиздаги энг моҳир тиш тайёрлаш техниги даражасига етган инсонлардан саналади. Айни кунларда Денов шаҳридаги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятга қарашли стоматология масканида катта тиш техниги вазифасида ишлаётган Нурмуҳаммад Пардаев бу касб сирларини шу жамоада иш ўрганувчи – амалиётчи бўлиб юрган кезлари пухта ўзлаштирганди. Орадан ўтган йиллар давомида касбга меҳр, ишда маҳорат ҳам орта борди. Чунки у узок йиллар мобайнида Туроб Жўраев, Собир Тўйчиев, айниқса Чори Эсонов, Холмўмин Нуринов каби таниқли тиш техникларидан иш ўрганди, унутилмас сабоқлар олди. Бугунги кунга

келиб тўсдай қора сочларга киров инди. Нурмухаммад аканинг ўзи ҳам устоз даражасига етди. Ўнлаб малакали шогирдлар тайёрлади. Айниқса, эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган шогирди Абдурахмон Тоиров эришаётган муваффақиятлар уни қувонтирмоқда. Тобора эл-юрт хурматини қозониб бораётган Абдурахмон устоз ўғитларига амал қилган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Денов тарафларга йўлим тушса, мен табиатан ёқимтой феълли, ҳазил-мутойибага мойил, суҳбати хушчақчақ Нурмухаммад Пардаев билан албатта учрашиб, суҳбатлашиб қайтаман. Бу инсоннинг яқин ўтмишларга оид дилбар гурунгларида, ҳазилларида баҳраманд бўлиб, кўнгилга инган губорлардан покланиб, руҳим тозариб, кайфиятим кўтарилиб кетади. Суҳбатларимизнинг бирида Нурмухаммад ака ўз касбига таъриф берар экан, шундай дегандилар: “Тиш техниги мисоли соатсоз уста каби сабрли, заргар каби кунтли, ҳарбийлар каби саботли, энг муҳими кенг феълли, юксак дид соҳиби бўлиши керак”. Ҳақ гап. Тўғри баҳо. Чунки тиш техниги стоматолог-ортопед кўрсатмалари асосида худди заргардек беҳато ишлаши зарур. Чунки у тайёрлайдиган ҳар бир тиш инсонга нафақат кўрк бағишлаши, балки Аллоҳ инъом этган нозу-неъматларни лукмаи ҳалолга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Тиш соғлом бўлса, овқат ҳазм бўлиши ҳам осон кечади. Демак, инсон саломатлигига путур етишининг олди олинади. Чунки организмга хуруж қиладиган кўплаб хасталиклар айнан тиш касалликлари, қолаверса овқатнинг яхши ҳазм бўлмаслиги туфайли содир бўлади. Буни Нурмухаммад ака яхши билади, танлаган касби моҳиятини ана шундай тушунади. Ана шу англаш Нурмухаммад Пардаевни бир умр бир касбда садокат билан ишлашга ундаб, оҳанрабодек ўзига мафтун этиб келаяпти.

Ўз касбига садокатлилар сафида илдам бораётган Нурмухаммад ака турмуш ўртоғи Тожихол опа билан беш нафар солиҳ фарзандларни тарбиялаб вояга етказди. Дарвоқе, фарзандлар тўғрисида бежиз солиҳ иборасини қўлламадик. Нурмухаммад аканинг ўғли болалигиданок математика фанига кизиқар эди. Бугунги кунга келиб, у иқтисодчи бўлиб етишди. Қизи Шахлоҳон эса тиббиёт соҳасини танлади, ҳамширалик қилмоқда. Қўли енгил ҳамшира сифатида обрў қозонганлиги туфайли иш жойида ҳам, маҳаллада ҳам уни излаб келувчилар кўп. Яна бир ўғли Олимжон эса ота касбини танлаган. Маҳоратли тиш тайёрлаш техниги сифатида аллақачон танилиб улгурган. Нурмухаммад ака Пардаев касбдошлари орасида қанчалик обрўга, эътиборга эга бўлса, маҳалла ва оилада ҳам ўшандай хурматга сазовор бўлиб яшаяпти. Бу бахтнинг боиси эса шу оддийгина касб- тиш техниги бўлиш туфайлидир.

## ТИШИНГИЗ ЯРҚИРАБ ТУРСИН

Яхши биласиз, Денов тумани Сурхон воҳасининг ижтимоий - иқтисодий салоҳияти юксак туманларидан бири саналади. Бу туман аҳолиси ҳам истиқлол туфайли мамлакатимизда кечаётган чўнг ўзгаришлар, камрови кенг ислохотлар билан ҳамоҳанг кадам ташламоқда. Барча соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Хусусан, тиббиёт соҳасида ҳам кейинги йилларда ислохотларга мос залворли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тиббиётнинг стоматология соҳаси ривожланиб, замонавий андозаларга муносиб тарзда тараккий этмоқда. Бу таракқиёт аслида соҳа ходимларининг фидойи меҳнатлари, изланувчанлиги, тадбиркорлиги натижаси сифатида ўзини намоён этмоқда.

Табиийки, ҳар қандай янгилик ёки кашфиёт албатта бирор бир соҳа вакилларининг фидойилиги, илмий салоҳияти туфайли рўй беради. Деновда эса стоматология соҳасининг чинакам дарғалари деса арзигулик мутахассислар кўп. Ана шундай эътирофга молик инсонларнинг бири – Дўси Саидовдир. У кўп йиллардан буён “Садаф” масъулияти чекланган жамиятга қарашли стоматологик масканга бош врачлик қилиб келмоқда. Мамнуният билан таъкидламоқ зарурки, ушбу маскан турли замонавий асбоб-ускуналар, турфа стоматологик жиҳозлар билан тўла таъминланган. Икки қаватли бинода фаолият олиб бораётган масканда беморлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Хикоямиз қаҳрамони Дўси Темурович Саидовнинг ёши етмишни қоралаб қолган. Шундай бўлса-да, ҳамон сафда туриб элу юртга хизмат қилаётган бу инсоннинг қадди тик, келбати улуғ, гавдаси полвонсифат. Худди шунга монанд қувваи ҳофизаси мустаҳкам, хотираси тиник, умр дафтари эса кўркем ва фусункор. Дўси ака ярим асрдан буён стоматология соҳасида баракали хизмат қилиб келмоқда. Йиллар оша тўпланган тажрибалар, орттирилган малака, умр бўйи давом этаётган ўрганиш ва ўргатишлар бу инсонни замондошлар назарида янада салобатли қилиб турибди. Аслида мен Дўси акани 1980 йилдан, аниқроғи талабалик йилларимда амалиёт ўташга келганимдан буён танийман. Кези келганда таъкидлаш жоизки, бу инсон бошлиқ жамоага аъзо бўлиш, устознинг чиғириқли синовларидан ўтиш қийин. Аммо жамоага аъзо бўлгач, бу ердан қўнғил узиб кетиш ундан-да мушкулрок.

Шу боис бўлса керак, орадан ўттиз йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон Деновга йўлим тушса, албатта Дўси акани кўриб, суҳбатини олмасдан кетмайман. Энг муҳими, тажриба алмашаман. Стоматология соҳасига онд янгиликлар тўғрисида фикр алмашаман. Айни пайтда ташхис қўйиш, даволаш сирларидан тажрибалар оламан. Айниқса, устознинг бугунги кун раҳбари қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрлари менга маъқул бўлган. Бу жамоанинг мен учун кадрдонлигининг яна бир сабаби

шундаки, 1982-1983 йилларда илк бор интерна муддатини шу инсон раҳбарлигида ўтаган эдим. Давра гурунгларимизнинг қай биридаям Дўси ака эслатганларидек, мен у кишининг қўлида 133- шогирд бўлиб интерна ўтаган стоматолог-шифокорни учратганман. Лўнда килиб айтганда, стоматология соҳасига мустақил кадамни шу даргоҳда қўйганман. Қисқаси, мен ва менга ўхшаш кўплаб врачлар шу ерда тетапоя бўлиб, сўнгра турли масканларга учирма бўлишган. Очқ юз билан айта оламанки, бу “уя”да олинган сабоқлар бир умрга қалбимизга муҳрланиб қолган. Бу сабоқлар ҳозиргача беморлар билан мулоқотда тилмоч, кези келганда суянч вазифасини ўтамоқда. Эътироф этиш керакки, Дўси аканинг таржимаи ҳоли, шифокорлик фаолияти ўзидек содда ва раvon. Бу соддалик ва раvonлик замирида эса инсонга аталган улкан меҳр бор.

Дўси Саидов 1943 йилда Денов туманининг Холчаён қишлоғида туғилган. 1959 йилда шу ҳудуддаги 6-сонли мактабнинг ўнинчи синфини тамомлаган. Болалиқдан шифокор бўлишни орзулаган Дўси ака 1962 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. Ушбу ўқув даргоҳини 1967 йилда тамомлаган. Шундан сўнг, яъни 1969 йилгача Ҳазорбоғ участка шифохонасида стоматолог вазифасида ишлаган. Ўз билим ва малакасини орттириш мақсадида 1970-1972 йилларда ТошДавМИнинг стоматология жарроҳлиги бўйича клиник ординатурасида таҳсил олган. Шундан сўнг, бир йил мобайнида Тошкентдаги 1-сонли стоматология поликлиникасида жарроҳ-стоматолог вазифасида ишлаган. Натижада бу ерда Дўси ака юз-жағда учрайдиган жароҳатларни, ҳар хил ўсмаларни, юкори лаб, танглайчалардаги (туғма) нуқсонларни жарроҳлик амалиёти билан даволашга киришиб кетган.

Дўси Саидов 1973 йилнинг июнидан эътиборан Денов шаҳар поликлиникасида шифокор-стоматолог бўлиб ишлай бошлаган. Айни пайтда туман марказий касалхонасининг травматология бўлимида юз-жағ касалликлари ва туғма нуқсонларни жарроҳлик усули билан даволашга мўлжалланган 15 ўринли бўлинма ташкил этилган ва Дўси ака унга масъул этиб тайинланган. 1977 йилда туман марказий поликлиникаси қошида махсус стоматологик поликлиниканинг очилиши муносабати билан Дўси ака Саидов бу ҳудудда “стоматология олтин даври”нинг бошланиши асосчиси сифатида эътироф этилган. 1978 йилда бу соҳа учун алоҳида бино ажратилиши аҳолига стоматологик хизмат кўрсатишни янги сифат поғоналарига олиб чиқди. 1980 йилга келиб, аллақачон раҳбарлар назарига тушиб улгурган Дўси Саидов стоматология поликлиникасига бош врач этиб тайинланди. 1982 йилда туман аҳолиси орасидан мурожаат этувчиларнинг тишларини қимматбаҳо металлдан протезлашга Республика микёсидаги тегишли идоралардан руҳсат олинганлиги, поликлиникага зарурий замонавий асбоб-ускуналарнинг келтирилиши ҳам бевосита Дўси Саидов номи билан боғлиқ. Ибратли ишлардан яна бири 1980-1995 йиллар

ичида Денов шахридаги 9 та мактабда, 5 та ишлаб чикариш корхоналари қошида доимий стоматологик хоналар ташкил этилганлигидир. Ҳар бир беморни очик чеҳра, самимий табассум билан қаршилайдиган “Садаф” масъулияти чекланган жамият ходимлари ўз устозлари - бош врач Саидов Дўси Темуровичга хос илиқлик билан “Тишларингиз садафдек ялтираб турсин!”, дейишни хуш кўради. Бу эса стоматолог- шифокорнинг беморга айтадиган энг самимий тилагидир.

## КАСБДАН ОБРЎ ТОПГАН УСТОЗ

Бу инсон тўғрисида илиқ гап айтмоқ учун жимжимадор иборалар, оташин сўзлар излашга ҳожат йўқ. Таърифни келтириш учун эса бир калима оддий, аммо самимий айтилувчи “оддий касбдан обрў топган устоз” деган эътирофнинг ўзи етарли. Чунки сўз юритаётганимиз Холмўмин Нуринов босиб ўтаётган ҳаёт йўлига, бу пайтга қадар қилиб улгурган ишларига назар ташласангиз, айнан шу таъриф жуда тўғри ва холис эканлигига амин бўласиз. Зеро, унинг ҳаёт йўли юқорида айтиб ўтганимиздек, оддийгина. Мана, ўзингиз танишиб кўринг:

Холмўмин Нуринов 1954 йилда Денов туманидаги Холчаён кишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, 1971 йилда Республика тиббиёт билим юртининг тиш тайёрлаш техникаси бўлимига ўқишга кириб, уни 1973 йилда тугатган. Шундан буён бир соҳада самарали фаолият юритиб келаяпти. Дарвоқе, Холмўмин Нуринов меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Денов туманидаги марказий шифохонада оддий тиш техниги сифатида бошлади. 1983-1993 йиллар давомида Денов шаҳар стоматология поликлиникасида (“Садаф” МЧЖ) киммабаҳо металлдан тиш тайёрлаш техниги сифатида фаолият олиб борди. 1993-1995 йилларда Денов туман стоматология поликлиникасида тиш техниги вазифасида ишлади. 1995 – 1996 йилларда Қизирик туманида тиш тайёрлаш техниги бўлди. Айнан мана шу қисқа муддат давомида у ўз соҳасининг энг малакали намоёндаси эканлигини намоён этди. Чўлқуварлар шижоати билан чўл бағрида обод масканга айланган Қизирик тумани аҳли моҳир тиш устасини ўзлари учун тезда кашф этди. Чунки бу туманда тиббиётнинг айнан шу соҳаси малакали мутахассисга муҳтожлик сезаётганди. Қисқа фурсатларда Холмўмин Нуринов кўплаб инсонларга “тиши бутунлик” бахтини ҳада эта олди. Шу боис уни қизирикликлар ҳали-ҳамон яхши сифатлар билан эслаб юришади. Ўз касбининг моҳир устаси сифатида кадрлашади.

1996 йилда яна кадрдон Деновга қайтган Холмўмин Нуринов то 2006 йилгача Денов шахридаги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятида тиш техниги сифатида самарали фаолият олиб борди. Инсонга инъом этилган неъматлардан бир умр тўла баҳраманд бўлиш имконини берувчи тишларни тайёрлаб, ўрнатиб эл дуосини олиб юрган тажрибали тиш тайёрлаш

техниги 2006 йилда ҳурмату эҳтиром билан нафақага узатилди. Шундай бўлса-да, у ҳали – ҳамон ёшларга мураббийлик қилиб, қимматли маслаҳатларини аямай яшамокда. Бугунги кунда ҳам унинг маслаҳатларидан, ўғитларидан баҳраманд бўлиш истагида келаётган шогирдлар, ёрдам сўраб мурожаат қилаётган фуқаролар қадами унинг хонадони остонасидан узилган эмас. Оддий касбни эъзозлагани боис ўзи ҳам эъзоз топган оддий инсон бахтининг барқарорлиги боиси ҳам аслида шу. Холмўмин Нуринов нафақат кўплаб шогирдлар тайёрлади, балки ўз фарзандларини ҳам шу касбга садокатли қилиб тарбиялади. Одамлар корига ярашга, саломатлик йўлида фидокорлик ва ҳолислик билан хизмат қилишга ўргатди. Ота изидан борган ўғли Абдусаттор Шерободдаги тиббиёт коллежининг ортопед-стоматолог бўлимида таҳсил олди. Қизи Бибисора эса Денов тиббиёт коллежида ҳамширалик соҳаси бўйича ўқиди.

Донолар айтганидек, касбнинг яхши-ёмони ёки катта-кичиги йўқ. Қалбда иштиёқ бўлса ҳар қандай касб соҳиби ўз бахтини топади. Холмўмин Нуриновнинг ибратли ишлари ва ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади...

## **ИБРАТНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ**

Ушбу хикоямиз қаҳрамони Шароф Хуррамов Шўрчи туманидаги “Ола темир” кишлоғидаги зиёли оилада 1962 йилда таваллуд топган. Аниқроғи, у – шифокор фарзанди. Болалик ва ўсмирлик йиллари барча тенгдошлари қатори ўтган. Тумандаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабида таълим олган. Сўнгра, яъни 1981-1983 йилларда йигитлик бурчини ўташ мақсадида ҳарбий хизматда бўлган. Хизматни эса нақ Узок Шарқда, яъни Владивостокда ўтаган. Оила муҳити сабабми ёки ота касбига ихлоси баландлигиданми, у ҳали мактаб ўқувчиси бўлган кезлардаёқ шифокор бўлишни орзулаган. Аммо орзунинг ушалишига киришишига шошилмаган. Ҳарбий хизматни тугатиб ҳаётда чиникиб, яхши ва ёмоннинг, эзгулик ҳамда саховатнинг нелигини яхши англай бошлагандан сўнггина кўнгилдаги мақсади сари илк қадамларини ташлаган. Унинг фикрича, шифокорлик ўта жиддий, шарафли ва айни пайтда нозик касб. Инсонни англамай, ҳаётни тўғри тушунмай, етарлича билим ва илмга эга бўлмай туриб, бу соҳада фаолият юритиш мумкин эмас. Чунки шифокор бу ёруғ оламдаги энг муқаддас нарса – инсон умри ва соғлиги йўлида фидойиларча хизмат қилишга тайёр туриши керак.

Ўзини ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёрлагач Шароф Хуррамов биратўла олий ўқув юртига киришга шошилмади. Дастлаб, ҳужжатларини ТошДавМИнинг тайёрлов курсига топширди. Кўнгилдаги режага кўра, айнан ана шу тайёрлов курслари уни шифокорлик касбига яқинлаштириши, бу соҳага оид тушунчаларини кенгайтириш вазифасини ўтовчи босқич бўлиши керак эди. Бу ниятини ҳам амалга оширгач, у 1985



Йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Олий маълумотли шифокорлар тайёрлайдиган ушбу институтни эса 1990 йилда муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг яна бир йил интерна муддатини ҳам ўтади. 1991 йилга келиб, тўла ҳуқуқли шифокор сифатида Қизирик туманидаги стоматология поликлиникасида врач стоматолог- ортопед сифатида фаолият бошлади. Бир сўз билан айтганда, у шифокор бўлиш учун 1983 йилдан то 1991 йилга қадар тайёргарлик кўрди. Бошқача қилиб айтганда шу йиллар орасида тайёрланди, ўқиди, тажриба орттирди, соҳани чин ихлос билан ўрганди. Хуллас, ёш шифокор ўн йил давомида яъни 1991 йилдан то 2001 йилга қадар чўлқуварлар обод этган маскан - Қизирикда шифокорлик қилди.

Бугунги кунга келиб тажрибали ва юксак малакали шифокор сифатида мутахассислар ва эл томонидан эътироф этилган Хуррамов Шароф Рашидович 2001 йилда хусусий секторга ўтиб “Садаф” МЧЖда хусусий тиш даволаш бўлимини очди. У бошқараётган бўлимда тиш саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи барча турдаги замонавий асбоб-ускуналар, тиббий жихозлар мавжуд. Беморларга қулайликлар яратилганлигидан, бу ерда малакали ҳамшира, фаррошнинг борлиги мурожаат этаётган фуқароларга ҳар жихатдан манзур бўлаётир. Чунки шифокор ширинсўз, малакали, жой тоза-озода.

Шароф Хуррамов нафақат иқтидорли шифокор, балки намунали оила бошлиғи ҳам саналади. Унинг оиласида ўсаётган тўрт нафар фарзанднинг ҳар бири зиёлилар оиласига мос тарбия кўришмоқда. Ўғли Феруз қишлоқ хўжалиги коллежини битирган. Қолган уч нафар фарзанди эса ота касбини улуглашга, муносиб давом эттиришга аҳд қилишган. Ўғли Ғулумбек ҳозир САМПИ қошида ташкил этилган академик лицейда таҳсил олмоқда. Ҳали мактабга катнаётган Жасур ва Бобурлар ҳам ота касбини танлашган, келажакда шифокор бўлишмоқчи.

Бир пайтлар Шароф Хуррамовнинг ўзи ҳам отасига ҳавас қилиб, шифокор бўлишга аҳд қилганди. Бугун у шу мақсадига эришди. Эришдигина эмас, шу соҳада обрў – эътибор қозонди. Оиласида ўсаётган фарзандлар ҳам худди унинг ўзи каби шифокор бўлишни ҳозирданок орзулаб юришибди. Энг муҳими, улар оталари каби шифокорлик касбини тезлик билан эгалламоқчи эмас. Узок тайёргарликлар, ўқиб-ўрганишлардан сўнггина шифокор бўлишга интилишмаяпти. Мактаб ёшиданок ўзларини шу соҳада ишлашга руҳан тайёрлашмаяпти. Бу ҳам Шароф Хуррамовнинг шифокорлик касбига нечоғлик жиддий назар билан қарашидан, бу касбни муқаддас билишидан дарак берувчи улуг ибрат намунасидир. Шароф Хуррамовни шифокор сифатида ҳурмат қилишга ундовчи мезондир.

## БАХТИ ТҶҲИС ИНСОН

Тиш тайёрлаш техниги касбини бир умр улуғлаб келаётганлар сафида камтарин инсон Иброҳим Норбоев ҳам бор. У 1966 йилда Деновда, аниқроғи хозирда Олтинсой тумани худудига кирувчи кишлоқда оддий ишчи оиласида туғилди. Шу ердаги 45-сонли (собик 66-) мактабда ўқиди. 1984 йилда Тошкентдаги Республика тиббий электро-техника билим юртига ўқишга кирди. Ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлайдиган ушбу ўқув юртининг тиш тайёрлаш бўлимида таҳсил олиб, уни 1986 йилда тугатди. Йигитликнинг энг навқирон даврида, яъни 1986-1988 йилларда ҳарбий хизматда бўлди. Ҳар бир соғлом ва баркамол йигитга насиб этадиган ҳарбий хизматни эса Чеченистонда ўтади. Шундан сўнг, яъни 1988 йилнинг июнидан эътиборан “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда тиш тайёрлаш техниги сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

Иброҳим Норбоев хозирга қадар ҳам шу жамоада сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Орадан ўтган йиллар давомида у нафақат танлаган касби сирларини мукамал ўргана борди, балки билимини орттиришга ҳам ҳаракат қилди. 1989 - 1992 йиллар давомида бу касбда энг нозик ва ўта масъулиятли саналадиган кимматбаҳо металлдан тиш тайёрлаш техниги сифатида самарали фаолият юритди. 1998 йилда пойтахт Тошкентда бўлиб, металлочерамика усулида тиш тайёрлаш сирларини ўрганиб қайтди. Билим ва малакасини, маҳоратини янада орттириш мақсадида ўз устида кунт ишлаб келаётган Иброҳим Норбоев ўтган 2012 йилда яна Тошкентда, малака ошириш курсларида ўқиб қайтди.

1990 йили оила қурган Иброҳим Норбоевнинг хонадонида бугунги кунда беш нафар фарзанд вояга етмоқда. Турмуш ўртоғи Дилоромхон уй бекаси. Рўзғор юритиш ва болалар тарбияси билан банд. Тўнғич қизи Саломат Норбоева пойтахтдаги Низомий номли педагогика университетининг кимё факультетида таҳсил олмоқда. Ҳозир олтинчи синфда ўқиётган ўғли Дўстмуҳаммад келажакда шифокор бўлишга хозирданок аҳд қилиб қўйган.

Иброҳим Норбоев ҳақли равишда ўзини бахтли инсонлардан санайди. Чунки рўзғори бут, фарзандлар камол топмоқда. Кенггина томорқаси унинг меҳнатлари туфайли яшнаб турибди. Энг муҳими эса етмиш уч ёшли отаси Рўзи бобо билан волидаи муҳтарамаси Беккам момо ундан рози бўлиб, дуои жонини қилиб ёнида яшайпти. Ҳар кун эрталаб Иброҳим Норбоев ишга отланар экан, ана шу бахтидан мамнун бўлиб йўлга чиқади...

## БАХТ МАНЗИЛИДА КЕЧАЁТГАН УМР

Атрофи пурвикор тоғлар билан ўралган, мусаффо ҳаволи Бойсуннинг ўша, “Алпомиш” дostonида теп-текислик дея таърифланган гўша, эндиликда Кофрун дея аталувчи кишлоғида таваллуд топган бу инсоннинг авлодлари аслида оддий меҳнаткаш бўлишган. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак меҳнатсеварлик, ҳар бир ишга тadbиркорлик билан ёндошиш, оғир ва сермашаққат ишлардан чўчимаслик, айниқса ўзгаларга меҳр улашишга интилиш унинг қонида бор. Шу боис бўлса керак, Эшқул Маматмўминов олий маълумот олиш, яхши мутахассис бўлишни ният қилди. Ният ҳолис, орзулар самимий, мақсад аниқ бўлса, инсон боласи албатта қўзлаган манзилига етар экан.

Бу йил таваллудининг олтмишинчи баҳорини қаршилаган хикоямиз қаҳрамони Эшқул Маматмўминов ҳам ҳолис ният билан орзуни рўёбга айлантиришга интилди. У 1971 йилда Кофрун кишлоғидаги ўрта мактабни аъло баҳоларга битирди. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳеч бир иккиланишсиз Тошкентдаги тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширди. Чунки кўнгили тубидаги орзуга кўра, шифокор бўлмоқчи эди. Ҳар жиҳатдан тиришқок, билимга чанқок бу йигит мактабда барча фанларни пухта ўзлаштира борганди. Аълога ўқиганлиги боис биринчи уринишдаёқ талабалик бахтига муяссар бўлди. Вақт йилдирим мисол тез ўтади, деганлари рост экан. Талабалик йиллари тезкор ўтиб кетди. Ёш шифокор 1976-77 йилларда вилоятимиз маркази Термиз шаҳридаги шифохонада бир йиллик амалиётни аъло даражада ўтади. Сўнгра ҳақиқий шифокор сифатида беморларни даволашга киришиб кетди.

Шундан буён у одамлар орасида. Дардларга малҳам излаб, кишилар саломатлигини муҳофаза этишда, соғлигини тиклашда жонбозлик килиб, юрибди. Дарвоқе, турмуш ўртоғи Хосиятхон ҳам тиббиёт ходими. Қишлоқдаги Кофрун кишлоқ врачлик пунктида бош хамшира бўлиб ишлайди. Гиппократ қасамига содиқ бу шифокор тиббиёт соҳасини танлаб тўғри қилганлигини доимо қалбан ҳис этиб юради. Меҳнат фаолияти давомида олинган кўплаб раҳматномалар, Фахрий ёрликлар, ҳали собиқ иттифок давридаёқ “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирланганлиги у ўз хизмат вазифасини фидойилик билан сидқидилдан адо этаётганлигининг исботи. Турли йилларда республика ва вилоят микёсидаги нашрларда у ҳақда берилган ўнлаб ижобий мақолалар эса эл-юртнинг шифокорга ҳурмати рамзидир. Бундай фидойи инсонлар тўғрисида сўз кетганда, кўпчилик ҳолларда изланувчан, интилувчан иборасини ишлатишади. Бу бежиз эмас, албатта. Бундай эътирофга сазовор бўлмоқ учун чиндан ҳам мунтазам равишда илм ва билим доирасини кенгайтиришга эътибор қаратмоқ керак. Эшқул Маматмўминов иш

**фиолияти давомида саккиз маротаба мамлакатимиздаги энг нуфузли шифо мисканларида малака ошириб кайтишга улгурди.**

Юкорида Эшкул Маматмўминов асл ишбилармон ва тадбиркор, ташкилотчи ўтган улуғ инсонлар авлодига мансуб, дея таърифлаган эдик. **Ота-боболардан ўтган бу фазилат йиллар оша унинг фаолиятида бўй кўрсатиб келмоқда.** Шу ўринда мана бу оддий мисолни келтириб ўтмоқ ўринли бўлар. 1982 йилларда Кофрун кишлоқ врачлик амбулаторияси икки хонали эски бинода фаолият олиб борар эди. Аҳоли сони ортган сайин бу бинода касалларни қабул қилиш, муолажа ўтказиш қатор кийинчиликларни келтириб чиқара бошлади. Э. Маматмўминов бу ҳақда, **яъни амбулатория биносини кенгайтиришда кўмак сўраб аввал кишлоқ кенгаши раисига, сўнг бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарларига бир неча бор мурожаат этди.** Аммо сезиларли натижа бўлмади. Шундан сўнг амбулатория янги биносини ўз ҳисобидан қуришга аҳд қилди. Кеча-қундуз демай лой оралаб ишлаб юрди. Қаровсиз қолган эски биноларни бузиб гиштини, яроқли хари-чўпини йиғиб келди. Кези келганда кишлоқдошлардан ёрдам сўради. Излаган имкон топар деганларидай, тез орада шинамгина тўрт хона ва битта кенг-мўл зал қулфи-қалит қилинган ҳолда тайёр бўлди. Ажабки, унинг очилиши маросимида ўша йиллари вилоят соғлиқни саклаш бошқармасини бошқарган М. А. Холматов ҳам иштирок этди. Ушбу бино то 2004 йилга қадар амбулатория сифатида Кофрунликларга беминнат хизмат қилди. Шу йилнинг 17 декабридан эътиборан эса кишлоқ врачлик пунктига айлантирилган.

Ҳа, табиатан тиниб-тинчимас бу шифокор бутун умри давомида кишлоқ аҳолиси ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, кишлоқларда соғлиқни саклаш тузилмаларини ташкил этиш ва бошқариш, кишлоқ шароитларида истиқомат қилаётганлар саломатлигини назорат қилиб боришдек саховатли ишларни қилиб келмоқда. Эл дуосини олган одам асло кам бўлмайди. Бахти баркамоллик унга бўлади. Буни ҳикоямиз қахрамони Эшкул Маматмўминов мисолида яққол кўриш мумкин. Унинг оиласида ўсган ва вояга етган ҳар бир фарзанд болалигиданоқ бирор касбни танлаб, аввалдан тайёрланиб боради. Натижада бу оила фарзандлари орасида турли касб соҳиблари бор. Эшкул аканинг кизи Нигорахон Маматмўминова педагог-шоира. Турмуш ўртоғи Фахриддин билан икки нафар фарзандни ок ювиб, ок тараб вояга етказишмоқда. Нигорахоннинг дилбар шеърлари “Бойсун баёзи” ҳамда Мустақилигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Аёллар гулдастаси” тўпламларидан жой олган. Яна бир кизи Дилоромхон ҳамшира, Дилнозахон эса тикувчи. Тўнғич ўғли Ҳожиакбар олий маълумотли шифокор. Яна бир ўғли – Алишер эса Тошкент кимё-технология институтида таҳсил олган. **Бойсундаги агросаноат коллежида хизмат қилмоқда.** Нодирбек ўғли **ҳарбий хизмат имтиёзи билан Тошкент ахборот технологиялари**

университетида ўқимокда Эшқул Маматмўминов суйикли рафикаси-Кофрун кишлоқ врачлик пунктининг олий тоифали ҳамшираси бўлмиш Хосиятхон билан саккиз нафар неваранинг бобо-момоси сифатида ҳам ўзларини гоят бахтли санашади. Бу оилада қатор тўйлар ўтди. Икки ўғил уйлантириб, икки кизини турмушга узатишди. Ҳали бу бахтли хонадонда яна овозаси тоғлар қадар ўрловчи тўйлар бўлажак. Чунки Эшқул Маматмўминов оддийгина тоғ қишлоғида одамларнинг чин меҳрибон доктори бўлиб яшаб кишлоқ аҳлига хизмат қилмоқда. У билган ва танлаган бахт манзили эса ўша ўзингиз билган – Кофрун кишлоғи...

## ҲАМ ШИФОКОР, ҲАМ ТАДҚИҚОТЧИ

Одатда инсон танлаган касбига эришса, ўзини бахтли санайди. Қўнғилдаги орзулар ушалди дея, қувонади. Севимли касбида бир умр ишлаб, инсонларга хизмат қилади. Аммо яна бир тоифа одамлар борки, улар учун орзунинг ушалиши, севимли касбга эришиш ҳали тўқис бахт саналмайди. Балки чинакам бахт ва бахтиёрлик йўлида ташланган дадил қадам сифатида эътироф этилади. Бундай инсонлар ҳаётдаги илк қадамларини қатъият билан ташлагандан сўнг, ўша қатъият ва саботни изчиллик билан давом эттириш пайида бўлади. Ҳикоямиз қахрамони таникли шифокор Карим Ханнаров ана шундай инсонлар тоифасидан. Мен бу инсонни кўп йиллардан буён яқиндан танийман. Чунки бир пайтлар иккаламиз Тошкентда – клиник ординатурада бир вақтда ўқиганмиз. Шу боис бу инсон билан турли тadbирларда, қутубхоналарда тез-тез учрашиб турганимиз учун ҳам яқиндан танишман. Фаолияти давомида даволаш ишлари билан бирга тadbиротчи сифатида ҳам самарали ишлар қилаётган бу инсоннинг таржимаи холи оддийгина. Тенгдошлари ва сафдошлариникидан кўпам фарқланмайди.

У 1952 йилда Шўрчи туманидаги “Ижтимоият” жамоа хўжалиги худудида таваллуд топган. Аввал Шўрчи туманидаги 15-сонли мактабда, сўнг Деновдаги 24-сонли мактабда ўқиган. Шундан сўнг Термиз тиббиёт билим юртининг фельдшерлик бўлимини имтиёзли диплом билан тугатган. Ўрта бўғинга мансуб ёш мутахассис сифатида Шўрчидаги силга қарши диспансерда фельдшер бўлиб ишлай бошлаган. 1971 йилнинг май ойида ҳарбийга қакирилган. Омади чоғиб хизматни ҳарбий госпиталда, тиббиёт ходими сифатида ўтаган. Аъло даражадаги хизматлари учун катга сержант ҳарбий унвони соҳиби бўлган.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, Карим Ханнаров 1973 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига хужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафига қабул қилинди. 1978 йилда ўқишни тамомлагач, Денов туман стоматология поликлиникасида интерна врач бўлиб ишлади. Шундан сўнг шу ерда

врач-ординатор сифатида фаолиятини давом эттирди. Кўнгилдаги орзунинг ушалишини бахтга элтувчи йўлнинг бошланиши деб билган Карим Ханнаров ишлаш баробарида ўқиб-ўрганишни қанда қилмади. 1979 йилда Душанбе шаҳрида жағ ва кийшиқ тишларни тўғирлаш соҳаси бўйича малака ошириб қайтди. 1982 йилда эса Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ортодонтия бўйича ўқиб, малака оширди. 1985 йилда эълон қилинган танловда фаол иштирок этди ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг болалар стоматологияси кафедрасига икки йиллик клиник ординатурага ўқишга қабул қилинди. 1987 йилда бу ўқишни тугатгач, шу институт қошидаги аспирантурага сиртдан қабул қилинди. Айни пайтда Денов шаҳрида ўз шифокорлик фаолиятини давом эттирди. Изланувчан шифокор 1989 йилда стоматология поликлиникасининг болалар бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Амалий иш билан аспирантура ўқишини баравар олиб бораётган Карим Ханнаров ўша йиллари Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасида стоматологик касалликларнинг тарқалиши мавзусини бир неча туманлар мисолида атрофлича ўрганди. Стоматологик касалликларнинг вилоятимиз аҳолиси, айниқса болалар ўртасида кенг тарқалганлигига сабаб қўшни Тожикистон алюмин заводидан таралаётган оғу туфайли рўй бераётган экологик муҳит бузилиши оқибати эканлигини ўз изланишларида исботлаб борди. Кузатишлари натижаларини, хулоса ва таҳлилларини эса мунтазам равишда республика ва вилоятдаги нуфузли газета-журналларда эълон қилиб борди. Унинг мақолалари ёш олимларнинг маърузалари тезислари жамланган китоб ва тўпламлардан муносиб ўрин олди. Шунингдек, шифокор-тадқиқотчи сифатида К. Ханнаров 1987 йилда Тошкентдаги “Ўқитувчи” нашриётида “Тишингизни асранг” китобини чоп эттирди. Шу йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Стоматологик рентген плёнкаларини ушлаб турувчи аппарат”ни яратиб, ихтирочи сифатида муаллифлик гувоҳномаси олди. К. Ханнаров олиб борган тадқиқотлари, кузатишлари ва таҳлиллари натижасида “Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари”, Москвадаги стоматология институтида ортодонтия бўйича, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака ошириш натижаларига асосланган “Мактаб ўқувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларида стоматология хизматини ташкиллаштириш”, “Стоматологик хизматни оптимизациялаш”, оғиз бўшлиғи гигиенасига бағишланган ва болалар ҳамда ота-оналарга, ўқитувчи-тарбиячиларга мўлжалланган “Тишингизни асранг”, “Сурхондарё вилоятида ортодонтия хизматини йўлга қўйиш” каби рисола ҳамда қўлланмалар яратиб, қўп сонли нусхаларда чоп эттирди. Дарвоқе, хали ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Деновда ортодонтия хизмати йўқ эди. К. Ханнаров илк бор ана шу соҳага асос солди. Шу боис 1979 йилда К. Ханнаров тиш техниги Собир Тўйчиев ҳамроҳлигида (чунки бу пайтда ортодонт техниги ҳам йўқ эди) Душанбе шаҳридаги 1-сонли

болалар стоматология поликлиниасида малака ошириб қайтди. Ана шундан сўнг 100 чақиримлик масофани камраб олган ҳудудда унинг бир ўзи ортодонт сифатида фаолият олиб борди.

Тиниб-тинчимас шифокор 1990 йилга келиб кўнгилдаги яна бир орзусининг ижобат бўлишига эришди. Яъни, кўп йиллик елиб-югуришлардан сўнг унинг ташаббуси ва саъй - ҳаракатлари туфайли Деновда махсус болалар стоматологик поликлиникаси очилди ва К. Ханнаров унга бош ҳақим этиб тайинланди. Ўрни келганда эслатиб ўтмоқ лозимки, поликлиника учун тўкилай деб турган эски бино ажратилган эди. Карим Ханнаров бор имкониятларини ишга солиб бу бинони қайта таъмирдан чикарди. Замоनावий хориж асбоб-ускуналари билан таъминлади. Маблағ етишмай, таъмирлаш ишлари тўхтаб қолган кезларда ўз хисобидан ишни давом эттирди. Ана шундай елиб - югургилар натижасида қад ростлаган поликлиника биноси бугунги кунда нафақат деновлик болаларга, балки кўшни туманлар аҳолисига ҳам малакали хизмат кўрсатмоқда. К. Ханнаров етук шифокор бўлиш билан бирга ажойиб ташкилотчи ва жамоатчи эканлигини ҳам йиллар оша бот-бот исботлаб келаяпти. У ўз вақтида Денов шаҳар Кенгаши депутати бўлди. Аввал Денов шаҳар, сўнгра туман бўйича “Адолат” социал-демократик партиясининг биринчи котиби сифатида ҳам кенг камровли фаолият олиб борди. Айни кунларда Деновдаги “Биодент Парвина” хусусий корхонасини бошқараётган тиббиёт фахрийси Карим Ханнаров ҳамон ёшларнинг яқин маслаҳатчиси ва устози сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

## КЎКСИНИ ОРДЕН БЕЗАБ ТУРИБДИ

Шерободликлар бу кўли енгил шифокорни яхши билишади. Чунки умрида бир бора бўлсин унга иши тушмаган, муолажасидан баҳраманд бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. Бундай деяётганимизнинг сабаби бор, албатта. Сўз юритаётганимиз Суюн Соатмуродов 1982 йилдан буён стоматолог - шифокор сифатида кенг камровли фаолият юритиб келаяпти. Қолаверса, у фақат бир жойда ишлагани йўқ. Яхши мутахассис сифатида бир пайтнинг ўзида туман марказий шифохонасининг стоматология поликлиникасида, шифохона умумий жарроҳлик ва болалар бўлимларида, йирингли жарроҳлик ҳамда Шошилинч тиббий ёрдам бўлимида навбатчи врач-сифатида фаолият юритишга улгурган шифокор саналади. Шу боис ҳам юқорида унга муурожаат этмаган одамнинг ўзи йўқ дея, эътироф этгандик.

Суюн Соатмуродов 1955 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. Олий маълумотли стоматолог - шифокор. Чунки у 1982 йилда Тошкент тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. 1983 йилда Сурхондарё вилоят стоматология поликлиникасида

**интерна** муддатини ўтаган. Шундан сўнг туғилган гўшаси Шерободга қайтиб, шу ердаги марказий шифохона қошидаги стоматология поликлиникасида врач-стоматолог сифатида фаолият бошлаган. 1986 йилдан то 1993 йилга қадар стоматология поликлиникасида бош врач лавозимида ишлаган. Тўрт йил давомида, яъни 1993 йилдан 1997 йилга қадар эса марказий шифохона бош врачининг пуллик хизмат бўйича муовини вазифасида ишлаган. Собиқ иттифокнинг қатор Фахрий Ёрликларига, “Соғлиқни сақлаш аълочиси” унвонига сазовор бўлган.

Суюн Соатмуродовнинг кейинги етти йиллик фаолияти туман марказий шифохонаси бош врачининг ташкилий - методик ишлар бўйича муовини сифатида самарали ўтган. Умуман олганда эса, бу шифокор раҳбарлик вазифаларида ишлаш билан бирга амалий фаолиятни ҳам давом эттириб, шифокор сифатида юзлаб кишилар дардига дармон бўлишга улгурган. Ана шундай фидокорона хизматлари учун 2003 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган. Айни кунларда Шеробод туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлимида навбатчи врач-жаррох сифатида фаолият олиб бормоқда.

Замон билан барабар қадам ташлаётган Суюн Соатмуродов хамиша янгиликка интилиб яшайди. Ўз соҳасида кечаётган ислохотлар моҳиятини чуқур англайди. Тиш касалликларини илғор усулларда, тез ва оғриқсиз даволаш борасида кейинги йилларда қўлланилаётган усуллардан кенгрок фойдаланишга интилади. Шу боис ҳам у 2007 йилга келиб, хусусий сектор орқали беморларга тиббий хизмат кўрсатишга бел боғлади. Шу мақсадда “Соатмурод-Роҳат-Файз” деб номланган хусусий қорхона очди. Бу ерда унинг фарзандлари ҳам фаолият юритмоқда. Шеробод тиббиёт коллежи битирувчиси бўлмиш кизи Соҳиба шу қорхонада ҳамширалик қилмоқда. Ўғли Носирбек эса аллақачон малакали тиш тайёрлаш техниги сифатида миқозлар эътиборига тушган. Ушбу қорхона 2007 йилдаёқ тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар билан таъминланган эди. Бу ерга мурожаат этувчи ҳар бир бемор ёки миқоз хамиша мамнун бўлиб қайтади. Чунки бу хайрли ишлар бошида орденли шифокор Суюн Соатмуродов турибди. Дарвоқе, туманда ўз касбий маҳорати билан эл эътирофига тушган стоматолог шифокорлардан Ражаб Жўраев, Ибодулла Жовлиевлар Суюн акани устоз дея, даврасининг тўрига ўтказиб қўяётганлиги ҳам унга устоз шифокор сифатида кўрсатилаётган эътиромларнинг яна бир нишонаси бўлмоқда. Суюн ака нафақат вилоятда кўзга кўринган стоматолог-шифокор, балки шу соҳа вакиллари орасида ўз сўзи ва обрўсига эга ҳамкасблардан бири саналади. Шу боис ҳам у хамиша воҳада фаолият юритаётган курсдошлар орасида ҳам, бошқа вилоятлардаги ҳамкасб курсдошлар даврасида ҳам бирдек иззат – иқромга лойиқ қўрилади.



## ҚАЛБДА МЕХР БЎЛСА...

Тожихол Остонакулова олий маълумотли врач-стоматолог. У 1944 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида, хизматчи оиласида туғилган. Шаҳардаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабини тугатган. Шундан сўнг, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. Бу олийгоҳни 1968 йилда аъло баҳоларга битирган. Шифокор-стоматолог сифатидаги илк меҳнат фаолиятини ўша йилларда Улянов номи билан аталувчи қишлоқ участка касалхонасида бошлаган. Сўнгра Денов шаҳар болалар поликлиникасида ишлай бошлаган.

Кейинроқ, яъни 1977 йилда мустақил стоматология поликлиникаси ташкил этилгач, бу масканга болалар бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилган. Шу тариқа болалар тишини даволаш борасида йилдан-йилга тажриба тўплаб, малака орттира борган. Қалбда инсонларга нисбатан меҳр кучли бўлса, у албатта меҳнат фаолияти ва ўзаро муносабатларда ўз аксини топади. Тожихол Остонакулова шифокорлик фаолияти давомида ўзини меҳнатсевар, беморларга нисбатан ўта меҳрибон, айниқса болалар билан ишлашда укувли шифокор сифатида намоён этиб келди-ки, бу унинг қалбида меҳр лиммо-лим эканлигидан нишона. Шу маънода Тожихол опа амалга оширган мана бу ибратли ишлар эътиборга молик. Хусусан, мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасаларига катновчиларни соғломлаштиришга қўшган ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди. Шаҳардаги 9 та ўрта умумтаълим мактаблари қошида доимий ишловчи стоматологик хоналар ташкил этилганда, болалар орасида тиш касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кенг миқёсда тушунтириш олиб борган ҳам шу – Тожихол опа бўлади.

Тожихол Остонакулова иш фаолияти давомида мунтазам равишда билим ва малакасини ошириб боришга интиланган шифокорлардан бири. Чунки у вақти-вақти билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган курсларда ўқиди. Тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлиб, даволашдаги янги усулларини ўзлаштириб қайтди. Ҳамиша изланишда бўлган бу шифокор 1983 йилда стоматология поликлиникасининг даволаш бўлими бошлиғи вазифасига ўтказилди. Шу билан бирга, у шифокор-интерналарга даволаш ихтисослиги бўйича раҳбар этиб тайинланди. Шу йилдан эътиборан унга биринчи тоифали терапевт-стоматолог малака тоифаси берилганлиги эса изланишлари ва хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди.

**Тажрибали шифокор-стоматолог сифатида** Тожихол Остонакулова туман тиббиёти тарихида қолдираётган ёрқин излардан бири, бу – у бўлим бошлиғи этиб тайинлангач, тишларни даволаш сифати янада юқори поғонага кўтарилганлигидадир. Энг муҳими эса, карлес ва унинг

асоратларини даволаш муддати қисқартирилди. Самарали офриксизлантирувчи дори-дармонлар воситасида кариеснинг асоратларини бир катновда даволаш йўлга қўйилди. Жамоат ишларида ҳам фаол бўлган Т. Остонакулова ўн йил мобайнида шаҳар касалхонаси касаба уюшмасининг раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритди. 2003 йилдан эътиборан эса Денов тумани “Саломатлик маркази”да услубчи вазифасида ишлади. 2004 йилда нафақага чиққан Тожиҳол опа эл-юрт саломатлигини муҳофаза этишдаги хизматлари учун катор Фахрий ёрликлар, Ташаккурномалар билан тақдирланди. Эътиборлиси шундаки, фарзандларининг икки нафари унинг касбини таялаб, оналари каби самимият билан эл хизматида бўлмоқда.

## ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИШ – ЭНГ ЯХШИ ДАВО

Муҳаммадиев Рўзи Менглимуродович 1962 йилда Денов туманидаги Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида оддий дехқон оиласида таваллуд топди. Тумандаги 33-сонли мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Кўнгилдаги орзу сабаб, Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. 1985 йилда ушбу олийгоҳни битириб, шифокор-стоматолог мутахассислигига эга бўлди. Интерна муддатини эса 1985-86 йилларда Денов шаҳар стоматология поликлиникасида ўтади. Шундан сўнг икки йил давомида Кумкўрғон туманидаги Ғ. Ғулом номи кишлок врачлик амбулаториясида шифокор-стоматолог сифатида ишлади.

Ҳар жихатдан ҳаракатчан ва изланувчан ёш шифокор 1988 йилда Денов шаҳар касалхонаси қошидаги стоматология поликлиникасига терапевт-стоматолог вазифасига ўтказилди. Кейинчалик ўн йил давомида, яъни 1995-2005 йилларда Деновдаги “Сурхонозиқовкат саноати” корхонасининг тиббий соғломлаштириш пунктида шифокор-стоматолог вазифасида самарали фаолият юритди.

Рўзи Муҳаммадиев каерда ишласин, энг аввало, одамлар қалбига йўл топишга интилди. Аввало бемор кўнглига йўл топиб, ишончига эришилсагина даволаш энгил кечишини амалда яна бир бор исботлади. Р. Муҳаммадиев 2005 йилда “Садаф” масъулияти чекланган жамиятга терапевт-стоматолог вазифасига ишга қабул қилинди. Бу ерда ҳам ўз иш тамойилларига содик ҳолда фаолият олиб борди. Унинг шифокор сифатидаги тамойиллари эса беморларга, ҳамкасбларга меҳрибон бўлмоқдан, касбга садоқат билан ёндошишдан иборат бўлди. Натижада одамлар уни ҳурматлайдиган, муолажаларига эса чин дилдан ишонадиган бўлишди. Чунки у йиллар оша бир соҳада ишлаб, стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олишнинг барча усулларини пухта ўзлаштириб олган. Йиллар оша тўпланган тажриба ҳамда малакаларини

сахийлик билан шогирдларига улашаётган Рўзи Муҳаммадиев айниқса Азамат Жураевдан миннатдор. Чунки эндигина йигирма етти ёшни коралаган бу йигит устози ўғитларига амал қилиб, кам бўлгани йўқ. Тиш касалликларини даволашнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган бу йигит аллақачон устози каби эл-юрт хурматиغا сазовор бўлганлардан бири ҳисобланади.

Шифокорлик касбини ардоқлаб келаётган Рўзи Муҳаммадиев оиласида бугунги кунда олти нафар фарзанд вояга етмоқда. Энг қувонарлиси, уларнинг аксарияти ота касбини танлаб тиббиёт ходими бўлишган. Шеробод ва Деновдаги тиббиёт коллежларида ўқиб, айти пайтда турли тиббий муассасаларда ишлашмоқда...

## МУНОСИБ УСТОЗЛАРДАН БИРИ

Севара Окбўтаева 1946 йилда Термиз туманидаги Намуна жамоа хўжалиги худудида туғилган. Шу ердаги 2-сонли мактабда ўқиган. 1967 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини битирган. 1967-68 йилларда Термиз шаҳар стоматология поликлиникасида шифокор-стоматолог вазифасида ишлаган. Сўнгра Денов туманидаги Ҳазорбоғ участка поликлиникасида шифокор-стоматолог сифатида фаолият юритган. 1970-72 йиллар мобайнида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ортопедик стоматология кафедрасида профессор С.А. Зуфаров раҳбарлигида ортопед-стоматолог ихтисослиги бўйича икки йиллик клиник ординатурада ўқиган.

Шундан сўнг, 1973 йилдан эътиборан Денов шаҳар поликлиникасида ортопед-стоматолог вазифасида ишлай бошлаган. 1977 йилда шаҳарда ихтисослашган стоматология поликлиникаси ташкил этилгач, Севара Окбўтаева ортопед-стоматолог вазифасига ўтказилган. Ортопед сифатида Севара Окбўтаева протезлаш соҳасида талайгина янгиликларни жорий этди. Яъни, металл-пластмасса, металл-керамика ҳамда бюгел тиш протезларини амалда дадиллик билан қўллаш бошлади. Шу билан бирга Денов шаҳридаги турли ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-хизматчилари орасида соғломлаштиришга қаратилган тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борди. Ўзи эса ортопед-стоматолог сифатида олий тоифага эга бўлди.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Денов шаҳар стоматология поликлиникаси шифокор-стоматологларнинг интернатура ўташлари бўйича Тошкент тиббиёт институтининг базаси ҳисобланади. Шу боис ҳам Севара Окбўтаева меҳнат фаолияти давомида 70 дан ортиқ стоматологларга устозлик ва раҳбарлик қилиб, шу соҳа сир-асрорларини ёш шифокорларга самимий қалб билан ўргатди. Бу унинг стоматология соҳасини ривожлантиришга, малакали стоматолог шифокорлар тайёрлашга

қўшган салмоқли улушидир. Қилган меҳнатлари вилоят ва туман раҳбарлари томонидан муносиб тақдирланди. Турли йилларда Фахрий Ёрликлар, Ташаккурнома ҳамда Раҳматномалар, кимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бутун умрини стоматология соҳасига бағишлаган бу бахтли жуфтлик – Севара Окбўтаева ҳамда турмуш ўртоғи Дўси Саидов нафақага чикқач, калб тўридаги орзу рўёбига ҳам эришдилар. Яъни, иккаласи ҳам муқаддас ҳаж ва умра сафариди бўлиб қайтдилар.

Эслатмоқ жоизки, бугунги кунда нафақада бўлган С. Окбўтаеванинг турмуш ўртоғи Дўси Саидов ҳам стоматология доктори. Бу аҳил оилада қатор фарзандлар вояга етган. Уларнинг айримлари ота-она касбини танлаб, шифокор бўлишган. Фарзандлар ва неваралар қуршовида бахтли яшаётган бу оилани деновликлар хамиша хурматлаб юришади. Чунки ўғиллари Мирзохид туманда таникли невропатолог. Қизлари Азизахон эса ҳамширалик касбини улуғлаб, ота-онасига муносиб издош бўлиб етишишган.

## ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Қобулова Тозагул Бобохоновна 1959 йилда қўшни Туркменистоннинг Чоржов вилоятидаги Чоршанги туманида ишчи оиласида туғилган. 1984 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. Бир йиллик интернатурани терапевт-стоматолог ихтисослиги бўйича 1984-85 йилларда Денов шаҳар стоматология поликлиникасида ўтаган. Сўнгра шу ерда доимий ишлаб қолган.

Қобулова Т. Б. иш жараёнида ўз касбига ўта қизиқувчанлиги, билимдонлиги, беморларга нисбатан меҳрибонлигини намоян этмоқда. Тиш, юз-жағ, оғиз бўшлиғи органлари касалликларини даволаш ва олдини олишнинг илғор, замонавий усулларини яхши ўзлаштириб олиб маҳорат билан ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда. Бунинг учун у кўплаб маротаба Тошкент давлат врачлар малакасини ошириш институтининг курсларида қайта ўқиб қайтган. Туман аҳолиси ўртасида нафақат малакали шифокор, балки фаол жамоатчи сифатида ҳам обрў қозонган. Унинг камтарона хизматлари мунтазам равишда муносиб тақдирланиб келинмоқда.

Тозагул Қобулова турмуш ўртоғи Қобулов Абдусалом билан биргаликда беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган. Бу аҳил оилада ўсган фарзандларнинг уч нафари олий маълумотли бўлиб, ўзлари танлаган соҳалар бўйича самарали фаолият юритишмоқда. Йигирма етти ёшни қаршилаган шогирди Фарҳод Маматов ҳам қўшқанот шифокорларнинг фахри. Чунки тиш касалликларини даволаш маҳоратини, ўзига хос сирларини айнан Тозагул Бобохоновадан ўрганган. Ҳамшира сифатида эл қорига яраётган Марвара ҳам у билан бақамти ишлаб, фидойилик намуналарини кўрсатиб келмоқда. Тозагул опа ҳаёт ва

танлаган касбида бахтини топган аёллардан. Айниқса, келинлардан ёлчиган. Чунки унинг келинлари зиёли, ишда уddaбурон, оилада саришта. Энг севимли келини Шахноза Турсунова шоира. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори. Қатор шеърӣ тўпламлар муаллифи. 2010 йилда Тошкент Давлат Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозирда ўрта умумтаълим мактабида инглиз тилидан дарс бермокда. Шахнозахон туман хотин-қизлар қўмитасининг энг фаол аъзоси сифатида ҳам кенг қамровли жамоат ишларини олиб бормокда. Яна бир келини Ферузахон қайнонасининг энг эъзозли келинларидан. Ферузахон Термиз Давлат университетининг тарих факультетини битирган. Бугунги кунда ёш авлодга тарих фанидан дарс бермокда. Кенжа ўғли Баходир хозир вилоят ҳарбий таълим мактабида ўқимокда. Спорт жону дили. Қатор мусобакаларда ғолибликни қўлга киритиб, медаллар соҳиби бўлган.

## ЯНГИЛИККА ИНТИЛУВЧАН

Ғозиева Ғотима Нишонова 1951 йилда Денов туманида дехкон оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган ва уни 1974 йилда тамомлаган. Шундан сўнг Денов шаҳар болалар поликлиникасида меҳнат фаолиятини бошлаган. Асосан болаларнинг оғиз бўшлиқларини соғломлаштириш ишларига сезиларли хисса қўшган шифокор саналади. Йилдан-йилга малака орттириб бораётган ёш шифокор сифатида 1978 йилда шаҳар стоматология поликлиникасига ишга таклиф этилган. Ҳозирги кунда эса у “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда терапевт-стоматолог сифатида самарали фаолият олиб бормокда.

Ғотима Ғозиева ўз устида кунт билан ишлаб, билим ва малакасини доимий ошириб бормокда. Тишларни композит ашёлари билан пломбалаш, тишларнинг бутунлигини нур лампалари ёрдамида тиклаш ( яъни, ўстириш) каби янгиликлар Ғотима Ғозиева номи билан боғлиқ. Чунки тишни даволашдаги бу янги усулларни у Деновда биринчи бўлиб ҳаётга тадбиқ этган. Мухими, соҳанинг етук мутахассисларидан бири сифатида тишни даволашнинг барча замонавий усулларини пухта ўзлаштирган. Кўп йиллик самарали меҳнатлари, тинимсиз изланишлари эса муносиб тақдирланиб келинмокда. Кўплаб Фаҳрий ёрликлар, кимматбаҳо эсдалик совғалари унинг фидойи меҳнатларига берилган муносиб тухфалардир. Ғотима Ғозиева 2001 йилда нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон сафда туриб ёшларга мураббийлик қилмокда.

Ғотима Ғозиева турмуш ўртоғи Сангин Ёкубов билан биргаликда икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказган. Бир умр хайдовчилик касбини улуглаб келган Сангин ака билан Ғотима опанинг тарбиясини олган фарзандлар эл-юртга муносиб инсонлар бўлиб етишишган. Ўғли

**Илхомжон** Тошкентдаги иктисодиёт институтида таҳсил олиб, бугунги кунда Тошкент шаҳрида, Миллий банкда ходим бўлиб ишламоқда. **Олимжон** эса маҳаллада фаоллардан бири. Қизлари Нигорахон Денов тиббиёт бирлашмасида доя бўлиб ишламоқда. Қизи Нодирахон олий маълумотли иктисодчи сифатида ҳаётда ўз ўрнини топган.

## НУРЛИ ИЗЛАР СОҲИБИ

Кирликов Йўлдош Қувватович 1951 йилда Денов туманидаги собиқ “Ғалаба” жамоа хўжалигида оддий дехқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1970-72 йилларда харбий хизматда бўлган. Сўнгра Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, уни 1979 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1979-80 йилларда Денов шаҳар стоматология поликлиникаси қошида ортопедик стоматология ихтисослиги бўйича интернатурани ўтаган ва шу поликлиникада доимий ишлаш учун қолдирилган.

Кирликов Й.Қ. шифокорлик фаолияти давомида ўзини бидимли, малакали, беморларга ва ҳамкасбларига нисбатан меҳр-оқибатли инсон сифатида ёрқин намоён эта олди. Чунки у бутун фаолияти мобайнида шаҳар мактаблари ўқувчилари ва ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш ишларида фаол иштирок этди.

Йўлдош Кирликов тишларни протезлашнинг замонавий усуллари бўлмиш металл-пластмассали, металл-керамикали, бюгел протезларини ўзи ишлаган поликлиникада дадил жорий этди. Шу билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирокчилардан бири сифатида ўзини кўрсата олди. Натижада нафақат ўзи ишлаётган жамоа ёки туман тиббиётчилари, балки аҳоли ўртасида ҳам катта обрў – эътибор қозонди. Меҳнатлари ҳар жиҳатдан муносиб тақдирланиб борилди. Оиласида камол топган беш нафар фарзандини ҳам ўзи каби меҳнатсевар, одамохун қилиб тарбиялади. Бешафқат ўлим Йўлдош акани 2012 йилда орамиздан олиб кетди. Лекин меҳнат фаолияти давомида қилиб улгурган саховатли ишлари бу инсонни ёрқин хотиралар тарзида тумандошлари хотирасига бир умрга муҳрлаб қўйди.

## ЎЗЛИКНИ ТОПИШ ОСОНМАС

Эшқобилова Малика Абдурахмоновна 1957 йилда Денов туманидаги юбик “Ғалаба” жамоа хўжалиги ҳудудида зиёли оиласида дунёга келган. 1973 йилда ўрта мактабни тугатган. Шундан сўнг Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган ва бу олийгоҳни 1980 йилда тамомлаган. 1980-81 йилларда Денов шаҳар стоматология

поликлиникаси қошида бир йиллик интернатурани ўтаган ва шу ерда доимий ишлаб қолган.

Малика Эшқобилова стоматолог - шифокор сифатида бутун меҳнат фаолияти мобайнида мактаб ўқувчилари орасида оғиз бўшлиғи гигиенаси борасида кенг камровли профилактик ишларни олиб борган. Йиллар оша тажриба тўплай бориб, стоматологик касалликларни даволаш ва унинг олдини олиш борасидаги барча усулларни мукамал ўзлаштириб олган. Беморлар ва ҳамкасбларига нисбатан ўта меҳрибонлиги билан ажралиб туради.

Малика Эшқобилова касбини тўғри танлаб, шу соҳада ўзлигини топган инсонлардан бири. Чунки у меҳнат фаолияти давомида билими, касбига садокати туфайли мижозлар ва ҳамкасблар ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. Маънан етук шифокор сифатида жамоат ишларида ҳам фаоллик билан қатнашмоқда. Бу каби хизматлари учун вилоят, туман ва шаҳар тиббиёт ташкилотлари маъмуриятининг қатор Фахрий ёрликлари ва қиммабаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланган. Даволашдаги муваффақиятлари учун олий тоифали шифокор дея эътироф этилган. Оиласида тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган.

## ҚЎЛИ ЕНГИЛ ЖАРРОХ

Давлатов Холбой Гиёсович 1951 йилда Денов шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1969 йилда 2-сонли ўрта умумий таълим мактабини битирган. 1978 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. 1978-79 йилларда Денов шаҳар стоматология поликлиникаси қошида бир йиллик интернатурани битириб, шу ерда доимий ишлаш учун қолдирилган. Ҳозирда “Садаф” МЧЖда жаррох-стоматолог вазифасида ишлайди.

Холбой Давлатовнинг стоматолог шифокор сифатида туман тиббиётидаги ўрни аввало, моҳир жаррохлиги билан белгиланади. Чунки у бутун фаолияти давомида юқори билимли мутахассис ва моҳир стоматолог жаррох дея эътироф этилиб келинмоқда. Сиёсий ва тиббий билимларини мунтазам ошириб келаётганлиги учун ҳам шундай мавқега мушарраф бўлмоқда. Амбулатория- поликлиника шароитида жаррох-стоматолог сифатида цистотомия, цистэктомия, альвеолотомия, жароҳатланган жағ суякларини жойига қайта жойлаштириш, юзда учрайдиган хавфсиз ўсмаларни олиб ташлаш каби жаррохлик амалиётларини ўта маҳорат билан бажара олади.

Доимий изланишда бўлган Х. Давлатов ўз соҳаси бўйича бир неча бор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқиб, билим ва маҳоратини орттириб бормоқда. Айниқса, жамоат ишларидаги фаоллиги унга туман пҳолиси ва тиббиёт ходимлари орасида катта обрў

келтирмоқда. Беморга ўринли ва керакли тавсияларни ўз вақтида тўғри бера олиш, ҳар бир беморга алоҳида эътибор билан ёндошиш, аҳоли ўртасида биринчи галда тиббий маданиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишга интилиш - Холбой Давлатовнинг қундалик иш шиориға айланган. Эл орасида таникли бўлганлигининг яна бир сабаби шундаки, у бир неча йил тумандаги собиқ “Ильич”, ҳозирги “Мустақиллик” кишлоқ врачлик пунктида ҳам самарали фаолият юритишга улгурди. Туманда нашр этиладиган “Ғалаба учун” газетасида эса тиш касалликлари билан боғлиқ мақолалари эълон қилинган эди.

Холбой Давлатов турмуш ўртоғи – биология фани ўқитувчиси Тошнӣёз Давлатова билан оилада тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояға етказган. Фарзандларнинг бири ҳисобчи, яна бири тадбиркор, бошқаси эса компьютер алоқа хизмати ходими сифатида элга беминнат хизмат қилиб келмоқда. Яна бир ўғли Шавкатжон айни пайтда Термиз давлат университети тарих факультетининг тўртинчи босқичида таълим олмоқда. Холбой Давлатов нафақат маҳоратли стоматолог жарроҳ, балки чин маънодаги зиёли инсон ҳам саналади. Уйида кўп нусхадаги турли китоблардан жамланган катта кутубхона бор. Туман телевидениеси ва газетасида мунтазам равишда тиббиётга оид чиқишлар қилиб турганлиги ана шундан далолатдир.

## ФАОЛ ЖАМОАТЧИ ЭДИ

Иброҳимов Тоштемир Абдимўминович 1957 йилда Денов туманидаги машхур “Ғалаба” хўжалиги ҳудудида дехқон оиласида туғилган. 1972 йилда тумандаги 24-сонли мактабнинг ўнинчи синфини тугатган. 1974 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, уни 1979 йилда тамомлаган. 1979-80 йилларда вилоят касалхонасининг юз-жағ хасталиклари бўлимида интернатура ўтаган. 1980 йилдан эъгиборан Денов шаҳар стоматология поликлиникасида, ҳозирги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятида жарроҳ-стоматолог вазифасида ишлай бошлаган.

Тоштемир Иброҳимов фидойи меҳнати билан етук мутахассис, моҳир жарроҳ, меҳрибон шифокор сифатида Денов аҳлиға яхши танилди. Шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналари ходимларини, хусусан пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчиларини соғломлаштиришда фаоллик билан катнашди. Таҷрибаси ортиб, биринчи тоифали жарроҳ - стоматолог малакасиға эға бўлди. Т. Иброҳимов бутун меҳнат фаолияти давомида ўқиб-ўрганишдан, таҷриба алмашишдан қочмаган шифокорлар тоифасидан. Чунки у 1981 йилда узок Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтида икки ярим ой мобайнида “Стационар шароитида хирургик стоматология”



мавзусида, 1986 йилда “Бош – бўйин ўсмаларини даволаш ва унинг диагностикаси”, 1991 йилда “Хирургик стоматологияда оғриксизлантириш”, 1995, 2009 йилларда “Юз-жағ соҳасида ўткир йирингли инфекция” мавзуларида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб, малака ошириб қайтди. Ўрганганларини амалиётда муваффақиятли қўллай олди. Тоштемир Иброхимов нафақат яхши ва малакали шифокор, балки энг фаол жамоатчилардан бири сифатида ҳам аҳоли эътиборини қозонди. У бир неча бор поликлиника қасаба уюшмаси раислигига сайланди. Шунингдек, шаҳар халқ суди маслаҳатчиси сифатида ҳам жиддий фаолият олиб борди. Ёшларга мураббийлик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирди. Шу боис унинг сурати доимий равишда туман тиббиётчиларининг “Хурмат тахтаси”ни бегаб турди. Дарвоқе, у туманнинг олд полвонларидан бири эди. Кураш тушиб, голибликни қўлга киритарди. Оиласида вояга етган олти нафар фарзанднинг ҳар бирини турмуш ўртоғи Зиёда опа билан бирга меҳр - ла парваришлади. Улар бугунга келиб ота – она тарбиясига муносиб яшаб, ўзлари танлаган соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Афсуски, бешафқат ўлим ажойиб шифокор, фидойи инсон бўлган Тоштемир Иброхимовни бевақт орамиздан олиб кетди. Аммо у қисқа умри давомида қилиб улгурган эзгу ишлардан миннатдор одамлар қалбида ҳамон яшамокда.

## БАХТНИ КАСБДАН ТОПГАН АЁЛ

Ҳамидова Малика Усмоновна 1961 йилда Бойсун туманидаги “Арик усти” маҳалласида туғилган. 1980 йилда 4-сонли мактабни олтин медал соҳибаси сифатида битирган. 1980-86 йиллар орасида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган. Шундан сўнг бир йил давомида Тошкентдаги 8-сонли стоматология поликлиникасида жарроҳ-стоматолог сифатида интернатура муддатини ўтаган. 1987 йилдан то 2001 йилга қадар Бойсун туманидаги стоматология бўлимида жарроҳ-стоматолог вазифасида ишлаган. 2001 йилдан то 2011 йилгача туман стоматология бўлими бошлиғи ва туман бош стоматологи вазифасида ишлаган. Ҳозирги вақтда КТМП нинг стоматология бўлими бошлиғи ва бош стоматолог сифатида фаолият юритмоқда. Олий тоифали жарроҳ-стоматолог ҳисобланади.

Ҳар жиҳатдан синчков ва зукко Бойсун аҳли бирдек ҳурматлайдиган Малика Ҳамидова йиллар оша тажриба тўплаб, мутахассис сифатида тўла шакллана борди. Бугунги кунда у туман бош стоматологи эканлиги ана шундан далолат. Турли йилларда ҳалол хизматлари учун олинган Фахрий ёрликлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари, энг муҳими эса ҳамкасблар орасида катта обрў-эътиборга эришганлиги унинг иқтидоридан яна бир нишона. Вилоят ва туман рўзномаларида бу қўли енгил шифокор ҳақида ёзилган самимий мақолалар меҳнатлари эвазига берилган яна бир

**тухфадир.** Аёллар орасида жаррох-стоматолог бўлиш унчалик кўп учрамайди. Лекин Малика Ҳамидова бу борада мана ман деган жаррохдан қолишмай, аксинча кўпчилик ҳолатларда устунрок туриб фаолият юритмоқда. Бу - кўпчилик томонидан бирдек эътироф этилган ҳақиқат. Бундай ютуқларга эса у тинмай ўқиб - ўрганишлар, изланишлар, тиббиёт ангиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиб бориш, малака ошириш курсларига мунтазам катнаш орқали эришмоқда.

Бойсун туман автомобил йўллари корхонасида етакчи мутахассис вазифасида ишлаётган турмуш ўртоғи Зиёдулла Гаффоров билан аҳдли-содикатли яшаётган Малика Ҳамидова оиласида камол топган фарзандлар ҳам эл-юрт корига яровчилар бўлиб етишишмоқда. Қизи Элмира олий маълумотли, Тошкентда яшаб кимё фанидан ёш авлодга дарс бермоқда. Яна бир кизи Гулнур эса хамшира, туман шифохонасининг реанимация бўлимида ишляпти. Ўғли Жавоҳирбек ҳали талаба, Турон институтининг учинчи босқичида ўқимоқда. Кенжа кизи Рушана коллежда таҳсил оляпти, келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчи. Хуллас, оддийгина стоматолог -шифокорлик касбини танлаб, шу йўлдан собитқадам бораётган Малика Ҳамидова замонамизнинг зиёли, малакали мутахассис-шифокорларидан бири сифатида ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

## ОДДИЙ ВА КАМТАР

Умбар Алимов 1952 йилда Бойсун туманидаги Инқобод маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Чорбоғ қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, 1974 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. Ушбу олийгоҳдаги таҳсилини 1979 йилда тамомлаган. Сўнгра бир йил давомида Деновдаги стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг тўрт йил давомида Ангор туман стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 1984-90 йилларда яна кадрдон Бойсунга қайтиб туман марказий касалхонасида врач-стоматолог сифатида фаолият юритган. Орада бир йил қўшни Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида бўлиб, бу ердаги стоматология поликлиникасида врач - стоматолог вазифасида ишлаб қайтган. 1991-2011 йиллар мобайнида Бойсунда стоматолог-шифокор сифатида фаолиятини давом эттирган. Ҳозирги пайтда ҚТМПда врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Оиласида беш нафар фарзанд вояга етган.

## ТЎҒРИСЎЗЛИК – УНИНГ ФАЗИЛАТИ

Қудратилла Холмаматов 1952 йилда Бойсунда таваллуд топган. Ўрта мактабдан сўнг қурилишда оддий ишчи бўлган. 1971-76 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган.

Ихтисоси бўйича жарроҳ-стоматолог. Қ. Холмаматов 1976-77 йилларда Термиздаги стоматология поликлиникасида интерна муддати муваффақиятли ўтаган. Шундан сўнг, яъни 1977-79 йилларда Бойсун туманидаги Сайроб кишлоқ участка шифохонасида врач-стоматолог сифатида фаолият юритган. Орада икки йил мактаб стоматологи бўлиб ишлаган. Шундан сўнг, Бойсун стоматология бўлими мудир ва туман бош стоматологи вазифасига ишга таклиф этилган. Бу вазифада у ўн бир йил самарали фаолият юритган. 2001 – 2011 йилларда эса стоматология бўлимида жарроҳ-стоматолог сифатида ишлаган. Аини пайтда ҚТМПда жарроҳ-стоматолог бўлиб ишлаётган Қудратилла Холмаматовни бойсунликлар ҳам, ҳамкасблари ҳам тўғриси ўз ва адолатпарвар инсон сифатида яхши билишади. Мутахассислигини бир эъзозлашса, тўғри сўз ва ҳалоллиги учун икки карра ҳурматлашади.

## ЎЗ ЎРНИ БОР

Тўлкин Пўлатовнинг ҳам бойсунлик шифокорлар орасида ўз ўрни ва мавқеи бор. Салобатли тоғлар курсовида ястанган Бойсуннинг Тузбозор маҳалласида туғилиб вояга етган бу шифокор 1968-1978 йилларда шу ердаги ўрта мактабда ўқиган. Мактабни тугатган йилиёқ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлган. Олийгоҳдаги таҳсилидан сўнг, бир йил давомида Термиз шаҳридаги стоматология поликлиникасида интернатура ўтаган. Шундан сўнг, уч йил давомида Бойсун туманидаги Сайроб кишлоқ участка шифохонасида стоматолог вазифасида ишлаган. 1987 йилдан то 2011 йилга қадар Бойсун стоматология бўлимида терапевт-стоматолог бўлиб фаолият юритган. Аини кунларда ҚТМПда врач-стоматолог сифатида ишламоқда. Оилали. Фарзандларини катта ҳаёт йўлига олиб чиққан. Туман стоматологлари орасида бу камтарин шифокорнинг ҳам ўз ўрни, беморларни даволашда айтар сўзи борлиги - унинг бахти.

## ИЛМГА ИНТИЛИБ ОБРЎ ТОПДИ

Сатторов Илҳом Муслимович 1966 йилда Денов шаҳрида туғилган. Ўрта мактабдаги таълимини тугатгандан сўнг, 1985-88 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Хизматни эса ҳарбий денгиз флотидида ўтаган. Ҳарбийдан қайтгач, 1988 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг тайёрлов курсларида ўқиган. 1989 йилда шу институтнинг стоматология факультети талабалари сафига қабул қилинган. Ушбу олийгоҳдаги таҳсилни 1994 йилда тамомлаб, бир йиллик интерна муддатини ҳам муваффақиятли ўтказган.

Илҳом Сатторов ўз ихтисоси бўйича, яъни терапевт-стоматолог вазифасида 1995 йилдан буён “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда

**терапевт-стоматолог** вазифасида ишламоқда. Орадан ўтган йиллар мобайнида малака ва тажриба орттира бориб, олий тоифа малакасига эга бўлди.

Зиёлилар оиласида таваллуд топган шифокор ота-она ва устозлар ўғитиға амал қилган ҳолда ишлаб, элда обрў топиб келаяпти. Отаси Мусин Сатторов биология фанлари номзоди, онаси Ҳаловат опа ҳам илм йўлидан бораётганлардан. Чунки у киши мамлакатимизда машҳур субтропик Дендрарий боғида лаборант бўлиб ишлайдилар. Ана шундай инсонлар оиласида тарбия топиб камолга етган шифокор Илҳом Сатторов ҳам фаолияти давомида турли изланишлар олиб бораёпти. Ана шу изланишлар, ўқиб-изланишлар натижасида у энг замонавий даволаш усулларидан бўлмиш “Нурли пломбалар” кўйишни мукаммал ўзлаштириб олган. Энг муҳими у ҳеч бир асоратсиз даволайди. Бунинг учун ташхисни ҳамшиша аниқ ва тўғри қўяди, шунга яраша муолажа белгилайди.

Танлаган касби ва орзу қилган соҳасида сабот билан меҳнат қилаётган Илҳом Сатторов оиласида икки нафар фарзанд вояга етмоқда. Фарҳоджон компьютер билан бемалол тиллашади, инглиз тилида эркин сўзлашади, келажакда шу соҳа мутахассиси бўлмоқчи. Аскарбек эса ҳозирданок ота кабини танлаб шифокор бўлишга тайёргарлик кўраёпти.

## **ЗАВҚИ БАЛАНД, МАҲОРАТИ ЗЎР**

Бойсунликлар бу шифокорни яхши танишади. Чунки бойсунча фольклор кўшиқларини чин дилдан севади. Ўрни келиб қолса, давраларни тўлдириб чاقқонлик билан ўйинга ҳам тушиб кетаверади. У 1959 йилда Бойсун туманидаги “Ариқ усти” маҳалласида туғилган Собир Муртазоевдир. Олий маълумотли шифокор-стоматолог 1983 йилда ўз меҳнат фаолиятини Бойсун туман марказий касалхонасида врач-стоматолог сифатида бошлаган. 2010 йилдан буён эса КТМ поликлиникасида шу вазифада ишламоқда. Шифокор сифатида юзлаб инсонларга мадади теккан Собир Муртазоев ҳамон сафда туриб, сеvimли касбида фидойилик билан меҳнат қилаёпти. Курсдошлар йиғиладиган давраларга қувноқлик бахш этишда унинг олдиға тушадигани йўқ.

## **ТОЛЕЙИ БАЛАНД ИНСОН**

Мирзаев Раҳматулла Мелимуратович 1958 йилда Денов туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. Мактабни тугатгандан сўнг, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишға кирган. Ушбу ўқув юртининг стоматология факультетини 1984 йилда тамомлаган. 1984-85 йилларда Денов шаҳар стоматология поликлиникаси

кошида интернатура муддатини ўтаган ва шу ерда доимий ишлаш учун колдирилган.

Деновликларга яхши таниш бу стоматолог шифокор дастлабки фаолиятини мактаб ўқувчиларига стоматологик хизмат кўрсатишдан бошлаган. Бир неча йил бу борада самарали фаолият олиб боргач, у 1999 йилда “Садаф” масъулияти чекланган жамиятига ортопед-стоматолог сифатида ишга ўтказилган. Шундан сўнг Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 1-сонли ортопедик стоматология кафедраси ва клиникаси кошида олиб кўйилмайдиган коплама ва протезларни металл-пластмасса ҳамда металл-чинни материалларидан тайёрлаш йўллари пухта ўрганди. Туманга кайтгач, бу усулларни дадиллик билан амалда қўллай бошлади.

Раҳматулла Мирзаев яхши шифокор бўлишдан ташқари ажойиб ташкилотчи – устоз сифатида ҳам жамоадошлари хурматини қозонган. Шогирди Одилбек Нуралиев эндигина ўтгизинчи баҳорни каршилади. Аммо табиатан босиқ, хушмуомала бу йигит устози билан бақамти ишлаб, кўп нарсаларни ўрганди. Дантист сифатида эл аро эътирофга сазовор бўлди. У кўп йиллардан буён ўзи ишлаётган жамият қасаба уюшмасини бошқариб, раислик қилиб келмоқда. Жами 25 киши ишлайдиган жамоа аъзолари бу инсонни ҳар жиҳатдан хурматлаб, кадрлайди. Хизмат соҳасидаги ютуқлари эса юқори ташкилот ва туман ҳокимлиги томонидан мунгазам кадрланиб, рағбатлантирилиб келинади.

Бугунги кунда Раҳматулла Мирзаев хонадонида келажақда эл-юрт қорига ярайдиган фарзандлар вояга етмоқда. Уларнинг айримлари ота касбини танлаганлиги шифокорнинг бахтидир. Қизи Раҳима тиббиёт коллежини муваффақиятли тамомлаб, ҳозирда қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишламоқда. Ўғли Фахриддин эса тиш техниги сифатида ҳамюртларига танилиб қолган. Яна бир қизи Жамилахон педагогика коллежида таҳсил олган. Хуллас, бу ахил оилада ўсаётган ҳар бир фарзанд оталаридек одамлар хизматида бўлишмоқда.

## **КАМТАРЛИК – КОМИЛЛИК БЕЛГИСИ**

Қаххоров Зоир Аъзамович 1967 йилда Денов шаҳрида туғилган. 1984 йилда Қумқўрғон туманидаги 35- сонли мактабнинг ўнинчи синфини тугатган. 1986-88 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1994 йилда эса Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Интернатура муддатини Тошкент Давлат тиббиёт институтининг терапевтик стоматология поликлиникасида ўтаган. Шундан сўнг, 1995-96 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги “Стом-сервис “Аскар” жамоасида ортопед-стоматолог сифатида фаолият юритган. Юртга кайтгач, 2001-2004 йилларда Қумқўрғон туманидаги Оққапчиғай қишлоқ



**Анвар  
Пардаев**



**Бахром  
Эшмуродов**



**Абдусамад  
Боймуродов**



**Холик  
Норқулматов**



**Олтибой  
Каримов**



**Менглимурот  
Шойимқулов**



**Саттор  
Самадов**



**Абдирахмон  
Воҳидов**



**Болта  
Мустафоев**




**Эшкул  
Маматмўминов**



**Тоштемир  
Каримов**



**Пўлат  
Ҳайдаров**



**Дўси Саидов**



**Карим  
Ханнаров**



**Савара  
Ақбўтаева**



**Тожихол  
Астанакулова**



**Абдусамад  
Арзикулов**



**Холмўмин  
Нуринов**





**Туроб  
Жураев**



**Зайрулла  
Оқбоев**



**Йўлдош  
Қирлиқов**



**Тоштемир  
Ибрагимов**



**Фотима  
Ғозиева**



**Мунаввар  
Тошматова**



**Тозагул  
Қобулова**



**Малика  
Эшқобилова**



**Холбой  
Давлатов**



**Рўзи  
Муҳаммадиев**



**Раҳматулла  
Мирзаев**



**Нурмуҳаммад  
Пардаев**



**Суюн  
Соатмуродов**



**Ҳайдар  
Ҳасанов**



**Тўра  
Бўронов**



**Эркин  
Парпиев**



**Очил  
Ҳайдаров**



**Ибодулла  
Жовлиев**



**Илхом  
Сатторов**



**Иброхим  
Норбоев**



**Ўқтам  
Ибрагимов**



**Зийдулла  
Арзиқулов**



**Нигора  
Маматмўминова**



**Асат  
Раҳмонов**



**Шафоат  
Боймирзаев**



**Боймурод  
Бекмуродов**



**Дамин  
Чориев**



**Дамин  
Ражабов**



**Рахим  
Шербўтаев**



**Мансур  
Шербўтаев**



**Ўрол  
Ибрагимов**



**Асадулла  
Тўйчиев**



**Муротали  
Усмонжонов**



**Дилором  
Ҳақимова**



**Ўрол  
Пардаев**



**Боймурод  
Чоршанбиев**



**Хушбок  
Бойкулов**



**Кумри  
Чориева**



**Мухтор  
Бўронов**



**Асадулла  
Ботиров**



**Раҳматулла  
Норбоев**



**Ҳалим  
Ўтаев**



**Дониёр  
Жабборов**



**Чори  
Бердиев**



**Ражаб  
Жўраев**



**Муқаддас  
Чориева**



**Фарход  
Хўжамкулов**



**Ойсара  
Жўраева**





**Людмила  
Сатторова**



**Муҳаррам  
Муминова**



**Тошгул  
Шеранова**



**Шароф  
Хуррамов**



**Нурмамат  
Ҳасанов**



**Омонулла  
Эшмирзаев**



**Турсунуй  
Журакулова**



**Ўгилжон  
Авезова**



**Ўрол  
Маматраимов**



**Дилором  
Турсунова**



**Тоғаймурод  
Усанов**



**Рахмонкул  
Рахмонов**



**Абдулла  
Худойназаров**



**Дилфуза  
Сафарова**



**Роза  
Исакова**



**Феруза  
Астанагулова**



**Айрушан  
Эшқурбонова**



**Нодира  
Ҳақимова**

врачлик амбулаториясида стоматолог вазифасида ишлаган. 2004-2009 йилларда Деновдаги катор даволаш-профилактика муассасаларида стоматолог лавозимида фаолият юритган. 2010 йилдан эътиборан Деновдаги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда терапевт-стоматолог вазифасида ишлаб келмоқда. У тиш, юз-жағ касалликларини даволашнинг барча усулларини пухта ўзлаштирган. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Халкимизнинг камтарга камол, деган мақоли айнан шу шифокорга тегишлига ўхшайди. Чунки у бир умр одамларга камтарона хизмат кўрсатиб, вазминлик билан яшаб келаяпти.

## КАСБГА САДОҚАТ

Мухиддинова Барно Амоновна ҳам вилоятимизда фаолият юритаётган кўп сонли аёл стоматолог шифокорларнинг бири. У 1961 йилда Шўрчи туманидаги Намуна маҳалласида туғилган. Таржимай холи ҳам оддийгина: 1979-84 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультети талабаси. Ўқишни тамомлагач, интернатура муддатини Термиз шаҳар стоматология поликлиникасида ўтаган. Шундан сўнг бир йил давомида Олтинсой туманидаги Сина кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 1986 йилда у Бойсун туман марказий шифохонаси стоматология бўлимига ишга ўтиб, бу ерда врач-стоматолог вазифасида ишлай бошлаган. Айни кунларда Барно Мухиддинова Бойсун туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг стоматология бўлимида врач-стоматолог вазифасида ишламоқда. Шу билан бирга у харбийга чакирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда ҳам масъул саналади.

Барно Мухиддинова ҳакли равишда танлаган соҳаси ва касбига садоқатлиларнинг олдинги сафларида бораётганлардан ҳисобланади. Чунки у бир умр тишларни соғломлаштириш йўлида олий тоифали врач - стоматолог сифатида изчил фаолият олиб бораётти. Барно Мухиддинова ҳаётидаги энг қувончли кунлардан бирини унинг 1991 йилда туғилган ўғли Сардорбек тухфа этди. Чунки у 2013 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт Академиясининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Демак, Барно опа бир умр садоқат билан хизмат қилиб келаятган стоматология соҳасидаги фаолиятни келажакда унинг ўғли давом эттиради...

## МУРАББИЙ БЎЛМОҚ ОСОНМАС

Ёш стоматолог шифокорлар бирдек хурматлаб, эъозлайдиган ва мураббий сифатида эътироф этадиган Тошметова Мунаввар Абдуллаевна 1955 йилда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятидаги Туркистон туманида туғилган. Ўтган йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида Деновга, қариндошлариникига келган ва шу ердаги 4-сонли мактабда ўқиб, ўнинчи синфни тугатган. 1977 йилда Тошкент Давлат

тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. 1977-78 йилларда Термиз шаҳрида жойлашган вилоят стоматология поликлиникаси қошида терапевтик стоматология мутахассислиги бўйича бир йиллик интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг, у доимий ишлаш учун Денов шаҳар стоматология поликлиникасига – ҳозирги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятга ишга юборилган. Мунаввар Тошметова то нафакага чиққунга қадар, яъни 2008 йилгача шу ерда самарали фаолият юритди. Айни кунларда ҳам сафда туриб, ўз кадрдон жамоасида тажрибали терапевт-стоматолог бўлиб ишламоқда.

Мунаввар Тошметова меҳнат фаолияти давомида билимли мутахассис, меҳрибон шифокор, ёшларнинг сеvimли мураббийси сифатида ҳурмат-эътибор қозониб келмоқда. Энг муҳими, кариес ва унинг асоратларини, парадонт касалликларини самарали даволашнинг замонавий усуллари айнан шу шифокор томонидан туманда биринчилардан бўлиб жорий этилди. Шу билан бирга тажрибали шифокор сифатида умри давомида 50 дан ортиқ ёш шифокорларга устозлик қилиб, йиллар оша тўплаган тажрибаларини беминнат ўргатди. Ўзи ҳам тинмай касб маҳорати ва малакасини ошириб, турли йилларда малака ошириш курсларида ўқиб қайтди. Кўп йиллар мобайнида поликлиника касоба уюшмасига раислик қилиб, жамоатчи сифатида эътибор қозонди. Қилган меҳнатлари эвазига мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантирилиб келинди. Сурати жамият “Ҳурмат тахтаси”дан жой олди. Вилоят, туман ва шаҳар Ҳокимларининг Фахрий ёрликларига мушарраф бўлди. Энг қувонарлиси эса, у туманда ёшларнинг энг талабчан ва меҳрибон мураббийси сифатида эътироф этилди.

Турмуш ўртоғи Фозилжон Иброҳимов билан бирга оилада уч нафар фарзанд тарбиялаб, вояга етказган Мунаввар Тошметова бугунги кунда нафақат фарзанд ва неваралари, балки шогирдлари ардоғида яшаб, меҳнат қилмоқда. Оилада камол топган фарзандларнинг икки нафари олий маълумотли мутахассис сифатида турли соҳаларда фаолият юритишмоқда.

## ТОҒЛИКЛАР ШИФОКОРИ

Ушбу лавҳамиз қаҳрамони Каримов Тоштемир Жўрақуловични ҳақли равишда узоқ тоғ қишлоқларида яшаётганларнинг асл шифокори деса, бўлади. 1959 йилнинг августида Бойсун туманидаги Дуғоба қишлоғида таваллуд топган Тоштемир Каримов бир умр тоғ қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаяти. Бу йил ўзининг саксон еттинчи баҳорини қаршилаган отаси Жўрақул бобо унга аввало одамийликдан сабоқ берди, сўнгра илм йўлини тугишни ўргатди. Қолаверса, у шифокорлик касбини бежиз танлаган эмас. Чунки раҳматли онаси Бибиражаб момо бир умр ошқозон касаллигидан азият чекиб яшаганди. Тоғли шаронтларда эса

доктор йўқ эди. Онасининг қийналишларини кузатган Тоштемир аввал бошданок шифокор бўлишга, бўлгандаям айнан тоғ қишлоғида одамларни даволаш билан шуғулланишга аҳд қилганди. Бу нияти 1983 йилда амалга ошди. Чунки Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетидаги тахсилни тамомлаб, кадрдон қишлоғига олий маълумотли шифокор сифатида қайтди. Шу йили унинг тўйи ҳам бўлди. Зулайхо исмли тоғ кизига кўнгили қўйиб, уйланди. Зулайхохон ҳам аслида кичик тиббий ходим сифатида ўша унутилмас 1983 йилдан буён Турмуш ўртоғи Тоштемир Каримов билан бирга қишлоқ участка шифохонасида ишлаб келмоқда. Тоштемир Каримовни тоғликлар шифокори дея атаган эдик. Ростдан ҳам у бошқалар каби туман маркази ёки бошқа йирик шаҳарларда ишлаб қолиш йўлини изламади. Аксинча, 1983 -1984 йилларда Термиз шаҳрида интерна муддатини ўтаб бўлгач, тўғри Кўрғонча қишлоғига ишга келди ва бу ерда 1984-1988 йиллар давомида врач стоматолог вазифасида ишлади. 1988-1992 йиллар давомида эса Кўрғонча врачлик амбулаториясида бўлим мудири сифатида фаолият олиб борди. 1992 йилда бу узок тоғ қишлоғида қишлоқ участка шифохонаси қурилиб, ишга туширилди. Тоштемир Каримов бу ерда то 1994 йилга қадар врач-стоматолог бўлиб ишлади. 1994 йилдан ҳозирги кунга қадар у ушбу қишлоқ участка шифохонасида мудир ҳамда биринчи тоифали врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Оиласида камол топган беш нафар фарзанд туфайли олти неваранинг сеvimли бобосига айланган.

Тоштемир Каримов мансуб бўлган оилани зиёлилар оиласи деса, арзийди. Чунки бу камтар оиллага мансуб инсонларнинг кўпчилиги олий ёки ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар ҳисобланишади. Акаси Ҳайдар Каримов 1955 йилда ТошДУда таҳсил олган. Укаси Равшан Каримов ҳам ТошДУда ўқиган. Бу кўхна илм даргоҳини 1969 йилда тугатган тоғлик илм фидойиси 2006 йилда диссертация ёқлаб, кимё фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Афсуски, у 2007 йилда автохалокат туфайли ҳалок бўлди. Яна бир укаси Орзиқул Тошкентда, мусика билим юртини тамомлаб қайтган. Ҳозирда у мактабда ўз соҳаси бўйича ўқитувчилик қилмоқда. Тоштемир Каримов оиласида вояга етган фарзандлар ҳам ота ва она йўлидан бориб, тиббиёт соҳасини танлашган. Масалан, 1984 йилда туғилган ўғли Отабек Р.М.У.нинг фармацевтика бўлимида таҳсил олган. Ҳозирда қишлоқ участка шифохонаси қошида “Ижтимоий аптека”, яъни дорихона ташкил этган. 1985 йилда туғилган кизи Юлдузхон Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежида ўқиб қайтган. Ўғли Ойбек Каримов Тошкент қишлоқ хўжалик институтини 2010 йилда тугатган эди. 2012 йилда эса магистратурани ҳам тугаллади. Эндиликда пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида нуфузли вазифалардан бирида ишламоқда. Кичик ўғли Сафарали ҳозир Термиздаги 2- академик лицейда таҳсил олмақда. Келажакда у ҳам шифокор бўлмақчи. Кизи Кундузхон эса уй бекаси.

Дугоба – Қайроқ ва Гумматак сойлари суви бирлашиб дарё бўлиб оқадиган манзил атрофида ястанган кишлоқ. Бу кишлоқда юқорида сўз юритганимиз стоматолог-шифокор – Тоштемир Каримов оиласи яшайди. Бу улкан оила аъзоларининг ҳар бири кишлоқдошлар орасида катта обрўга эга. Чунки тоғликлар саломатлигини асраш борасида беминнат ҳисса қўшиб келяптилар. Ана шу камтарона, аммо залвори юксак ҳисса боис Тоштемир аканинг ҳам, бу оилага дахлдор инсонларнинг ҳам обрўси тоғлардек сарбаланд бўлмокда.

## ШИФОКОРУ ҲОФИЗ ЎЗИНГ...

Денов туманидаги Анбарсой кишлоғида 1960 йилда туғилган Равшан Салаев аслида курсдошим саналади. Равшан Салаев 1977 йилда Денов шаҳридаги мактаблардан бирини тугаллаб, ўқувчилик даври билан хайрлашгач, пойтахт Тошкент сари йўл олди. Шу йили омади чопиб Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди.

Жуссаси кичик, аммо жисмонан пишиққина йигитча билан мен ўша кезлари, яъни бирга ўқий бошлагач танишган эдим. Биласиз, у пайтларда машғулотлар асосан рус тилида олиб бориладди. Кишлоқда ўсиб ўқиганлигим боис мен бу тилни унчалик яхши билмасдим. Тил билмаслик нафакат дарсларни ўзлаштиришда, балки одамлар билан мулоқотда хийлагина тўскинлик қилиб турарди. Шу боис янги топишган дўстим Равшан Салаев шаҳарда ўқиганлиги бос менга кўп ёрдам берарди. Равшанбек яхшигина хиргойи ҳам қилиб турарди. Пахта йиғим-терими мавсуми пайтида эса биз сурхондарёликлар у билан фахрланардик десам, муболаға ўрнида кўрманг. Чунки кечки дам олиш соатларида у гулхан атрофида йиғилганларга қўлидаги торни чертиб, булбулдек овоз билан кўшиқлар куйлаб берарди. Даврага жон киргизиб, тенгдошларга кўшиқ воситасида шодлик улашарди...

1982 йилда ўқишни тамомлаб, Деновга қайтдик. Шу ерда бир йил мобайнида стоматология поликлиникасида интернатура ўтадик. Шундан сўнг дўстим Равшан Салаев Деновда ишлаб қолди. Ўша, ҳаётимиздаги унутилмас 1983 йилдан буён дўстимнинг умри ва меҳнат фаолияти Деновда юз-жағ жарроҳлиги, стоматология билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом этаётир.

Табиатан серзавқ Равшан Салаев кўп йиллар давомида Денов тумани марказий шифохонаси қошида ташкил этилган “Шифокор” бадий хаваскорлик ансамблининг бадий раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди. Ҳозирги кунда туман тиббиёт бирлашмасида юз-жағ жарроҳлиги бўлимида жарроҳ сифатида фаолият юритаётган Р. Салаевнинг рафикаси Розияхон ҳамшира. Бу ахил оилада вояга етган

фарзандларнинг тўнғичи Дилдорахон Термиз давлат университетининг тарих факультетида ўқиди. Айни кунларда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 64-мактабда тарих фанидан дарс бермоқда. Яна бир қизи Нилуфар Тошкентда моделист-дизайнерликка ўқиб қайтиб, деновликларга шу соҳа мутахассиси сифатида беминнат хизмат қилмоқда. Ўғиллари Элдору Элёрлар ҳам ҳаётда ўз йўлини топиб олишган. Ўзлари танлаган соҳа бўйича одамлар хизматида бўлиб юришибди. Ҳаёт ва меҳнат йўлини дилбар қўшиқлар куйлаш билан бошлаган бу шифокор дўстимнинг стоматология соҳасини ривожлантиришдаги хизматлари ҳам, оилавий қувончлари ҳам мисоли қўшиқдек баравж ва жарангдор бўлмоқда.

## БОЙСУНДА СТОМАТОЛОГИЯ ТАРИХИНИ БИТГАНЛАР

Айтишларича, дунё ахлининг ўндан бир қисми тоғли ҳудудларда яшаш бахтига муяссар бўлишаркан. Чунки мусаффо ҳаво, наботот оламининг турфалиги, табиатнинг ўзи яратиб қўйган шифобахш гиёҳлар, қор таъми билан уйғунлашиб кетган зилолдек булок сувлари фақатгина атрофи сарбаланд тоғлар билан ўралган манзилларда бўлади. Бу гўзалликлардан, табиий тоза ва соф, шифобахшу доривор гиёҳлардан баҳраманд бўлиб яшамокнинг ўзи бир бахт эмасми, аслида! Куйида сўз юритишга чоғланаётганимиз шифокорлар ҳам, аслида, ана шундай жаннатмакон ҳудудларда яшаётганларга беминнат хизмат қилаётган инсонлардир. Чиннакам фидойилар деса арзиғулик бу инсонларнинг бахти ҳам, қисмат ёзиғи ҳам тоғликлар тақдири билан чамбарчас боғлиқлигида. Танлаган касбига садокат намоеън этишдан ташқари унинг равнаки ва ривожига салмоқли ҳисса қўша олганларни эъзозлаб фидойилар дейишади. Йўқ, бундай инсонларни оддийгина жонқуярлар, фидойилар дея аташнинг ўзи камлик қилади. Чунки бундай инсонлар нафақат беором қалб билан эл хизматида бўладилар, балки ўз соҳалари бўйича янгиликлар яратишга, соҳани янада тараккий эттиришга интилиб яшайдилар, меҳнат қиладилар, тинмай изланишда бўладилар.

Бойсун стоматологияси тарихига назар ташламоқ учун, аввало, 1960 йилда Тожикистондаги тиббиёт институтининг тиш даволаш (дантист) бўлимини тугатиб, Бойсунда иш бошлаган Самад Кенжаев ҳикояларига эътибор бермоқ керак. У кишининг хотирлашича, 1962 йилда илк бор ҳозирги маъмурият биносида поликлиника очилган ва ундан битта хонаси тиш даволаш хонаси сифатида ажратилган. Худди шу жой туман стоматологиясининг бешиги бўлган. Бу ерда илк бор Берди Нормаматов, Жума Эрмаматов, Раҳмат Хайдаровлар стоматолог сифатида фаолият бошлаганлар. Бошқа мутахассис бўлмаганлиги боис улар кейинчалик бошқа соҳа йўналишида ишлаб кетганлар. Шунингдек, бу ерда ҳозирги



кунда саксон ёшни коралаб колган Рахимжон Чўтбоев ҳам бир неча йил мобайнида тиш техниги сифатида элга хизмат қилган. Ҳозирги кунда Жаркўргон туманида яшамокда.

Вилоятимизда бўлгани каби Бойсунда ҳам бундай инсонлар кўплаб топилади. Сўз юритаётганимиз стоматология соҳаси бу туманда бир пайтлар анчагина ортда колган, замон талаблари даражасида эмасди. Бунга сабаб-соҳа мутахассисларининг етишмаслигида эди. Лекин орадан йиллар ўтиб, бу соҳа ҳам айнан фидойилар туфайли ривожланиш сари юз тутди. Яқин ўтмиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бойсунликларга илк бора ҳозир саксон ёшни коралаб колган Турсуной Улашова врач-стоматолог сифатида малакали тиббий хизмат кўрсата бошлаган эди. Кейинчалик Аҳмад Носиров исмли стоматолог бу соҳани ривожлантиришга хисса қўшди. Ҳозирги кунда Бошқирдистонда яшаётган бу инсон кўп йиллар туман бош стоматологи бўлиб ишлади. У ўз вақтида нафақат бойсунликларга, балки бошқа туманлардаги инсонларга ҳам стоматология хизматини кўрсатганди. Яна бир унутилмас сиймо - Дони Сатторов бўлади. Дони ака ўз касбининг маҳоратли фидойиси сифатида эл назарига тушганлардан. Дарвоқе, у энг аввало, Бойсун аҳли орасида ўз даврининг тиш техниги сифатида ҳам машҳур бўлган. 1940 йилда Тоқчи маҳалласида (ҳозир Ю. Қодиров номли МФЙ) туғилган бу инсон ҳозир нафақада. У 1965 йилда Республика тиббиёт билим юртига ўқишга кириб ўқиди. 1967 йилда тиш техниги ихтисосига эга бўлди. Ўз вақтида катта нуфуз ва обрўга эга бўлган, ушбу билим юртининг сунъий тиш тайёрлаш бўлимида ўқиб қайтган Дони ака дастлаб Бойсун марказий шифохонаси қошидаги “Тез ёрдам” станциясида навбатчи фельдшер сифатида иш бошлади. Сўнгра, яъни 1972-74 йилларда туман СЭСда эпидемиолог ёрдамчиси сифатида фаолият олиб борди.

1974 йилга келиб, марказий касалхона қошида ташкил этилган тиш даволаш ва протезлаш хонасида ишлай бошлади. Бу ерда у ҳозир Термизда яшаётган 75 ёшли Жўра Шоймардонов, бугунги кунда Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасининг кадрлар бўлимини бошқараётган Дамин Чориевлар билан бирга фаолият юритди. Фахрий стоматолог ўша унутилмас йилларни бугун яхши хотирлайди. Отахоннинг эслашича, у пайтларда стоматолог шифокор учун на алоҳида хона, на стоматологик асбоб-ускуналар бўлган. Шу боис бор мутахассислар ҳам “Тез ёрдам”, СЭС каби тиббиётнинг бошқа йўналишларида ишлаб юришган. Бундай ҳолат ўтган асрнинг етмишинчи йилларига қадар давом этган. Маълум бўлишича, фақат 1977 йилга келибгина, яъни Саттор Самадов ва Қудратилла Холматовлар стоматология факультетини тамомлаб, сўнг интерна муддатини ўтаб қайтгачгина аҳвол яхши томонларга ўзгара бошлаган. Уларнинг фаолият бошлаши Бойсун стоматология соҳаси учун тамал тоши бўлди. Саттор аканинг эслашича, фидойи ёш шифокорлар

дастлаб харбий комиссариат биноси ертўласини таъмирлаб эпакага келтиришган. Сўнгра йўқдан йўндирган мисол югуриб-елиб юриб бугунги кун стоматологияси нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, алмисокдан қолган абоб-ускуналарни топиб келишган. Қисқа қилиб айтганда, то Мустақиллик шабадаси эсгунга қадар туман стоматологлари “қатталар” қайси жойни лозим топиб ажратиб беришса, ўша ерни ўз қучлари билан таъмирлаб эпакага келтириб ишлайверишган. Шунга қарамасдан Бойсунда ортопедия ва стоматология соҳаси қийинчиликлар билан бўлса-да, изга тушиб ривожланиб бораверган. Шу йиллари тиш техниклари Дони Сатторов билан баҳамжихат ишлаб, соҳани юксалтиришга ҳаракат қилишган. Чин маънодаги ўзгаришлар даври эса ўтган асрнинг саксонинчи – тўқсонинчи йилларига тўғри келади. Чунки бу даврга келиб, Бойсун стоматология мактабига асос солинди.

Мен 1988 йилда ТошДавМИ нинг ортопедия-стоматология кафедрасида клиник ординатурани тамомлаб келгач, ортопедия-стоматология хонасида иш бошладим ва вилоятнинг яна бир туманида, яъни Бойсунда аҳолига қимматбаҳо металлдан тиш протезлаш учун Республикадаги тегишли идоралардан синовдан ўтиб, рухсат олинди. Бу борада менга ТошДавМИдаги клиник ординатурада олган билимларим, меъёрий кўникмаларим қўл келди. Хужжатларни расмийлаштиришда бош врач Рустам Мардонов, вилоят бош стоматологи устоз Чори Менглиев (охирати обод бўлсин!) лар бош-қош бўлишди. Бу борада бошлаган саъй-ҳаракатларим ижобий ечим топгунча Бойсун билан Тошкент орасида “ўрмак тўкиганимни” кимдир билди, кимдир билмади. Ҳарқалай, натижа ёмон бўлмади. Туманда тиш техниклари етишмаслиги боис шерободлик Сирожиқдин Нормаматов деган ёш техник билан иш бошладим. Ўша пайтлари бу даргоҳда Дони Сатторов, Ибодулло Тоғаев сингари тиш техниклари билан ишлаб, Бойсун стоматология бўлими асосчиларидан бўлган бўлсам ажабмас. Бойсун халқи бир йил қимматбаҳо металлдан тиш протез учун фойдаланишига эришилди.

Бойсунда стоматология соҳасини тўғри шакллантириш ишлари тарихи тўғрисида сўзлаганда, бу ишларнинг бошида Саттор Самадов турганлигини мамнуният билан таъкидламоқ лозим. Бойсунда 1953 йилда таваллуд топган бу инсон ҳақли равишда шу соҳа жонқуярларидан бири саналади. У 1995 йилга келиб, “Стоматолог” хусусий корхонасини очишга муваффақ бўлди. Бутун умрини шу соҳага беминнат баҳшида этган бу инсоннинг 2004 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳини тугатган ўгли Жаҳон Самадов 2005 йилдан буён ота касбини давом эттирди. Изланувчан бу йигит кўп ўқиди, укди ва ўрганди. Соҳада қўзи пишиб, қўли ишга келганлигини сезган отаси С. Самадов уни ўз корхонасига шоғирд қилиб олди. Мана бир неча йилдирки, Жаҳон Сатторович Самадовни шифокор сифатида тоғ аҳли орасидан излаб келувчилар кўп. Ота касбини

эгаллашни, падари каби омадли ва эл назарида бўлишни ният қилган иккинчи ўғли Аброр Самадов 2009 йилда ТошДТАнинг стоматология факультетидagi тахсилини тамомлаб кайтди. У Сариосиё кишлоқ врачлик пунктида стоматолог сифатида фаолият юритмоқда. Оққан дарё окмай қолмас деганларидай, Жаҳон ва Аброрларга отаси Саттор ака ҳам ҳаёт, ҳам стоматологиядан ўғитлар бериб салтанатли, ҳашаматли, дабдабали кўчадан эмас, омадли, инсофли, диёнатли, умидли кўчадан юрмоқ борасида тинимсиз ўғитлар бериб келмоқда.

Мустақиллик даври – Бойсунда стоматология соҳасининг ривожланиш, айниқса ортопедик стоматологиянинг “олтин даври” бўлди. Замонавий асбоб-ускуналар, бошқа зарурий тиббий жиҳозлар келтирила бошланди. Нодавлат сектор ҳам гуркириб ўсди. Хусусий фаолият учун имконият эшиклари очилди. Мен ҳам 1995 йили туман ҳокимининг 389-сонли қарори билан Пулҳоким ҚВАнинг учта хонасида “Садаф” хусусий стоматология тиббий масканини очиб, фаолият бошладим. Кишлоқда янги ҚВП қурилгач, эски биносини хусусийлаштириб олиб, унда тиббий хизматнинг яқка тартибдаги тури бўйича иш юритдим. Соҳа фидойилари ҳақида сўзлаётганда яна бир инсон номини тилга олиб ўтмоқ жоиз. Бу инсоннинг исми-шарифи Абдурахмон Воҳидов. Ҳамкасблар ҳақли эътироф этишганидек “Бойсунда ортопедия соҳаси борки, Абдурахмон Воҳидов ҳам бор”. Аслида ҳисобчи бўлган Абдурахмон ака жамоа ишларига аралашиб юриб, тиш протезлаш икир-чикирларини яхши тушуниб олди. Қувонарлиси шундаки, унинг оиласида ўсган фарзандлар ҳам тиббийёт соҳасини танлашган. Шу соҳада ишлаб, эл-юртга хизматда бўлиб келишмоқда.

## **ШЕРОБОДДА ШУНДАЙ СУЛОЛА БОР**

Бу муаззам ҳаётда бир сулолага оид инсонларнинг бир соҳада бақамти ишлаб келиши ҳолати унчалик кўп учрамайди. Шундай бўлса-да, бундай инсонлар орамизда бор ва улар ўзлари танлаган соҳанинг турли жабҳаларида фидойилик билан ишлаб, эл-юрт хизматида турадилар. Биз сўз юритаётган сулола вакиллари ҳам ана шундай фидойилар жам бўлган оила вакиллари дир Бу сулолага оид шифокорларнинг энг улуғи – Тўра Бўронов бўлади. У 1965 йилда Шерободда туғилган. 1981 йилда шу ердаги ўрта мактабнинг ўнинчи синфини тугатган. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент Давлат Давлат Тиббийёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. 1986-1987 йилларда вилоятимиз маркази Термиз шаҳридаги стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. Шундан сўнг, яъни 1987 йилда мустақил шифокорлик фаолиятини Шеробод туман касалхонасига қарашли стоматология поликлиникасида врач - стоматолог сифатида бошлаб юборди. 1993 йилдан то 2002 йилга қадар туман болалар поликлиникасида врач - стоматолог вазифасида ишлади. Сўнгра “Райим-

Раҳим-Расулбек” номли хусусий корхона ташкил этди. Бу корхоналарни меъёрга мос бинолар, замонавий асбоб-ускуналар ҳамда тегишли жихозлар билан таъминлади. Тура Бўронов рафикаси Мукалдасхон билан тўрт нафар ўғил фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Ўғли Ақромбек Тошкентдаги заргарлик касб-хунар коллежини тамомлаб қайтиб, Шеробод ахлига хизмат қилмоқда. Яна бир ўғли Раҳимбек эса тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультети талабаси бўлиш ниятида. Қолган икки нафар кенжа ўғил ҳам келажакда шифокор бўлишни орзулаган.

Шерободликлар бежиз Бўроновлар оиласини шифокорлар сулоласи дейишмайди. Чунки Тура ака мансуб бўлган Шербўта бобо ва Каромат ая оиласида тарбия топган ўн та фарзанднинг тўққиз нафари шифокорлик касбини танлаган. Ёши тўқсонни коралаган Шербўта бобо ҳам, бу йил саксон ёшини нишонлаган Каромат ая ҳам фарзандлари камолидан боши баланд, қалблари бахтга тўлиб яшамокда. Ота-онага бахт, тумандошларга саломатлик улашайтган катта сулола вакиллари орасида ўз ўрнига эга 1952 йилда туғилган Бобомурод Бўронов меҳнат фаолиятини туман тиббиёт бирлашмасининг кон қуйиш бўлимида мудир бўлиб ишлашдан бошлаган эди. Кўп йиллар мобайнида туман тиббиёт бирлашмасини ҳам муваффақиятли бошқарди. 1955 йилда бу оилада туғилган яна бир ўғил фарзанд – Саидмурод Бўронов эса Ўрта Осиё Тиббиёт - Педиатрия олийгоҳида (САМ.П.И.) ўқиган. Олий маълумотли болалар шифокори. Шу соҳада бир умр ишлаб келмоқда. 1957 йилда туғилган Сожидахон Самарқанд Давлат Тиббиёт институтида таҳсил олган. Малакали акушер-гинеколог сифатида тумандошларига яхши таниш врачлардан саналади. 1959 йилда таваллуд топган Боймурод Бўронов ҳам олий маълумотли врач. У Самарқанд Давлат Тиббиёт олийгоҳида ўқиган. Ҳозирги кунда тумандаги “Чағатой” кишлоқ врачлик пунктида бўлим мудир сифатида фаолият юритмоқда. 1961 йилда таваллуд топган Салимахон ўрта бўғин тиббиёт ходими. Термиз тиббиёт коллежида таҳсил олган. Ҳозирги кунда туман туғруқхонасида доя-хамшира бўлиб ишламоқда. 1963 йилда туғилган Саломатхон Термиздаги тиббиёт коллежида ўқиган. Айни кунларда Шеробод тиббиёт коллежида дарс бермоқда. 1968 йилда туғилган Мухторбек ҳам стоматолог. Тошкент Давлат Тиббиёт институтида ўқиган. Сулоланинг яна бир вакили Тўйлибек Шеробод тиббиёт коллежида ўқиган. Ҳозирда туман “Тез ёрдам” бўлимида навбатчи фельдшер бўлиб ишламоқда. Бўроновларнинг тиббиёт соҳасини танлаганлиги тасодиф туфайли эмас. Чунки воҳамизда яхши таниш инсон, ажойиб ташкилотчи раҳбар, катъиятли устоз – шифокор “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвони сохиби Тўракул Бердиев уларнинг тус тоғаси бўлади. Бир умр шифокорлик касбини ардоқлаб ўтган инсон сифатида у ўз жиянлари қалбида соҳага улкан меҳр уйғотиб, ўзига муносиб избосарлар тайёрлаб кетган бўлса, не ажаб...

# КАСБИГА САДОҚАТЛИЛАР

## ИБРОХИМОВ ЎРОЛ ЮЛДАШЕВИЧ

Иброхимов Ўрол Юлдашевич-1998 йилдан 2013 йилгача вилоят стоматология поликлиникаси бош врач вазифасида ишлади. Сурхонадарё вилоятининг Шўрчи туманида 1961 йилнинг июнида таваллуд топган. Ў.И. Иброхимов 1985 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. Мехнат фаолиятини 1986 йилда вилоят стоматология поликлиникасида оддий врач терапевт-стоматолог сифатида бошлаган. Шу йилнинг ўзида поликлиника даволаш бўлими муdiri этиб тайинланган. Орадан ўтган йиллар давомида етарлича малака ва тажриба тўплаган Ў.И. Иброхимов 1998 йилга келиб, вилоят стоматология поликлиникасига бош врач этиб тайинланган. Рахбар сифатида мохир ташкилотчи эканлиги эътироф этилган. Оилали, рафикаси Мамлакатхон билан фарзандлари ардоғида.

Энди эса вилоят стоматология поликлиникасида самарали ишлаётган, айна пайтда воҳамиздаги врач-стоматологларга тажриба улашаётган шифокорлар хақида сўз юритиб ўтамыз.

## БЕРДИЕВ ЧОРИ ЙЎЛДАШОВИЧ

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 1971 йилнинг декабрида туғилган. 1993 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач - стоматолог. 1993-1994 йилларда интерна муддатини вилоят стоматология поликлиникасида ўтаган ва шу ерда ишлаб колган. 1994 йилдан то 2006 йилгача поликлиникада врач - стоматолог сифатида фаолият юритган. 2006 йилдан бугунги кунгача вилоят стоматология поликлиникаси бош врач вазифасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Оилали. Икки ўғил, бир киз фарзанди бор. Рафикаси уй бекаси.

## ГАНИЕВА САЛИМА ПОЁНОВНА

Мехнат фаолиятини 1978 йилда вилоят стоматология поликлиникасида врач-интерна сифатида бошлаган С.П. Ганиева Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 1956 йилда туғилган. 1978 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач - стоматолог. 1979 йилдан то 1986 йилгача вилоят стоматология поликлиникасида врач - стоматолог

Бўлган С.П. Ғаниева бир йил давомида, яъни 1986 йилда Олтинсой туман марказий поликлиникасида врач - стоматолог вазифасида ишлаб қайтган. 1986 йилдан хозирги кунга қадар вилоят стоматология поликлиникасида врач - стоматолог сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда. Оилали. Уч ўғил, икки нафар киз фарзанди бор. Турмуш ўртоғи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

### **АБДУРАҲМОНОВ РАҲМОНКУЛ ХУРСАНДОВИЧ**

1962 йилнинг августида Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида туғилган. 1984 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1984-1985 йилларда Денов туман стоматология поликлиникасида интерна муддатини ўтаган. Шундан сўнг, яъни 1985-1996 йиллар давомида Ангор туман марказий шифохонасида врач стоматолог бўлиб ишлаган. Орада бир йил “Данак” номли шахсий стоматология поликлиникасида мутахассис сифатида фаолият олиб борган. 1997-2001 йилларда вилоят сил касалликлари диспансерида врач стоматолог бўлиб ишлаган. 2001-2005 йилларда “Ок олтин титан” МЧЖда директорлик қилган. 2006 йилнинг июнидан то хозирги кунга қадар вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Оилали. Уч нафар ўғил фарзанди бор. Рафикаси уй бекаси.

### **МУҚАДДАМ ЧОРИЕВА**

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида 1953 йилнинг октябрида таваллуд топган. 1979 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач - стоматолог. 1979-1980 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интерна ўтаган М. Чориева шу ерда ишлаб қолган. 1980 йилдан то 2004 йилгача поликлиникада врач терапевт-стоматолог вазифасида ишлаган. 2008 йилдан буён вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог сифатида фаолият юритмоқда. Оилали. Бир ўғил, бир киз фарзанди бор. Турмуш ўртоғи нафақада.

### **САТТОРОВА ЛЮДМИЛА КОНСТАНТИНОВНА**

Россия Федерациясининг Сарпин туманида 1964 йилнинг октябрида таваллуд топган. Л.К. Сатторова 1989 йилда Калинин шаҳридаги Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1989-1990 йилларда интернатурани Тошкент шаҳар стоматология поликлиникасида ўтаган. Шундан сўнг, 1990-2001 йилларда Шеробод туман марказий шифохонасининг стоматология поликлиникасида терапевт-стоматолог бўлиб ишлаган. 2001 йилдан то 2010 йилгача вилоят СПИД марказида врач-стоматолог сифатида фаолият юритган. 2010 йилдан то хозирги кунгача вилоят стоматология

поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлаб келмоқда. Оилали. Икки ўғил, икки киз фарзанди бор. Ўғли Темур Тошкент молия институтида тахсил олмоқда. Руслан Киев шаҳридаги Богомоллов номли номли тиббиёт институтида, ота-онаси касбини давом эттиришга бел боғлаган, кизи Малика эса Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ўқимокда. Турмуш ўртоғи вилоят соғликни саклаш бошқармасида ишлайди.

### **ПАРДАЕВ ЎРОЛ ХАЙДАРОВИЧ**

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида 1959 йилнинг ноябрида туғилган. 1986 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач - стоматолог. Тошкентдаги тиббиёт институтига ўқишга киргунга қадар қатор ташкилотларда оддий ишчи бўлган Ў.Х. Пардаев харбий хизматни ўтаб қайтгач ҳам ишчи сифатида меҳнат қилган. 1981 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кирган. 1986-1987 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интерна ўтаган. Шундан сўнг, 1987-1993 йиллар давомида Термиз тиббиёт билим юртида ўқитувчилик қилган. Кейинчалик, яъни 1993 йилдан то 1997 йилгача вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог, ортопедия бўлими мудири вазифаларида ишлаган. 1997-2010 йилларда “Гавхар” хусусий стоматология поликлиникасида врач - терапевт сифатида фаолият олиб борган. 2010 йилдан то ҳозирги кунга қадар вилоят стоматология поликлиникасида врач терапевт-стоматолог бўлиб ишламоқда. Оилали. Уч нафар ўғил фарзанди бор. Рафикаси Хадича Жумава ҳам врач-стоматолог, Термиз тиббиёт коллежида ўқитувчи. Бир курсда ўқиб, олийгоҳни 1986 йилда бирга тугатган Ўрол Пардаев ва Хадича Жумаева оиласида камол топган Хуршид ота-она касбини танлаган. Ҳозирги кунда Термиз туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникада врач-стоматолог вазифасида ишламоқда.

### **АВЕЗОВА ЎГИЛЖОН ҚУРБОНОВНА**

1958 йилнинг ноябрида Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган. 1984 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1984-1985 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интерна ўтаган. Ў.Қ. Авезова шу ерда ишлаб қолган ва ҳозирги кунгача врач-стоматолог сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда. Оилали. Уч нафар ўғил фарзанди бор. Турмуш ўртоғи вилоят СПИД маркази бош врач. Ўғилжон Авезова 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги байрами муносабати билан кўкрак нишони билан тақдирланган.

## **ИСАКОВА РОЗА ХАМИНОВНА**

Бутун меҳнат фаолияти давомида бир жойда муқим ишлаб келаётган Р.Х. Исакова 1961 йилнинг октябрида Андижон вилоятидаги Балиқчи туманида туғилган. 1984 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1985 йилда интерна муддатини вилоят стоматология поликлиникасида ўтаган Р.Х. Исакова шу ерда ишлаб колган. Орада икки йил, яъни 1986-1988 йилларда Термиз шаҳар стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. Шундан сўнг, яна вилоят стоматология поликлиникасига қайтиб бугунги қадар шу даргоҳда врач-стоматолог сифатида фаолият олиб бормокда. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Термиз шаҳар давлат санитария-эпидемиология станциясида врач бўлиб ишлайди.

## **ХУДОЙНАЗАРОВ АБДУЛЛА САТТОРОВИЧ**

1961 йил июнда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетини битирган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1989 йилда интерна ўташ учун вилоят стоматология поликлиникасига келган А.С. Худойназаров 1990 йилдан то ҳозирги кунга қадар шу поликлиникада врач-стоматолог вазифасида ишлаб келмокда. Оилали. Икки ўғил, бир кизи бор. Рафикаси вилоят солиқ бошқармасида инспектор вазифасида ишлайди. Олий тоифали шифокор А.С. Худойназаров Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамида кўкрак нишони билан тақдирланган.

## **ЭШҚУРБОНОВА АЙРУШАН ЧЎТПЎЛАТОВНА**

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида 1959 йилнинг май ойида туғилган А.Ч. Эшқурбонова 1985 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли-врач стоматолог. 1985-1986 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интерна муддатини ўтаган. Шундан сўнг, яъни Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида врач стоматолог сифатида фаолият олиб борган. 1990-2007 йилларда Термиз туман 1-сонли поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 2007 йилдан буён вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлайди.

## **АБДУСАМАД АРЗИҚУЛОВ**

Турли юртлардаги халқлар бошига оғир кулфатлар келтирган иккинчи жаҳон урушида туб бурилишлар ясалган кезлар – 1943 йилда таваллуд топган Абдусамад Арзиқуловнинг болалик даври Деновда ўтди.



Тенгқурлари сафида ўрта мактабни тугаллагандан сўнг, яъни 1961 йилда у Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Бу олий ўқув даргоҳини 1966 йилда тамомлади. Шундан сўнг раҳбарият йўлланмаси билан Денов туманидаги собиқ Калинин номи жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган қишлоқ участка шифохонасига бош ҳаким этиб тайинланди. Бу даврларда тиббиёт мутахассисларига талаб катта, яъни улар етишмас эди. Бир йил мобайнида беморларни даволаш борасида яхши кўрсаткичларга эришган Абдусамад Арзикулов раҳбарият назарига тушди. Натижада туман марказий касалхонасига ишга ўтказилиб, бу ерда у рентгенолог шифокор сифатида фаолият олиб борди. 1969-1971 йилларда харбий хизматга чақирилди ва харбий тиббий муассасаларда шифокор бўлиб хизматни ўтаб қайтди. Харбий хизматдан қайтгандан сўнг, ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритишга киришди. Бир неча бор ортопедик стоматология соҳаси бўйича малака орттириб қайтишга ҳам улгурди.

Денов туманида тиш протезлашнинг “олтин даври” дея таърифланадиган давр шундан сўнг, яъни 1975 йилдан бошланди деса, бўлади. Чунки Абдусамад Арзикулов Денов шаҳар стоматология поликлиникаси қошида ташкил этилган ортопедия-стоматология бўлимига раҳбарлик қила бошлади. Кўплаб малакали шогирдлар тайёрлашга киришди. Ўрни келганда таъкидламоқ жоизки, “Садаф” масъулияти чекланган жамият раҳбари Д.Т. Саидов, А.Х. Арзикуловлар Деновда ортопед - стоматологлар мактабининг яратилишида муҳим кўприк вазифасини ўтадилар. Бугунги кунда фаолият юритаётган ортопед-стоматологларнинг кўпчилиги ана шу инсон – А. Арзикуловдан тажриба ўрганган, интерна муддатини эса “Садаф” МЧЖда ўтаган. Бугун вилоятимизнинг турли ҳудудларида эл саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилаётган ортопед-стоматологларнинг эътирофлари, кўрсатаётган ҳурмат - иззати йиллар оша касбини ардоқлаб келган шу соҳа фахрийси бўлмиш Абдусамад Арзикуловга шогирдларнинг чексиз эътироми рамзидир.

### **ҚУМРИ ЧОРИЕВА**

Воҳамизда стоматология соҳасини ривожлантиришга муносиб улуш қўшган инсонларнинг бири – Қумри Чориевадир. 1962 йилда ўрта мактабни тугатган Қумри опа Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув даргоҳидаги таҳсилни битиргач, то 1975 йилгача Тошкент шаҳрида врач стоматолог сифатида фаолият юритди. 1975-1980 йилларда Шерободга келиб, стоматолог ва стоматология бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Шундан сўнг яна пойтахт Тошкентга қайтиб бу ердаги 8-сонли стоматология поликлиникасида жарроҳ стоматолог ва жарроҳлик стоматология бўлимини бошқарди. 1990-1993 йилларда поликлиника бош врачлари ўринбосари вазифасида ишлади. Касаба уюшмасини бошқарди.

Поликлиника назорат комиссияси раиси сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди. Ўз соҳасида бўлгани каби жамоат ишларида ҳам фаол бўлган Кумри Чориева кўплаб Фахрий ёрликларга, шунингдек “Мехнатда ўрнатқан кўрсатқанлиги учун” медалига сазовор бўлди. Нафақада бўлишига қарамадан у 1994 йилдан буён Шеробод тумани бош стоматологи сифатида ёш мутахассисларга бош-қош бўлиб келмоқда.

### **ТУРОБ ЖЎРАЕВ**

Воҳамизда стоматология соҳасини тараккий эттиришга ҳисса қўшган инсон - бу касбни 1959 йилдан буён ардоқлаб келади. Мехнат фаолиятини тиш техниги сифатида бошлаган. У пайтларда Деновда атиги беш нафаргина тиш техниги бўлиб, Туроб ака устоз Очил Раҳмонов, Фарход Давлатовлар билан бирга ишлаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Шу билан бирга ўз фарзандларини ҳам шу соҳага қизиқтира олган. Бугунги кунда унинг ўғиллари Олим, Пулат ва Ойбеклар тиш техниги сифатида ота касбини муносиб давом эттиришмоқда.

Ҳозир Денов шахрининг энг гавжум гушаларидан бирида Туроб Жўраев номли хусусий стоматология маскани ишлаб турибди. Ўгли Пулатнинг саяъ-ҳаракатлари натижасида ташкил этилган ушбу стоматология масканида Туроб аканинг кўп йиллик миҳозлари, дўст-биродарлари ташриф буюриб туришади. Аҳолининг кўп қисми эса айнан Туроб аканинг издош ўғиллари Олим, Пулат ва Ойбек ишлаётган стоматология масканини сўраб-суриштириб излаб келишади.

Туроб ака аслида 1957-1959 йилларда Республика тиббиёт билим юртининг тиш техниклари бўлимида ўқиган. 1959 йилдан Денов тумани аҳолисининг тиш соҳасига хизмат қилди. Шу тумандаги Ҳазорбоғ кишлоқ участка шифохонасида ишлади. Ўзининг заргарона маҳорати, сўзамоллиги, беморлар билан мулоқотда ширинсуханлиги, киришимлилиги билан нафақат Ҳазорбоғда, балки Денов тумани аҳолиси ўртасида ҳам обрў қозонди. Шундан сўнг, яъни 1974 йилдан эътиборан Деновда стоматология соҳасида самарали фаолият олиб бора бошлади. 1980 йилга келиб, стоматология поликлиникасига Д.Т. Саидов бош врач этиб тайинлангач, унинг кейинги фаолияти шу ер билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даргоҳда у ортопед-врачлар Севара Окбўтаева, Абдусамад Арзиқуловлар билан баҳамжихат ишлади, маҳорат ва малақасини ортира борди. Зар қадрини заргар билади деганларидек, Туроб ака гарчанд бугун орамизда бўлмаса-да, кўп сонли шогирдлари, ота касбини шараф билан давом эттираётган фарзандлари, ундан шифо топган инсонлар қалбида ҳамон яшамоқда.

### **АБДИКАРИМ ХУШБОҚОВ**

Қизирик туманидаги Қорақасмоқ ишлоқ врачлик пунктида врач стоматолог бўлиб ишлаётган Абдукарим Хушбоқов 1951 йилда Шўрчи

туманида туғилган. 1969-1974 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган. Олий мълумотли врач стоматолог. Мехнат фаолиятини собик Ленин йўли (ҳозир - Қизирик) туманидаги “Кунчикиш” хўжалигида жойлашган ҳудудий шифохонада стоматолог сифатида бошлаган. Орадан кўп ўтмай, бу ерда кишлоқ врачлик амбулаторияси очилди. Уни ташкил этишда А. Хушбоқов ташкилотчилардан бўлди ҳамда бўлим мудири сифатида фаолият олиб борди. 1979 йилда А. Хушбоқов ҳарбий хизматга чакирилди. Ҳарбий хизматни эса Афғонистонда ўтади. Ўша йили бу мамлакатда савр инкилоби рўй берган, шўро кўшинлари эса Афғонистонга киритилган эди. Ёш аскар Абдикарим ҳам жангларда иштирок этди. Тоғ тизмаларида рўй берган навбатдаги отишмаларнинг бирида у ярадор бўлган аскарларни олиб чиқишда фаол бўлди. Унга бу ишда Йўлдош ва Василий исмли ҳарбий фелдшерлар кўмакдош бўлишди. Бу орада юртимиздан борган ҳайдовчи каттик яраланиб, кўп кон йўкота бошлади. Абдикарим Хушбоқов зудлик билан конни тўхтатишга киришди ва ноқулай шароитларда, хавфли вазиятда бўлса-да, ҳайдовчи ҳаётини саклаб колди. Урушнинг бор даҳшатларини, ёкимсиз манзараларини кўрган стоматолог шифокор 1980 йилнинг февралида яна она юртга қайтди ва ўз соҳаси бўйича ишлай бошлади. Орадан ўтган йиллар давомида у Қизирик туман марказий шифохонасида, Бандихон туманидаги “Пахтакор” кишлоқ врачлик амбулаториясида врач - стоматолог бўлиб фаолият юритди. 2008 йилдан буён эса яна Қизирик туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Қорақасмоқ” кишлоқ врачлик пунктида врач стоматолог бўлиб ишламоқда.

### **БОЙМУРОД БЕКМУРОДОВ**

Шўрчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида туғилган Б. Бекмуродов тумандаги 10-сонли мактабнинг ўнинчи синфини 1970 йилда тугатган. Орадан бир йил ўтиб, яъни 1971 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. 1976-1977 йилда Термиз шаҳрида интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг, 1977-1981 йиллар мобайнида Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” хўжалиги ҳудудидаги кишлоқ участка касалхонасида врач стоматолог бўлиб ишлай бошлаган. 1981 йилдан то ҳозирги кунга қадар Шўрчи туман стоматология поликлиникасида фаолият юритиб келмоқда. Рафикаси Иқлим опа ҳам тиббиёт соҳасида ишлайди, ҳамшира. Бу садокатли оилادا беш нафар фарзанд вояга етган. Уларнинг ҳар бири ўзи танлаган соҳада ишламоқда. Ўғли Элёр эса ота касбини танлаган. Шеробод тиббиёт коллежини тамомлаб, тиббий муассасалардан бирида фаолият юритмоқда.

### **ХУРРАМ НИЁЗОВ**

1952 йилда Денов туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигига қарашли Охунбобоев қишлоғида таваллуд топган. 1968 йилда ўрта мактабнинг

ўнинчи синфини тамомлаган. Уч йил давомида оддий ишчи бўлган. 1971 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. Ушбу олийгоҳни стоматология ихтисоси бўйича 1976 йилда битирган. Шундан сўнг тумандаги собик Куйбишев номи хўжаликда жойлашган участка касалхонасида стоматолог сифатида ишлай бошлаган. 1985-86 йилларда генерал С. Раҳимов номи хўжаликдаги кишлоқ врачлик амбулаториясида бош врач, 1987-90 йилларда Денов шаҳар касалхонасида стоматолог, 1991-93 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкилий ишлар бўйича мудир ўринбосари, 1994-96 йилларда “Ҳазорбоғ” хўжалиги худудидаги Ибн Сино номи санаторийда даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари вазифаларида самарали фаолият юритди. 1996 йилдан то ҳозирги кунгача вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли тиббиёт бўлимида стоматолог вазифасида фаолит олиб бормоқда. Моҳир шифокорнинг тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик меҳнатлари мунтазам равишда муносиб тақдирланиб келинмоқда. У кўплаб мартаба вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг, вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлимининг Фахрий ўрлиқлари, кимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Оилали, олти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Икки нафар фарзанди олий маълумотли бўлиб, турли соҳаларда фаолият юритмоқда.

### **ЖўРА ЭШМУРОДОВ**

1953 йилнинг март ойида Ангор туманида туғилган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – стоматолог, 1980 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. 1980-81 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. Асосий меҳнат фаолиятини 1981 йилда Қизириқ туманида врач стоматолог сифатида бошлаган. Тумандаги марказий шифохонада ҳамда кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог бўлиб ишлаган Жўра Эшмуродов 2008 йилдан буён Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада врач-стоматолог сифатида самарали фаолият юритмоқда.

### **БАҲРОМ ЭШМУРОДОВ**

1953 йилнинг апрелида Олтинсой (аввал Шўрчи тумани худудида бўлган) таваллуд топган. Шу тумандаги 18-сонли мактабни 1969 йилда тамомлаган. 1971-1977 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига таҳсил олган. 1977-78 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ортопедия кафедрасида ортопед-стоматолог сифатида фаолият олиб борган. 1978-97 йиллар мобайнида вилоят стоматология поликлиникасида врач-ортодонт, сўнгра бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган. 1997 йилда “Тавҳар” стоматология шифохонасига кўчиш йўли билан ишга ўтказилган Б. Эшмуродов бу ерда

2001 йилга қадар ишлаган. 2001 йилдан то ҳозирги кунга қадар Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида ортодонт врач сифатида фаолият олиб бормоқда. У 1979 йилда қимматбаҳо металлдан протезлашнинг мутахассиси сифатида кенг камровли фаолият олиб борган. Вилоятда биринчи бўлиб, юз-жағ органлари нуксонини тўғриловчи ортодонтия соҳасига асос солган ҳам ана шу инсон – олий тоифали шифокор Баҳром Эшмуродов ҳисобланади. Чунки қаҳрамонимиз Баҳром ака устоз стоматологлар Холтожи Қиличов, Қилич Холмуродов, Чори Имомқулов, Чори Мнглиевлар ҳақида ҳамиша илиқ фикрлар айтади. Бу инсонлар Сурхон стоматологияси тарихида муносиб саҳифалар яратиб кетганлигини таъкидлайди. Баҳром аканинг вилоятда обрў-эътибор қозонишида Сурхонда стоматология соҳаси ривожига Жайлов Юлдашев, Эргаш Худоёров, Ибрагим Хаспулатовлар тиш техниги сифатида кашфиётчилик ҳунарларини намоён этиб ҳисса қўшиши муҳим аҳамият касб этган.

### ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Тажрибали стоматологлар сирасига кирувчи Ҳайдар Ҳасанов 1953 йилнинг апрел ойида Шеробод туманидаги Кампиртепа кишлоғида дехкон оиласида туғилган. 1970 йилда ўрта мактабни тамомлаган. Ўқувчилик йилларида табиий фанларга қизиқиши устун бўлган Ҳ. Ҳасанов бир неча бор туман ва вилоят фан олимпиадаларида қимё фанидан ғолибликни қўлга киритган. Бу борада унга фан ўқитувчилари - Тошмуҳаммад Йўлдашов, Сафар Мухторов (мархум), Малла Тўхтаев каби муаллимлар устозлик қилишган. Бир йил тайёргарлик кўргандан сўнг, Ҳ. Ҳасанов 1971 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Бу олий ўқув даргоҳини 1977 йилда тамомлади. Чунки орада бир йил таътилда бўлган. Шундан сўнг, жаррохлик стоматологияси бўйича интернатура муддатини Термиз шаҳрида ўтади. Бу ерда унга таникли стоматологлар Холтожи Қиличев, Чори Мнглиевлар устозлик қилишди. 1978-80 йилларда туман марказий касалхонасида жаррох-стоматолог сифатида фаолият бошлаган Ҳ. Ҳасанов касалхонанинг травматология бўлими қошида 10 ўринга мўлжалланган юз-жағ жаррохлиги бўлинмасини ташкил этди. Шу тариқа Шерободда юз-жағ жаррохлигига асос солди. 1979 йилда туманда стоматология поликлиникаси очилди. 1980 йилда Ҳ. Ҳасанов шу поликлиника бўлим мудири этиб тайинланди. 1994 йилга келиб, Шерободда уч каватли янги замонавий бино қурилиб, стоматология поликлиникаси ана шу бинога қўчиб ўтди. Ҳ. Ҳасанов эса бош врач этиб тайинланди. Туманда 1995 йилда нодавлат сектор сифатида жамоа корхонаси ташкил этилди. Бу ерда ҳам замон билан ҳамнафас одимлаётган Ҳ. Ҳасанов бош врачлик қила бошлади. 2007 йилга келиб эса “Фарход” хусусий стоматология корхонасини ташкил этди.

Ҳайдар Ҳасанов 1990 йилдан буён халқнинг ишончли вакили - депутат сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Чунки у туман кенгашига 15- Янгиер сайлов округидан 4 минг нафар сайловчининг вакили сифатида депутат этиб сайланган. Ҳайдар Ҳасанов нафақат малакали мутахассис, стоматология ривожига салмоқли хисса қўшган инсон, балки яхши ташкилотчи ва каттиққўл раҳбар ҳам саналади. Иш соҳасида бўлгани каби жамоат ишларида ҳам шогирдларига хашиша ўрнак бўлиб келмоқда. Ўзи бошқараётган жамоани фаоллик сари ундаб катъий тартиб-интизом ўрнатган ҳолда фаолият юритапти. Шу боис ҳам Ҳайдар Ҳасанов бир пайтлар йўқни йўндирган мисол югуриб-елиб ташкил этган “Фарход” хусусий стоматология корхонасида бугунги кунда эл-юрт олқишини олаётган биринчи тоифали врач-стоматолог Қулмурод Хўжановнинг касбий маҳоратлари, Баҳодир Аллаёров ва Ҳасан Турдиевларнинг тиш техник сифатидаги ютуқлари унга ҳақиқий таянч манбаси бўлмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Шеробод тиббиёт коллежи ортопедик стоматологияси кафедраси базаси сифатида ташкил этилган “Фарход” хусусий корхонаси остонасидан шогирдлар қадами узилмаётир. Бу ерда ёшларга 1994 йилда Республика тиббиёт билим юртини таш таштайётган бўлимида ўқиб қайтган Баҳодир Аллаёров ҳамда Ҳасан Турдиевлар соҳа сирларини кунт билан ўргатишмоқда. Бу ишларнинг бошида эса, албатта, шерободликларга яхши таниш маҳоратли стоматолог Ҳайдар Ҳасанов турибди...

### **ХЎШБОҚ БОЙҚУЛОВ**

Қизирик тумани тиббиёт бирлашмасига қаршли стоматология поликлиникасида 1978 йилдан буён врач стоматолог сифатида самарали фаолият юритаётган Хушбоқ Бойқулов аслида жарқўрғонлик. Шу туманда 1954 йилнинг март ойида таваллуд топган Х. Бойқулов 1977 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. 1977-1978 йилларда Сурхондарё вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг, Қизирик туманидаги Х. Эшоннов номи хўжалик худудидаги кишлоқ врачлик амбулаторияси мудури вазифасида ишлаган. 1979 йилдан эътиборан Қизирик туман марказий шифохонаси қошидаги стоматология поликлиникасига врач -стоматолог вазифасига ўтказилган. Ҳозирги вақтда Қизирик тумани тиббиёт бирлашмасининг стоматология поликлиникасида врач -стоматолог вазифасида ишламоқда.

Стоматология соҳасида кўп йиллик тажриба ва малакага эга Х. Бойқулов рафикаси Ҳожар Бойқулова билан биргаликда етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Ўғли Шухрат Бойқулов бугунги кунда Термиз давлат университетиде, кизи Бойқулова Нодира эса Термиз тиббиёт коллежида таҳсил олмоқда.

## МУРОТАЛИ УСМОНЖОНОВ

1955 йилнинг феврида Термиз туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Республика тиббиёт билим юртида тахсил олган. Шундан сўнг, яъни 1975 йилдан эътиборан вилоят 1-сон шифохонасининг анестезиология бўлимида фельдшер бўлиб иш бошлади. Бир-икки йил ушбу машҳур тиббиёт даргоҳида ишлагандан сўнг, олий маълумотли шифокор бўлиш мақсадида 1978 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди.

Талабалик йиллари ортда қолгач, яъни 1985-86 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. Шундан сўнг шу даргоҳда жарроҳ-стоматолог сифатида фаолият олиб борди. 1987 йилдан то 1996 йилга қадар Термиз туманидаги қишлоқ участка шифохонаси ҳамда қишлоқ врачлик амбулаторияларида врач-стоматолог, бўлим бошлиғи бош врач вазифаларида ишлади. 1997 йилда вилоят стоматология поликлиникасининг ортопедия хонасида врач ортопед-стоматолог сифатида ишлай бошлади. 2006 йилдан буён вилоят стоматология поликлиникасида врач стоматолог сифатида самарали фаолият юритмоқда. Ёши олтмишни қоралаган Муротали Усмонжоновнинг воҳамизда стоматология соҳасини ривожлантиришда ўзига яраша ўрни ва хизматлари бор. У тайёрлаган шогирдлар бугунги кунда вилоятимизнинг турли туманларида фаоллик билан стоматология соҳаси равақига улуш қўшмоқдалар. Рафикаси Дилором Ҳақимова ҳам врач стоматолог. Оилада ахил, соҳада қўшқанот бўлиб яшаётган Муротали ака ва Дилором опаларнинг фарзандлари ҳам шу соҳани танлашган.

## БОЛТА МУСТАФОЕВ

1956 йилда Бойсун туманидаги Работ қишлоғида оддий инсон Шоди ака хонадонида туғилган. Лалмининг нони қаттиқ бўлади, дейди халқимиз. Болта ака туғилган хонадон аҳли лалмикорлик, чорвадорлик билан кун ўтказиб келаётган оила эди. Болта ака топганга шуқур қилмоқни, сабр-қаноатли бўлмоқни ўзи улғайган оиладан ўрганган. Мактабда эса доимо аъло баҳоларга ўқиган. Натижада камтарона яшаётган оила бағрида ўсаётган ўсмир йигитча илмга меҳр қўйди, дарсларни яхши ўзлаштира борди. Турли фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб бўлди. Илмга ташналик, тайинли касб-кор, малакали мутахассис бўлиб етишиш орзуси уни 1974 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтига етаклади. Шу йили у мақсадига эришиб, институтнинг стоматология факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. 1979 йилда ушбу олийгоҳдаги таҳсилини тугатгач. Бир йил давомида Термизда интернатура ўтади. Бу ерда унга Баҳром Эшмуродов, Равшан Менгбоевлар устозлик қилишди. Бир муддат Термиз тумани шифохонасида врач-стоматолог вазифасида ишлаган Болта Мустафоев Бойсун туманидаги

Дарбанд кишлоқ участка шифохонасига ишга ўтказилди. 1987 йилга келиб, ўз соҳаси бўйича етарлича тажриба тўплаган ёш мутахассисни Работ кишлоғидаги врачлик амбулаториясига бўлим мудирини этиб тайинлашди. Рахбарият топшириғи ва ташаббуси билан у Бойсун ва Бандихон туманларининг чекка кишлоқларида ҳам врач-стоматолог сифатида фаолият олиб борди. Бугунги кунда эса у Бойсун кўп тармоқли туман марказий поликлиникасида туман стоматологларининг ҳақли равишдаги отахон мураббийси бўлишдек шарафга эга шифокор сифатида эъзозланиб меҳнат қилмоқда. Рафикаси Гулнора опа билан беш нафар фарзандни тарбиялади. Тўнғич ўғли Ҳабиб ота касбини танлаган. Қарши тиббиёт коллежини тамомлаб, самарали фаолият юритмоқда.

### **ЧОРШАНБИ БЕККАМОВ**

1956 йилнинг март ойида Шўрчи туманида туғилган. 1979 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1980 йилда вилоят стоматология поликлиникасида интерна муддатини ўтаб бўлгач, асосий меҳнат фаолиятини Қизирик тумани марказий шифохонасининг катталар поликлиникасида врач-стоматолог сифатида бошлаган. Бу ерда бир вазифада йигирма саккиз йил мобайнида самарали фаолият олиб борган Чоршанби Беккамов 2008 йилда Қизирик тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Муяссар Менгтўраева ҳам тиббиёт соҳасида ишлайди. Меҳнат фаолиятини оддий хамшираликдан бошлаган Муяссар опа айни кунларда Қизирик туман силга қарши кураш диспансерида бош хамширалик қилмоқда. Бир умр тиббиёт соҳаси раванкига хисса қўшиб келаётган Чоршанби Беккамов ҳамда Муяссар Менгтўраеваларнинг аҳил оиласида етти нафар пахлавон ўғил тарбияланмоқда. Ўғилларнинг бири олийгоҳ талабаси бўлса, яна бири спорт устаси сифатида ота-она обрўсига обрў қўшмоқда.

### **ПҮЛАТ ҲАЙДАРОВ**

Бугунги кунда Бойсун туманидаги Работ кишлоқ врачлик пунктида бўлим мудирини лавозимида ишлаётган Пўлат Ҳайдаров 1957 йилнинг март ойида туғилган. 1979 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тугатган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1979-80 йилларда Сурхондарё вилоят стоматология поликлиникасида терапевт-стоматолог сифатида интернатура муддатини ўтаган. 1980-84 йилларда Бойсун туманидаги Мачай кишлоғида кишлоқ амбулаторияси бошлиғи бўлиб ишлаган. Шундан сўнг, яъни 1987-89 йилларда шу тумандаги Работ кишлоқ врачлик амбулаториясига бошлиқ этиб ўтказилган. 1989-1992 йилларда Бойсун туман марказий шифохонаси қошидаги стоматология бўлимида стоматолог



сифатида фаолиятини давом эттирган. Тажрибали шифокор сифатида 1992 – 1996 йилларда яна Работ кишлоғидаги амбулаторияга раҳбар этиб тайинланган. 2008 йилдан буён эса Работ кишлоғидаги врачлик пункти мудирини вазифида ишламоқда.

### **АБДУСАМАД БОЙМУРОДОВ**

1957 йилда Термиз туманидаги “Намуна” жамоа ҳужалиги ҳудудида туғилган. Шу тумандаги 31- мактабнинг (аввалги 22-сон) ўнинчи синфини 1974 йилда тугатган. Шундан сўнг бир муддат оддий ишчи бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, уни 1986 йилда тамомлаган. 1986-87 йилларда интернатура муддатини ўтаган. Бу муддатда унга марҳум шифокор Омон Ўдаев, Таскира Авязовалар устозлик қилишган. Абдусамад Боймуродов воҳамиздаги етук ортодонт-стоматологлардан бири саналади. Эслатиб ўтмоқ жоизки, стоматологиянинг нозик соҳаси бўлмиш ортодонтия аслида тиш қатор ораларини текислаш билан шуғулланади. Яъни, махсус аппаратлар ёрдамида қийшиқ ва бесўнақай ўсган тишларни тўғрилайди. Бир умр шу соҳада ишлаб келаётган Абдусамад аканинг сочларига бугунги кунда қиров инган. Шундай бўлса-да, у ҳамон шифокорлик касбини улуглаб келаяпти. Кўп йиллар мобайнида ўзи ишлаётган тиббий муассасада касаба уюшмасига етакчилик қилди. Олий тоифали ортодонт-стоматолог сифатидаги меҳнатлари эвазига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг, Термиз шаҳар ҳокимининг, шаҳар тиббиёт бирлашмасининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо эсдалик совғаларига сазовор бўлган. Рафикаси Зулҳумор опа билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Қизи Ферузахон Термиз тиббиёт коллежини битириб, айна пайтда темир йўлчилар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишламоқда. Яна бир қизи Дилфузахон эса ТерДУнинг педагогика факультетини битирган. Ҳозирги кунда шаҳардаги 31-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

### **ТОШГУЛ ШЕРАНОВА**

1957 йилнинг августида Термиз туманида туғилган. Шу ердаги 16 – сон мактабнинг ўнинчи синфини 1974 йилда битирган. Уч йиллик интилишлардан сўнг, яъни 1977 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Ушбу олийгоҳни 1982 йилда тамомлаб, Термиз шаҳрида интернатура муддатини муваффақиятли ўтади. Бу ерда унга Омон Ўдаев ҳамда Таскира Авязовалар устозлик қилишиб, соҳа сир-асрорларини пухта ўргатишди. Тошгул Шеранова 1982-1985 йиллар давомида вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлади. 1985 йилда Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасига ишга ўтказилди ва ҳозирги кунга қадар шу тиббий муассасада шифокор

сифатида фаолият юритмокда. Оилада турмуш ўртоғи Холмурод Болтаев билан уч нафар фарзандни вояга етказган. Қизи Лобархон онаси касбини давом эттириб, тиббиёт соҳасини танлаган. Ҳозирги кунда Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасида ҳамшира сифатида фаолият юритмокда.

### ДАМИН ЧОРИЕВ

1957 йилнинг август ойида Шўрчи туманида оддий дехқон оиласида туғилган. 1964-1974 йилларда шу тумандаги 14-сонли мактабда ўқиган. 1974 йилда Республика тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, 1976 йилда тиш техниги мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлган. Шу йилдан эътиборан Бойсун туман марказий касалхонасида ўз мутахассислиги бўйича иш фаолиятини бошлаган. Бу ерда унга ҳозирда нафақада бўлган тажрибали тиш техниклари Жўра ака ва Дони акалар устозлик қилишган. Тоғли Бойсун одамлари меҳмондўст, саховатпеша халқ ҳисобланади. Дамин Чориев ҳам ёш мутахассис сифатида бундай саховатпешаликдан баҳраманд бўлган. Унга касалхонага яқин манзилда жойлашган болалар боғчасининг хўжалик ишлари бўйича мудир Аллақул Самадов кўп яхшиликлар қилган. Эндигина иш бошлаган тиш техникани жой ва озик-овқат билан таъминлаб турган. Дамин ака рафикаси Маъмура Сафарова билан биргаликда икки ўғил ва икки кизни тарбиялаб вояга етказган. Ўғли Хушвақт Чориев Тошкентдаги тиббиёт билим юртида ўқиб қайтган. Айни кунларда ота касбини давом эттириб, тиш техниги бўлиб ишламокда. Яна бир ўғли Ўрол эса ТерДУда ўқиган. Ҳозирги кунда тумандаги 35-сонли мактабда касбий таълим бўйича ўқитувчилик қилмокда. Қизи Дилоромхон ҳам Термиз университетининг чет тиллар факультетида ўқиган. Айни дамда укаси билан бир мактабда ишлаб, инглиз тилидан ёш авлодга таълим бермокда. Ҳозирги кунда нафақада бўлса-да, Шўрчи тиббиёт бирлашмаси маъмуриятида масъул вазифаларнинг бирида ишлаяпти.

### ЭРКИН ПАРПИЕВ

1958 йилнинг январь ойида Узун туманида туғилган. Кейинчалик уларнинг оиласи Шўрчи туманига кўчиб ўтган. Шу ердаги 3-сонли мактабда 1965-1975 йилларда ўқиган. Мактабдан сўнг, бир йил ишчи бўлиб ишлаш боробарида олийгоҳга ўқишга киришга пухта ҳозирлик кўрди. Натижада 1976 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультети талабаси бўлиш бахтига эришди. Ушбу олийгоҳни фаол жамоатчи ва мохир ташкилотчи сифатида эътироф этилган ҳолда 1981 йилда муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг, 1981-1982 йилларда Деновдаги стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. Асосий меҳнат фаолиятини 1982 йилда бошлаган Эркин Парпиев 1986 йилга қадар Шеробод туманидаги Вандоб санаторийсида болалар стоматологи бўлиб ишлади. Яна уч йил, яъни 1989 йилгача кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог вазифасида фаолият

юритди. 1989-1995 йиллар оралиғида эса Шеробод туман болалар поликлиникасида врач стоматолог-терапевт бўлиб болажонлар тишини даволаш билан шуғулланди. Ўз соҳаси бўйича катта тажриба тўплаган Эркин Парпиев 1995 йилдан ҳозирги вақтга қадар Шерободдаги “Фарход” хусусий стоматология поликлиникасида врач стоматолог-терапевт сифатида самарали фаолият олиб бормокда.

Эркин Парпиев нафақат малакали мутахассис, балки ажойиб ташкилотчи, нозик дидли ижодкор ҳам саналади. У кўп йиллар шифохона қошида ташкил этилган “Шифокор” хаваскорлик ансамблига бадий раҳбарлик қилди. Шунингдек, 1989 йилдан то 1995 йилгача ўзи ишлаётган жамоа қасаба уюшмасини бошқарди. Бир умр эл хизматида бўлиб келаётган шифокор рафиқаси – ТерДУнинг педагогика факультетини битириб, тумандаги 24-сонли мактабда ўқитувчилик қилаётган Ойимсоч Тошбадалова билан биргаликда оилада уч нафар фарзандни комил қилиб вояга етказди. Ўғли Шерзоджон ва Бекзоджонлар Термиз Давлат университетининг молия-менежмент факультетида ўқишган. Ўз соҳалари бўйича ишлашмоқда. Қизи Дилдора уй бекаси. Эркин Парпиевнинг икки нафар невараси бор.

### **ЭШБОЙ ПАРДАЕВ**

1958 йилда Шўрчи туманида оддий ишчи - дехкон оиласида таваллуд топган. 1965 йилда шу ҳудуддаги 15-сонли мактабнинг биринчи синфига ўқишга бориб, уни 1975 йилда тамомлади. Шу йилнинг ўзидаёқ, Э. Пардаев Республика тиббиёт билим юртининг тиш тайёрлаш бўлимига ўқишга кирди. Ўқув юртини 1977 йилда тиш техниги мутахассислиги бўйича тамомлади ва шу йилнинг ўзида ҳарбий хизматга чакирилди. Йигитлик бурчини Узок Шарқда ўтади. Хизмат даврида ҳарбий – тиббий батальонда тиш техниги сифатида фаолият олиб борди. У ҳарбий хизматни ўтаётган давридаёқ олий маълумотли шифокор бўлишни кўнглига тукқанди. Бу орзуси ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг, бир йил мобайнида тайёрлов курсларига қатнагандан кейин ушалди. Эшбой Пардаев 1980 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга қабул қилинди. Ўқишни тамомлагач, 1985-86 йилларда Денов стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ҳам мувафакятли ўтади. Бу ерда унга тажрибали стоматолог Д.Т. Саидов устозлик қилди. Шундан сўнг, Эшбой ака 1986-1988 йилларда Бандихон, ҳозирги Қизирик туманидаги “Тошкент” ҳўжалиги ҳудудида жойлашган қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири вазифасида ишлади. Кейинчалик ўн йил давомида Олтинсой туманида врач-стоматолог сифатида фаолият олиб борди. 1998-2000 йилларда эса яна Деновга қайтиб, болалар стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлади. Бу даргоҳда у тажрибали ортодонг-стоматолог Карим Хоннаровдан кўп нарсаларни ўрганди. Ҳозирги кунда Эшбой Пардаев “Жаматак” қишлоқ

врачлик пунктида врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Айни пайтда 29 нафар ходимни бирлаштирган ушбу даргоҳ касаба уюшмасини ҳам бошқармоқда. Турмушнинг бетакрор ва серкирра сўкмоклари аро дадил одимлаб бораётган Эшбой ака рафикаси Гулнора опа билан олти нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди.

## **РЎЗИБОЙ ХОЛМУРОДОВ**

1958 йилда Деновда туғилган. 1965-1975 йилларда шу хууддаги 35-сонли мактабда ўқиган. Мактабни битирган дастлабки йилдаёқ, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультети талабаси бўлди. Тиришқоқ талаба сифатида ушбу олийгоҳни 1980 йилда муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг, Денов стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. Ёш мутахассисни 1982 йилда Бойсун туманидаги “Калламазор” кишлоқ врачлик амбулаториясига ишга юборишди. Бу ерда у то 1985 йилга қадар врач-стоматолог сифатида ишлади. 1985 йилда у яна кадрдон Деновга қайтди. Бугунги кунга қадар ана шу туман аҳолисига стоматология хизмати кўрсатиб келмоқда. Хозир эса у И. Тўраев номли кишлоқ врачлик пунктида врач-стоматолог бўлиб фаолият юритмоқда. Р. Холмуродов ўсиб-улғайган оиладан икки нафар олий маълумотли шифокор етишиб чиққан бўлиб, укаси Қўзибой Холмуродов Денов туман тиббиёт бирлашмасида врач-гематолог бўлиб ишламоқда. Рўзибой ака рафикаси Ўрозхол опа билан олти нафар фарзандни вояга етказган. Ўғиллари Ҳасан олий маълумотли ўқитувчи, компьютер бўйича яхши мутахассис бўлиб етишган. Қизи Нодирахон ҳам педагог бўлиш орзусида Термиз университетиде ўқимоқда. Талабалик йилларида бир майизни бўлиб еб юрган кадрдоним Рўзибой аканинг эл орасидаги обрўсидан, оиласи тўқислигидан қувониб юраман.

## **РАВШАН ИБОДОВ**

1959 йилда Шеробод туманида туғилган. Отаси ўз даврининг масъул вазибаларида ишлаганлиги боис унинг болалиги Денов, Бойсун туманларида ўтди. Ўрта мактабни тугатгач, 1977 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Мен Равшан Ибодов билан бир курсда ўқиганлигим боис ҳаётда камтар, истараси иссиқ, хазил-мутойибага мойил, ҳар қандай муаммоли вазиятдан ҳам осон чиқа оладиган бу курсдошимни ҳар жихатдан яхши биламан. Бу дўстим 1982-1983 йилларда Термизда интернатура муддатини ўтади. Шу йилдан эътиборан у бир жойда – Музработ туманида стоматология соҳасида ишлаб келмоқда. Айни кунларда эса тумандаги “Қўнғирот” кишлоқ врачлик пунктида врач-стоматолог сифатида фаолият олиб бормоқда. Меҳнат фаолияти давомида кўп маротаба вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмасининг Фахрий ёрликларига сазовор бўлган. Рафикаси Рисолатхон ҳам олий маълумотли бўлиб,

Тошкент давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. Ҳозирги кунда Музработ туманидаги 14-сонли мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Улар оилада тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган. Ўғли Ҳожиакбар ота касбини танлаган, айти пайтда Тошкент тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетида ўқимокда.

### **ОМОНТУРДИ ЭШМИРЗАЕВ**

1959 йилда Шўрчи туманидаги Далварзинтепа қишлоғида туғилган. 1976 йилда шу ердаги ўрта мактабни тугатган. Омонтурди Эшмирзаев дастлаб Фарғонадаги олийгоҳда ўқий бошлади. Аммо, шифокор бўлиш орзуси устунлик қилди. Шу боис бу олийгоҳдаги ўқишни ташлади. Шундан сўнг, 1979 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Бу олийгоҳни яхши баҳолар билан 1984 йилда тамомлади. 1984-1985 йилларда Денов стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. 1985 йилнинг августидан эътиборан йўлланма билан собик Ленин йўли – ҳозирги Қизирик туманидаги стоматология поликлиникасига ишга юборилди. Бу ерда у врач стоматолог-жарроҳ вазифасида ишлай бошлади. Қисқа муддатли иш фаолияти давомида туман стоматология поликлиникаси бош врач лавозимига кўтарилди. Шунингдек, туман марказий шифохонаси касаба уюшмасига раислик қилди. Умр йўлдоши Ойтўла билан ахил яшаб, икки ўғил, уч нафар киз фарзандни дунёга келтирди. Умр йўлдоши Ойтўла опа ҳозирги кунда Қизирик туманидаги 36-сонли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолият юритмоқда. Афсуски, шафқатсиз ўлим маҳоратли жарроҳ-стоматолог Омонтурди Эшмирзаевни орамиздан барвақт олиб кетди. У айти кучга тўлган, бой тажриба тўплаган, ўз соҳаси бўйича етарлича малакага эришган кезларда, яъни 1999 йилининг июнида вафот этди. Хотираси эса фарзандлари, шогирдлари, ҳамкасблари ёдида бир умрга муҳрланиб қолди.

### **НУРҚОБИЛ МЕНГЛИҚУЛОВ**

1960 йилда кўшни Тожикистоннинг Шаҳритуз туманида туғилган. 1985 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Шундан сўнг, 1985-86 йилларда Термиз шаҳар стоматология поликлиникасида интерна муддатини ўтаган. 1986-1987 йилларда Қизирик туман марказий шифохонаси қошидаги стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. Орада бир неча йил яна ўз туғилган юртига қайтиб 1987-1991 йиллар оралиғида Шаҳритуз туманидаги қишлоқ врачлик амбулаториясида мудир вазифасида фаолият юритган. 1991 йилда яна Сурхондарёга келган ва Қизирик туманидаги Ҳ. Эшонов номли хўжаликда жойлашган қишлоқ врачлик амбулаториясида стоматолог вазифасида ишлай бошлаган. Ҳозирги кунда шу тумандаги Ҳ. Эшонов қишлоқ врачлик пунктида мудир сифатида фаолият юритмоқда.

## МУХАРРАМ МҶМИНОВА

1960 йилнинг январида Шўрчи туманида туғилган. Бугунги кунга келиб олий тоифали врач-стоматолог сифатида эътироф этилаётган Мухаррам Мўминова 1982 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Интернаттура муддатини вилоят стоматология поликлиникасида ўтаган. Асосий меҳнат фаолиятини 1983 йилда шу ерда врач-стоматолог сифатида бошлаган ва ҳозирги кунга қадар битта даволаш муассасасида ишлаб келмоқда. М. Мўминованинг вилоят стоматология соҳасини ривожлантириш борасидаги муваффақияти нурли пломбалар қўйишни биринчилардан бўлиб бошлаганлиги билан алоҳида эътироф этилади. Оиласида уч нафар фарзанд вояга етмоқда. Тўнғич қизлари Ситорахон Тошкент жаҳон тиллари университетининг сўнги босқичида таҳсил олмоқда. Ўғил фарзанди Бехрузбек эса ҳозир ҳарбий чегара қўшинлари сафида йигитлик бурчини ўтамоқда. Кенжа қизлари Фарангиз ота-онаси касбини давом эттиришга ҳозирлик кўрмоқда. Курсдошим Мухаррамхоннинг оилада иззати, ўзи ишлаётган жамоа аъзолари ўртасида обрўси баландлигидан ҳамиша қувониб юраман.

## ДАМИН РАЖАБОВ

1960 йилда Шўрчи туманида туғилган. 1977-1982 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган. Интернаттура муддатини Шўрчи туман стоматология факультетида ўтаган. 1983-1987 йилларда Шеробод туманида врач-стоматолог сифатида фаолият юритган. 1987 йилдан то ҳозирги кунга қадар Шўрчи туман стоматология поликлиникасида ўз соҳаси бўйича самарали фаолият олиб бормоқда. Ўғли Эргаш ота изидан бориб, тиш техниги касбини танлаган. Моҳир техник сифатида эл олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

## ДИЛОРОМ ҲАКИМОВА

1961 йилда Термиз туманида туғилган. Шу ердаги 32-сонли мактабда ўқиган. 1980-1985 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетида таҳсил олган. Дилором Ҳақимовани чинакам шифокорлар сулоласининг муносиб вақиласи деса, арзийди. Чунки турмуш ўртоғи Муротали Усмононов ҳам врач-стоматолог, вилоят стоматология поликлиникасининг етакчи шифокорларидан. Укаси Лутфулла Ҳақимов Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиган. Шунингдек, сингиллари Нодирахон ва Зулфияхонлар ҳам олий маълумотли шифокорлар саналади. Кенжа сингиллари Назирахон эса ўрта тиббиёт ходими, ҳамшира бўлиб ишлайди. Дилором опа ва Муротали акаларнинг ахил оиласида беш нафар – уч ўғил, икки қиз вояга етган. Ўғиллари Жавоҳирбек Бухоро тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетида сўнги босқичда таҳсил олмоқда. Келинлари Заринахон ҳам турмуш ўртоғи Жавоҳирбек билан бир гуруҳда ўқимокда. Қизлари

Дилфузахон эса Бухоро Давлат тиббиёт институтининг учинчи боскич талабаси. Ҳар жихатдан ибратга молик бу оила аъзолари кўп йиллардан буён эл-юрт соғлигини муҳофаза этишга салмоқли хисса қўшиб келмоқда. Фарзандлар эса уларнинг хайрли ишларини давом эттириш мақсадида кунт билан ўқиб-ўрганишмоқда..

### **БАХТИЁР УСМОНОВ**

1961 йилнинг февралда Шеробод туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1983-1984 йилларда Термиз шаҳар стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтагач, асосий меҳнат фаолиятини вилоят стоматология поликлиникасида хирург-стоматолог сифатида бошлаган. 1987-1989 йилларда Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтининг клиник ординатура кафедрасида ўқиган. Шундан сўнг, то 2000 йилгача Қизирик туман стоматология поликлиникасида врач - стоматолог бўлиб ишлаган. Кейинги ўн йил мобайнида эса яқка тадбиркор сифатида хусусий фаолият билан шуғулланган. 2010 йилдан ҳозирги кунга қадар яна Қизирик тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Рафикаси Гулнорахон Усмонова - ҳамшира. Сардор ва Шавкат исмли ўғиллари Тошкент олийгоҳларида таҳсил олишмоқда.

### **АСАДУЛЛА ТҶҲИЕВ**

1961 йилнинг октябрида Шўрчи туманида таваллуд топган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1989 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Асадулла Тўйчиев 1989 - 1990 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган ва шу ерда врач-стоматолог вазифасида ишлаб қолган. Бугунги кунда ҳам шу тиббиёт муассасасида фаолият юритаётган А. Тўйчиев турли йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашамасининг Фахрий ёрликларига сазовор бўлган. Оилала эса рафикаси Бибинисо Хуррамова билан бирга беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган. 2013 йил ноябрдан бошлаб вилоят стоматология поликлиникаси бош врачлари этиб тайинланди.

### **РАҲМАТУЛЛА НОРБОЕВ**

1962 йилнинг ноябрида Жарқўрғон туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. Бугунги кунда олий тоифали шифокор даражасига етган Раҳматулла Норбоев 1989-1990 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида

интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг, яъни 1990 йилдан то 2012 йилгача Термиз шаҳридаги 2-сонли шифохонада врач-стоматолог бўлиб ишлаган. Халқ демократик партиясининг фаол аъзоларидан бўлмиш Р. Норбоев айни кунларда Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида фаолият юритмоқда. Рафикаси Лола Бойтўраева билан бирга икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Термиз педагогика коллежида ўқиётган кизи Азиза Қулбоева ижодкор ёшлардан саналади. Азиза 2011 йилда “Янги авлод” болалар фестивалининг вилоят босқичида ғолиб бўлган. Унинг “Беғубор орзу” (2010) ҳамда “Юрак садоси” (2013) шеърий тўпламлари нашрдан чиққан. Ўғли, Ақобир эса спорт билан жиддий шуғулланмоқда. Кўплаб медаллар соҳиби, Вилоят миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда мунтазам биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. “Қўл жанги” бўйича ўтказилган Республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, тенгдошлари орасида Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлган.

### САРДОР ДЕСА АРЗИЙДИ

Бугунги кунда Термиз шаҳрида 137 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ана шу аҳолининг фарзандларига стоматология хизмати кўрсатиш осон иш эмас. Аммо соҳа жонкуярлари бу вазифани шараф билан уддалаб келишмоқда. Чунки стоматолог-шифокорларга 2003 йилдан буён шаҳар бош стоматолог вазифасида ишлаб келаётган маҳоратли мутахассис Анвар Пардаев чин маънода устозлик ва сардорлик қилиб келмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бу даргоҳда бугунги кунда 10 нафар шифокор бўлиб, шундан 7 нафари олий тоифалидир. Жамоага бирлашган шифокорларнинг бундай ютуққа эрушувида албатта бош врач Анвар Пардаевнинг ҳам салмоқли улуши бор.

Анвар Пардаев 1962 йилнинг апрелида Денов туманида туғилган. Ўзбекистон халқ демократик партиясининг аъзоси. А. Пардаев 1987 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича олий маълумотли врач-стоматолог. 1987-1988 йилларда Деновда стоматолог сифатида интернатура муддатини ўтаган. 1988-2000 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида стоматолог-терапевт бўлиб ишлаган. 2000 – 2003 йилларда шу поликлиника даволаш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритган. 2003 йилдан ҳозирги кунга қадар Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникаси бош врач лавозимида ишламоқда. Олий тоифали врач-стоматолог Анвар Пардаевнинг турмуш ўртоғи Турсуной Журакулова ҳам олий маълумотли стоматолог. У 1962 йилнинг январиди Шўрчи туманида туғилган. 1988 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Интернатура муддатини вилоят стоматология поликлиникасида ўтаган. 1989 йилдан то ҳозирги вақтга қадар Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида врач-



стоматолог бўлиб ишламоқда. Бу шифокорлар оиласида бир ўғил ва бир қиз фарзанд вояга етмоқда. Ҳар иккаласининг меҳнатлари вилоят ҳокими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

### **ОЧИЛ ҲАЙДАРОВ**

1962 йилда Шеробод туманидаги “Қуллукшо” кишлоғида туғилган. 1969 -1979 йилларда тумандаги 7-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1980-1982 йилларда ҳарбий хизматга чақирилиб, йигитлик бурчини олис Германияда ўтаб кайтган. 1984 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг тайёрлов курсига қабул қилинган. 1985 йилда талабалар сафига ўтказилган. 1990 йилда Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетини тамомлаган. 1990-1991 йилларда интернатура муддатини Термизда ўтаган. Бу ерда унга Чори Менглиев, Баҳодир Чориевлар устозлик қилишган. Шу йилдан эътиборан Шеробод туман стоматология поликлиникасида стоматолог-ортопед сифатида ишлай бошлаган. Бу даргоҳда поликлиника бош врачлари Ҳайдар Ҳасанов ортопедиянинг нозик сирларини кунт билан ўргатган. О.Ҳайдаров то 2002 йилгача стоматология соҳасида самарали ишлади. 2002 йилдан бошлаб туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Олий тоифали врач сифатида ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказувчи комиссия аъзоси ҳисобланади. Мунтазам равишда малака ошириш курсларида бўлиб туради. Рафикаси Муҳаббат Хўжагелдиева ҳам стоматолог. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетида ўқиган. Оиласида беш нафар фарзанд вояга етган. Ўғли Умиджон Шеробод тиббиёт коллежини битириб, ҳозирда тиш протезлаш билан фаол шуғулланмоқда. Қизлари Муҳайёхон эса педагогика коллежида таҳсил олган. Яна бир ўғиллари Шохруҳбек ҳам ота касбини танлаган. Шеробод тиббиёт коллежида ўқиб, тиш тайёрлаш устаси бўлиб етишди.

### **АСАДУЛЛО РАҲМОНОВ**

1963 йилнинг май ойида Шўрчи туманидаги “Ўзбекистон” хўжалиги худудида туғилган. 1980 йилда 31- сонли ўрта мактабнинг ўнинчи синфини тамомлаган. 1981-1983 йилларда Козоғистонда танкчи сифатида ҳарбий хизматда бўлган. 1984 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Бу олийгоҳдаги таҳсилни 1989 йилда тамомлади ва шу йили Деновга келиб, интернатура муддатини ўтади. Шундан сўнг, 1990 йилда Қумқўрғон туманидаги Ғ.Ғулом номи хўжалиқдаги кишлоқ врачлик амбулаториясига ишга юборилди. 1992- 2003 йилларда эса Бандихон туманида кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог бўлиб ишлади. Шу тариқа 2003 йилдан буён вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида

самарали фаолият юритиб келмоқда. Рафикаси Ҳалима Абраева билан уч нафар ўғил фарзандни вояга етказишмоқда.

### **НУРМАМАТ ҲАСАНОВ**

1963 йилнинг июл ойида қўшни Тожикистоннинг Шахритуз туманида туғилган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – стоматолог. 1987 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. 1987-1988 йилларда Сурхондарё вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. 1988-2000 йилларда Қизирик туман марказий шифохонаси қошидаги стоматология поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 2000-2006 йиллар оралиғида шу поликлиника мудир лавозимида фаолият юритди. 2008 йилда яна Қизирик туман тиббиёт бирлашмасига қаршли стоматология поликлиникасига мудир этиб тайинланди. Малакали врач – стоматолог бўлиб етишишида Муротали Усмононов ва Ўрол Ибрагимовни чин устоз билувчи Нурмамат Ҳасанов рафикаси Манзура Эргашева билан бирга беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Тўнғич кизи Дилнозахон олий маълумотли филолог, ўқитувчилик қилмоқда. Юлдузхон исмли кизи эса Тошкент педиатрия институти қошидаги лицейнинг учинчи босқич тингловчиси. У ҳам отаси каби шифокор бўлишга аҳд қилган. Мавжуда кизи эса Тошкентдаги Миллий университетнинг биология факультетида ўқимокда. Ўғли Ислоом ота касбини эгаллашни ният қилган.

### **АСАДУЛЛО БОТИРОВ**

1964 йилнинг июнь ойида Бойсун туманида туғилган. 1992 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги –стоматолог. 1992-1993 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. 1993-1996 йилларда Бойсун туманидаги Чилонзор кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог, 1996 йилдан буён Қизирик тумани марказий шифохонаси қошидаги стоматология поликлиникасида врач –стоматолог вазифасида ишлаб келмоқда. Рафикаси Гулнора Қудратова билан икки ўғил, икки қиз фарзандни тарбиялаб вояга етказган.

### **БОЙМУРОД ЧОРШАНБИЕВ**

1965 йилнинг март ойида Бойсун туманида туғилган. 1991 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. 1991-1992 йилда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. Ундан сўнг асосий меҳнат фаолияти бошланган ва 1999 йилгача Бандихон тумани марказий поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 1999 йилдан то 2007 йилгача Бандихон туманидаги “Дўстлик”, “Хўжаипок”, “Навбахор” кишлоқ врачлик пунктларида врач-стоматолог бўлиб фаолият юритган. 2007 йилдан то

ҳозирги вақтга “Навбахор” кишлоқ врачлик пунктига мудирлик қилмоқда. Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоси сифатида Боймурод Чоршанбиев “Полвонтош” сайлов участкасидан туман кенгашига депутат этиб сайланган. Рафикаси Тожиҳол Абдиназарова билан бирга тўрт нафар ўғил фарзандни вояга етказмоқда. Ўғли Бекзоджон Термиз давлат университетида, Дониёрбек эса Бандихондаги агросаноат коллежида ўқимоқда.

### **БАҲОДИР ХАЛИЛОВ**

1964 йилнинг ноябрида Бойсун туманида таваллуд топган. 1993 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги врач-стоматолог. 1994 йилдан буён Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида врач-стоматолог сифатида фаолият юритиб келаётган Баҳодир Халилов олий тоифали шифокор саналади. Жамоат ишларида эса фаоллиги билан ажралиб туради. Оилада турмуш ўртоғи Сафархол Менглиева билан тўрт нафар фарзандни вояга етказмоқда. Фарзандларининг икки нафари коллеж ва лицейда, икки нафари эса ўрта умумтаълим мактабида ўқишмоқда.

### **ТОШМАМАТ ТУРДИЕВ**

1964 йилда Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманидаги “Белибойли” кишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1982-1984 йилларда Россия пойтахти Москва шаҳри атрофидаги ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаб қайтди. Орада бир йил оддий ишчи бўлиб ишлагач, 1986 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Ушбу олийгоҳни 1991 йилда тамомлагач, вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. Шундан сўнг, ўз юртига қайтиб Дехқонобод туманидаги Окработ кишлоқ врачлик амбулаториясида врач-стоматолог бўлиб ишлади. 1993 йилда янгидан ташкил этилган Бандихон тумани (ҳозир яна Қизирик тумани таркибига киритилган) га кўчиб келиб, стоматология соҳасида ишлай бошлади. Ҳозирги кунда Қизирик туман марказий поликлиникасида олий тоифали врач-стоматолог бўлиб фаолият юритмоқда. Тошмамаат ака элулус орасида катта обрўга эга. Айниқса, шогирдлари ундан миннатдор. Ана шундай шогирдлардан бири Асқар Шайдуллаев унинг номини ҳамيشа ҳурмат билан тилга олади. Касбий маҳоратни, беморлар билан ишлашдаги тажрибани, аҳоли ўртасида тўғри тиббий тарғибот олиб боришнинг сир-асрорларини айнан шу инсондан ўрганганлигини миннатдор қалб билан эътироф этади.

## ОТА ДУОСИН ОЛГАН ШИФОКОР

Бу инсоннинг бутун ҳаёти кўз ўнгимдан ўтаяпти десам, асло хато бўлмас. Чунки унинг оиласи, ижтимоий келиб чиқиши билан яхши танишман. Раҳматли отаси Бўри ака (Аллоҳ раҳматиغا олганлиги рост бўлсин!) билан кўп бора суҳбатда бўлганман. Ёдимда, у киши 1989 йилда вафот этган эдилар. Умрининг сўнгида бетобланиб ётиб қолган эдилар. Менинг бир неча йиллик иш фаолиятим Пудина кишлоғи билан боғлиқ бўлганди. Зайрулла билан ҳамкасблигим боис Бўри ака мен билан ўғлининг келажаги тўғрисида кўп суҳбатлашарди. Ундан умиди катта эди. Отанинг, айникса умрининг сўнги дамларини тўшакда ўтказган инсоннинг ўз фарзанди камолини ўйлаб қилган дуолари ижобат бўлар экан. Зайрулла отаси истаган ва орзу қилганидек шифокор бўлиб етишди.

Яна хотирамга ўрнашиб қолгани шуки, унинг талабалик даври менинг ортопед-стоматология кафедрасида 1986-1988 йилларда клиник ординатура ўташ даврига тўғри келганди. Табиийки, мен талабалар билан ҳамкор ва ҳамнафас фаолият олиб борардим. Мен Зайрулланинг қобилиятини, зехни ўткирлигини, шижоатини кўриб унга қойил қолардим, келажагига умид билан қарардим. Ҳарқалай ота дуолари, умид-орзулари бесамар кетмайди дея, қувонардим. Кейинги меҳнат фаолиятимиз давомида ҳам Зайрулла Бўриевич билан тез-тез мулоқотда бўлиб турдик. Айникса, собиқ Бандихон туманида бош стоматолог ва юз-жағ жарроҳлигига масъул мутахассис бўлган (2005-2010 йиллар) кезларимда билим ва мушоҳадаси кенг бу инсон билан кўп мулоқотда бўлганман. Чунки ўша кезлари у вилоят юз-жағ жарроҳлик бўлимида ишлаётганди. Шу боис ҳам кўплаб беморларни даволашда, тўғри ташхис қўйишда маслаҳатларини олганман. Қолаверса, вилоят шифохонаси касаба уюшмасига раислик қилаётган даврида шифокорлар ҳаётидаги баъзи муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлашиб, фикрлашиб турардик. Очигини айтганда, бу инсон билан ҳар бир учрашув менга ҳамиша завкли ва марокли туюлади.

Зайрулло Окбоев 1965 йилнинг ноябр ойида Бойсун туманидаги Қўшбулок кишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси аъзоси. 1988 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги юз-жағ хирургии. У 1989 – 1990 йилларда Термиз тиббиёт билим юртида ўқитувчилик қилди. 1990-1998 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида врач ортопед-стоматолог бўлиб ишлади. 1998-2000 йилларда вилоят 1-сон шифохонасининг юз-жағ хирургияси бўлимида хирург, 2000-2006 йилларда вилоят 1-сон шифохонасининг касаба уюшма кўмитаси раиси, 2006-2008 йилларда шу шифохона юз-жағ хирургияси бўлимида хирург, 2008-2013 йилларда вилоят кўп тармокли тиббиёт марказининг юз-жағ бўлимида хирург. 2013 март ойидан эътиборан шу марказ бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазифасида

ишляпти. Турмуш ўртоғи Ширин Юсупова билан биргаликда уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Ўғли Нурбек Тошкент Давлат Тиббиёт Академиясининг стоматология факультетида учинчи боскичда ўқимокда.

Зайрулло Окбоев нафақат малакаси юксак тажрибали шифокор, балки ёш мутахассисларнинг чинакам мураббийси сифатида ҳам ўзидан яхши ном қолдираяпти. Кўплар бу инсондан кўп нарсаларни ўрганганлиги боис уни хамиша устоз сифатида билади ва хурматлайди. Ҳа, бир пайтлар ота дуосини олиб камолга етган бу шифокор эндиликда шогирдлар дуосини олиб, хурматига сазовор бўлмоқда.

### **ДОНИЁР ЖАББОРОВ**

1965 йилда Сарийосиё туманидаги 1-Май қишлоғида туғилган. 1983 йилда ўрта мактабни битиргач, шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. Интернатура муддатини вилоят стоматология поликлиникасида ўтади. Бу ерда унга тажрибали стоматолог Ўрол Ибрагимов ҳар жиҳатдан устозлик қилди. Интернатура муддатини муваффақиятли ўтаган ёш мутахассис 1989-1996 йилларда Термиз тиббиёт билим юрти (ҳозирда коллеж) нинг жарроҳлик кафедрасида ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1996 йилдан эътиборан то ҳозирги кунгача эса у болалар стоматологияси билан фаол шуғулланмоқда. Яъни, Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида аввал ўриндош, эндиликда эса даволаш бўлими мудири сифатида самарали фаолият олиб бормоқда. Олий тоифали врач-стоматолог бўлган Дониёр Жабборов ўз устида тинимсиз ишлаб, малака ва маҳоратини мудом ошириб бормоқда. Рафиқаси Жамилахон билан тўрт нафар комил фарзандлар тарбияламоқда. Ўғиллари Элёр Бухоро тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетини тугаллаш арафасида. Кизи Дилдорахон эса Термиз Давлат университетининг педагогика факультетини тамомляпти. Мафтунахон ҳам тиббиёт ходими бўлмоқчи. У ҳозир Термиз тиббиёт коллежида ўқимокда.

### **РУСТАМ ЖАЛИЛОВ**

1965 йилда Бойсун туманида туғилган. Тумандаги 47-сон мактабнинг ўнинчи синфини 1982 йилда тугатди. Шундан сўнг бир йил мобайнида туман СЭСида дезинфектор бўлиб ишлади. 1983 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига кириб, уни 1988 йилда тамомлади. Бир йил давомида Термизда интерна ўтади. Шундан сўнг бу ёш мутахассисни Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоқ участка шифохонасига ишга юборишди. Шу йилнинг ўзидаёқ уни шифохона бўлим мудири этиб тайинлашди. У бу вазифада 2009 йилга қадар ишлади. Шу йилдан то ҳозирги кунгача у Бойсун туман марказий поликлиникасида врач-стоматолог бўлиб ишламоқда. Худди шу – 2009 йилда унга олий

тоифали шифокор даражаси ҳам берилди. Рустам Жалилов иш фаолияти давомида Бойсун туман ҳокимининг, туман тиббиёт бирлашмаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг Фахрий ёрликлари билан кўп мартаба тақдирланди. Иш фаолияти туман газетасида доимий ёритилиб келинмоқда. Асл касби ҳисобчи бўлган рафикаси Гулбахор билан оилادا тўрт нафар фарзандни тарбиялашмоқда. Энг қувонарлиси, шифокорнинг ўғли Бехрўз бу йил Бухоро тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультетига энг юкори балл тўплаган ҳолда давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

### **АБДУСАТТОР АШУРОВ**

1966 йилнинг июлида Шўрчи туманида туғилган. Шу тумандаги 25-мактабнинг ўнинчи синфини 1983 йилда ўқиб тугатган. Шундан сўнг бир муддат оддий ишчи бўлиб ишлаган. Кейин ҳарбий хизматга чакирилган. Хизматдан сўнг, яъни 1986 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирган. Ушбу олийгоҳдаги таҳсилини 1991 йилда тамомлаб, вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. Шундан сўнг, яъни 1993 йилдан буён бир жойда – Термиз шаҳар болалар стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида самарали ишлаб келмоқда. Йиллар оша тўплаган тажрибалари, орттирган малакаси боис унга олий тоифали шифокор даражаси берилган. Рафикаси Раъно Суюндиқова билан аҳил яшаб, бир қиз, икки ўғил фарзандни вояга етказишмоқда. Тўнғич кизи Садокат ҳозир Термиз давлат университети талабаси. Ўғли Сирожиқдин эса коллежда ўқимокда. Кенжатои Азизбек мактаб ўқувчиси.

### **ЎРОЛ МАМАТРАИМОВ**

1967 йилнинг апрель ойида Шўрчи туманида туғилган. 1974-84 йиллар давомида шу тумандаги 4-сон мактабда ўқиган. У болалиқдан футболчи бўлишни орзу қилганди. Аммо, бир пайтлар Тошкент тиббиёт олийгоҳининг стоматология факультети талабаси бўлган, аммо турмуш кийинчиликлари боис ўқишни тугатишга муваффақ бўлолмаган отаси Соат ака унинг стоматолог бўлишини хоҳлади. Қишлоқда фельдшер сифатида эъзозланадиган, ҳатто одамлар оркаворотдан “Соат дўхтир” деб атайдиган отасининг маслаҳатини Ўрол эътиборсиз қолдира олмади. Ота маслаҳатига қўниб, болалиқдаги орзуси билан хайрлашди ва стоматолог бўлишга аҳд қилди. Натижада у 1985 йилда ТошДавМИнинг стоматология факультети талабаси бўлди. Дастлабки сабоқлар бошлангандаёқ, бу соҳага кизиқиб қолди. Лекин бу орада чакирув қоғози келиб, Ўрол Маматраимов ҳарбий хизматга жўнаб кетди. 1987 йилда хизматда суяги котиб, дунёкараши кенгайиб, айни пайтда тил билиб қайтди ва яна ўқишни давом эттира бошлади. 1992 йилда институтдаги таҳсилини тамомлаб, Сурхонга қайтди. Шундан буён, у агар таъбир жоиз бўлса, воҳа стоматологлари армиясининг

шижоаткор зобитларидан бири бўлиб, аҳоли хизматини қилмоқда, эл саломатлиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатмоқда. Турмуш ўртоғи Дилором Турсунова ҳам врач-стоматолог. Бир соҳада қўшқанот мисол фаолият юритаётган бу аҳил оилада бир ўғил ва бир киз фарзанд вояга етмоқда. Уларнинг ҳар иккаласи тиббиёт ходими бўлиш истагида олийгоҳларда таҳсил олишмоқда.

### **ДИЛОРОМ ТУРСУНОВА**

1967 йилда Шўрчи туманидаги Ободон қишлоғида туғилган. Тумандаги ҳозирги 9-сонли мактабда аъло баҳоларга ўқиб юрган кезларида Дилором Турсунова архитектор бўлишни орзу қилганди. Шу соҳага оид ўқув юртига киришга ҳозирлик қўриб юрганди. Аммо болаликдан тиши кўп оғригани боис, ота-онаси уни доим стоматолог-врач Умбар Мусаев қабулига элтарди. Дилором кўрдики, ҳамма бирдек “кўрқадиган” тиш доктори унчалик ёмон одам эмас экан. Қолаверса, тун билан азоб бериб чиққан оғрик тиши хушмуомалалик билан суҳбатлаша туриб, даволаб қўя қолар экан. Шу каби болаларча кузатишлар сабаб бўлдими, ҳарқалай Дилором битирувчи синфларга ўтганда стоматолог бўлишга катъий аҳд қилди. Мактабдан сўнг бир йил пухта тайёргарлик кўрди-ю тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширди. Омади юришиб, 1985 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлди. Талабалик даврида воҳадоши, бир факультетда ўқиётган, ҳатто ҳарбий хизматга бориб келишга ҳам улгурган ўрол Маматраимов билан танишди. Бир – бирига қўнғил боғлаб, турмуш қуришди. Тўнғич қизлари Дурдонахон талабалик даврида дунёга келди. Тиббиёт олийгоҳини тугатгач, 1992-1993 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади ва бир умр шу ерда ишлаб қолди. Чунки турмуш ўртоғи ўрол ака ҳам бу ерда фаолият бошлаган эди. Мана, иккаласи 1993 йилдан буён бир жойда, бир соҳада бақамти ишлаб келишмоқда. Кейинчалик ўғиллари Синдор туғилди. Дарвоқе, бу аҳил оилада ўсаётган ҳар иккала фарзанд ҳам тиббиёт соҳасини танлаган. Дурдонахон Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига, Синдорбек эса Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетига таҳсил олмақда. Демак, Сурхон воҳасида яна битта шифокорлар сулоласи қад ростламоқда.

### **ФАРҲОД ХЎЖАМҚУЛОВ**

1968 йилнинг февраль ойида Жарқўрғон туманида туғилган. 1993 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги врач-стоматолог. 1993-1994 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтаган. 1994 йилдан то 2008 йилга қадар Қизирик туман марказий шифохонасининг стоматология поликлиникасида, 2008 йилдан

буён эса Кизирик тумани тиббиёт бирлашмасининг стоматология поликлиникасида врач-стоматолог сифатида фаолият юритиб келмоқда. Рафикаси Хурсан Хайитова билан икки ўғил ва бир киз фарзандни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Ҳар иккала ўғли хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Қизи эса мактаб ўқувчиси.

## РАЖАБ ЖЎРАЕВ

1968 йилда Шеробод туманида туғилган. 1986 йилда шу тумандаги 7-сонли мактабнинг ўнинчи синфини ўқиб битирган. У мактабдан сўнг оддий ишчи бўлиб ишлади, сўнгра ҳарбий хизматга бориб келди. Кўрдики, тенгдошларининг барчаси бирор касбнинг эгаси бўлиш истагида хунар эгаллапти. Унинг акаси Тўра Жўраев шифокор эди. Махаллада, эл-улус орасида обрўси бор, жойи давранинг тўрида. Бу эъзозлар акасига инсонларга соғлиқ бағишлаётгани учун насиб этапти. Ёшу қарига бирдек керакли касб – шифокор бўлиш орзуси Ражабга тинчлик бермай қўйди. Ишлаб чиқаришда, ҳарбийда суяги қотган, ок-корани ажратар ёшига етган Ражаб Жўраев 1991 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кирди. 1995 йилда институтни тамомлагач, Термизда интернатура муддатини ўтади. Бу ерда унга марҳум шифокор Исмоил Сандов чин маънода устозлик қилди. Назарий билимларини амалиётда қўллашда маслаҳатларини аямади. Шу боис ҳам Ражаб Жўраев бу инсон номини ҳамон қалби тўрида сақлаб, ўргатганларини амалда қўллаб келади. Асосий меҳнат фаолиятини Ражаб Жўраев 1996 йилда Шеробод туман марказий шифохонасида врач-статист сифатида бошлади. 2004-2008 йилларда туман марказий шифохонаси бош врачининг умумий ташкилий ишлар бўйича муовини вазифасига ўтказилди. Шундай бўлса-да, асосий мутахассислиги бўлмиш стоматологияни ташламади. Бу борада у соғлиқни сақлаш тизимларида узок йиллар маъмурий-бошқарув соҳасида ишлаб келган Суюн Соатмуродовдан миннатдор. Чунки шу инсон ундан маслаҳатларини аямади, тегишли йўл-йўриқлар бериб турди. Ражаб Жўраев 2008 йилдан то ҳозирги кунга қадар Шеробод туманидаги кўп тармокли марказий поликлиникада врач-стоматолог вазифасида сидқидилдан ишлаб келмоқда. Рафикаси Ойсифат опа билан оилада тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Ражаб Жўраевни мохир стоматологини эмас, сўз мулкнинг заргарларидан бири деса, бўлади. Чунки у керакли жойда айтар гапини билиб айтади, лозим бўлса кесиб - кесиб сўзлайди. Охорли ўхшатмаларни-да, ўрнига қўя олади. Аммо танти ва ҳалол инсонлар шаънига, обрўсига қўланка бўларли сўзларни айтмайди. Гийбату майда гаплардан ўзини узоқроқ тутади...



## ИБОДУЛЛА ЖОВЛИЕВ

1969 йилда Бойсун туманидаги Чилонзор кишлоғида туғилиб, шу ердаги 45-сонли мактабда 1976-1986 йилларда ўқиган. 1992 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини битирган. Бу орада ҳарбий хизматга чакирилиб, хизматни Татаристонда ўтаган. 1992 йилда интернатура муддатини ўташ учун Термизга келган ва бу ерда воҳамизнинг забардаст стоматологларидан бири бўлимиш Чори Менглиев ўғит-маслаҳатларидан баҳраманд бўлган. Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Шеробод туман болалар поликлиникасида врач-стоматолог сифатида бошлаган И.Жовлиев 1995 йилдан эътиборан шаҳар поликлиникасида фаолиятини давом эттирди. 2001 йилда эса уни тумандаги Сарикамиш кишлоқ врачлик пунктига мудир этиб тайинлашди. 2002 йилдан бошлаб стоматология соҳасининг нодавлат секторида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юрита бошлади. 2012 йилга келиб эса амалдаги барча тартиб-қоидаларга мос равишда ҳужжатлар расмийлаштириб, замонавий бино ҳамда асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлагач “Халил-Шахноза-Азимбек” номи хусусий стоматологик корхонасини очди. Айни кунларда ана шу корхонага биринчи тоифали стоматолог сифатида раҳбарлик қилмоқда. Рафикаси Зулфияхон тиббиёт ҳамшираси. Унга ҳар жабҳада қўмақдош, маслаҳатқўй бўлиб келмоқда. Уларнинг аҳил-инок оиласида бугунги кунда тўрт нафар фарзанд бор. Ўғиллари Сайдулла Шеробод тиббиёт коллежининг ортопед-стоматологлар тайёрловчи бўлимида ўқиган. Ишlash билан бир қаторда отаси каби олий маълумотли шифокор бўлишга ҳозирлик қўраяпти. Қизлари Сайёраҳон ҳам ушбу коллежда ҳамшираликка ўқимокда.

## ОЙСАРА ЖҶРАЕВА

1969 йилнинг март ойида Термиз шаҳрида туғилган. 1992 йилда Тожикистон Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетини тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги врач-стоматолог. Меҳнат фаолиятини 2001 йилда Термиз шаҳридаги “Гавҳар” хусусий стоматология шифохонасида врач-стоматолог сифатида бошлаган. 2010-2011 йилларда эса “Хонжиза” болаларни соғломлаштириш оромгоҳида врач-стоматолог бўлиб ишлаган. 2011 йилдан то ҳозирги кунгача вилоят стоматология поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Эркинжон Меликулов билан оилада уч нафар – икки ўғил ва бир қиз фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Қизи Ғўзал онаси касбини танлаб, тиббиёт ходими бўлмоқчи. Ҳозирги кунда Термиз тиббиёт коллежида ҳамшираликка ўқимокда.

## ХОЛИҚ НОРҚУВВАТОВ

Норқувватов Холик Алиевич 1969 йилнинг киш энг каттик келган январ ойида Бойсун туманидаги Чилонзор кишлоғида чўпон оиласида туғилган. Отаси Али бобо 2006 йилда бандаликни бажо келтирган. Онаси Тошбиби момо эса хаёт бўлиб, бу йил саксон биринчи бахорини каршилади. Х. Норқувватов 1976-1986 йилларда шу худуддаги 45-сонли мактабда ўқиган. 1987-89 йилларда Россия тарафларда харбий хизматда бўлган. У 1990-1995 йилларда ТошДавМИнинг стоматология факультетида тахсил олди. 1995 – 1996 йилларда вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади. 1996 йилдан эътиборан hozирги вақтга қадар меҳнат фаолияти стоматология соҳаси билан боғлиқ холда кечмоқда. Айни кунларда Термиз шаҳар болалар поликлиникасида врач-стоматолог вазифасида ишлаётган Х. Норқувватовнинг меҳнат фаолияти вилоят “Сурхон тонги” газетасида муносиб ёритилган. Турмуш ўртоғи Умидахон билан фарзандлари – Боймурод, Юлдуз, Бекзодларни ок ювиб, ок тараб тарбияламоқда. Холик Норқувватовнинг шифокорлик касбини танлашида акаси Ашур Норқувватовнинг хиссаси катта бўлган эди. У табиатан илмга интилувчан, зехни ўткир укасини доим илмли бўлишга, бирор мутахассисликни эгаллашга даъват этиб турарди. Ана шу тилақлар асосида у шифокорлик касбини танлади. Олий маълумотли шифокор бўлиб етишди.

## НОДИРА ҲАКИМОВА

1971 йилнинг март ойида Термиз туманида туғилган. Шу тумандаги hozирда 7-сон билан юритилаётган мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Маълумоти бўйича врач-стоматолог. 1988 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, 1993 йилда тугатган. Сурхондарё вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтагач, шу ерда 1993 йилдан буён врач-стоматолог бўлиб ишлайди. Малакали мутахассис сифатида Н. Ҳақимова Термиз тумани стоматологияси ҳамда Шўрчи туманидаги Т. Бердиев номли кишлоқ врачлик пункти фаолиятига масъул саналади. Консерва заводида директор бўлиб ишлаётган турмуш ўртоғи Комилжон Содиков билан уч нафар ўғил фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Ўғли Содиков харбий хизматда, икки нафар ўғли эса Термиз темир йўл коллежида тахсил олмақда.

## АЛИШЕР ИСОҚОВ

1977 йилнинг декабрь ойида Термиз шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 10-сонли мактабда ўқиган. Мактабни битиргач, яъни 1995 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга кириб, ушбу олийгоҳни 2000 йида тамомлади. Маълумоти бўйича врач-стоматолог. Интернатура муддатини Термиз шаҳар болалар стоматологияси поликлиникасида муваффақиятли ўтаган ва шу ерда

hozirgi vaktga qadar vrach-stomatolog b'ulib ishlaydi. Rafig'asi Dilдорахон билан бир ўғил, бир киз фарзандни тарбияламоқда.

### **ЗИЁДУЛЛА АРЗИКУЛОВ**

1982 йилда Денов шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. 1999 йилда А. Навоий номи 7-сонли лицей-интернатнинг 11-синфини тамомлаган. 2006 йилда Республика тиббиёт коллежининг дантистлик бўлимини тугатган. 2007 йилдан эътиборан Денов шаҳридаги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда дантист лавозимида фаолият бошлаган. Стоматологиянинг сир-асрорларини отаси, фахрий стоматолог Абдусамад Арзикуловдан ўрганган. Зиёдулла Арзикулов асосан тишнинг кариес касаллиги ва унинг асоратларини даволашнинг хадисини олган. Тишларни даволашда композит материаллардан, нур ёрдамида котирувчи пломбали материллардан кенг фойдаланади. Зиёдулла Арзикулов жамоат ишларида ҳам фаол шифокорлардан саналади. Ишдаги кўрсаткичлари ва жамоатчилик фаолияти учун кўплаб маротаба рахбариятнинг Фахрий ёрликлари ва ташаккурномаларига сазовор бўлган. Oilали, уч нафар фарзанди бор.

### **ЎКТАМ ИБРАГИМОВ**

1983 йилда Денов туманидаги собиқ “Галаба” хўжалиги, hozirgi “Остона” маҳалла фуқаролар йиғини худудида шифокор Тоштемир Ибрагимов оиласида дунёга келган. Шу худуддаги 26-сонли мактабда ўқиган. Ўрта мактабни битириш арафасида шифокор ва зиёли инсон сифатида эл хурмат-иззатига сазовор бўлиб келаётган отаси Тоштемир акага маслаҳат солди. Хинд алломаларининг “фарзандинг билан ўн беш ёшдан кейин тенгдошинг каби мулоқот қилгин” хикматига амал қилган отаси “ўғлим Ўктамжон, мана катта йигит бўлиб қолдингиз. Сиз ёшлар учун имкониятлар эшиклари кенг очилган дориломон замонлар келди. Мана, эрта-индин мактаб даврингиз тугайди. Қалбингизга кулок солинг. У нима деса шуни қилинг. Қайси соҳани танласангиз, мен розиман”, дея жавоб қилди. Шу тариқа у отасидан оқ фотиҳа олиб, 2001 йилда Қарши тиббиёт коллежининг тиш тайёрлаш бўлимига ўқишга кирди. 2003 йилда ушбу ўқув юртини муваффақиятли тугатди. 2004 йилдан буён Деновдаги “Садаф” масъулияти чекланган жамиятда тиш техниги бўлиб ишламоқда. 2013 йилда Тошкентда замонавий тиш протезлари йўналишида малака ошириб қайтди. Барчага бирдек хушмуомала инсон сифатида ўзи ишлайдиган жамоада хурмат – эътибор қозониб, жамоанинг энг фаол аъзосига айланган Ўктам Ибрагимов маҳаллада ҳам фаоллардан бири саналади. Кексаларнинг дуоларини олаётган, от ўрнини той босар, кабилидаги эътирофларга сазовор бўлаётган Ўктамжон рафикаси Ферузахон билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

## **ФЕРУЗА ОСТОНАҚУЛОВА**

1985 йилнинг апрель ойида Шўрчи шаҳрида таваллуд топган. Ҳозирда нафақада бўлган онаси Мастура Аллабердиева узок йиллар шаҳар тугруқхонасида акушер-гинеколог бўлиб ишлаганиги боис Ферузахон ҳам болалигиданок худди онаси каби оқ халат кийиб, одамларни даволашни орзу қилганди. Шу орзу туфайли ўрта мактабни тугатгач, 1999-2002 йилларда академик лицейда кимё-биология йўналиши бўйича ўқишни давом эттирди. Шундан сўнг, яъни 2002 йилда Тошкент Давлат тиббиёт академиясининг стоматология факультетида ўқишга кирди. Ушбу ўқув даргоҳини 2007 йилда битириб қайтгач, вилоят стоматология поликлиникасида интернатура муддатини ўтади ва шу ерда врач-стоматолог вазифасида ишлаб қолди. Ҳозирги кунда ушбу муассасада самарали фаолият юритаётган Феруза Остонақулова айни пайтда Термиз тумани стоматология соҳасига ҳам масъул саналади. Вилоят божхонасининг Денов туман чегара постида бошлик бўлган турмуш ўртоғи Мурод Мусурмонов билан икки нафар киз, бир нафар ўғил фарзандни тарбиялашмоқда.

## **АБДУҒАФФОР БАКИРОВ**

Кизирик туманида 1983 йилда туғилган. 1991 йилда шу тумандаги 36-сонли мактабнинг биринчи синфига қабул қилиниб, ушбу мактабни 2001 йилда тамомлаган. Шу йили Шеробод тиббиёт коллежининг ортопедик стоматология бўлимига ўқишга кирган. 2003 йилда коллеждаги тахсилни тамомлагач, Кизирик туман стоматология поликлиникасида фельдшер бўлиб иш бошлаган. Ҳозирги кунда ушбу поликлиникада катта фельдшер вазифасида ишламоқда.

## **ҲАЛИМ ЎТАЕВ**

Хинд алломалари калб кўзгуси юз кўринишидан далолат дейдилар. Ҳалим ака билан учрашиб қолгудек бўлсангиз, дилингиз яйраб кетади. Буни шифокор калбининг очиклигига йўйиш мумкин.

1946 йилда туғилган, музработлик Ҳалим Ўтаев 1970 йилда ТошДавМИнинг стоматология факультетини тугаллаб, бир умр ана шу соҳа ривожига баракали ҳисса қўшди. Тумандаги “Янгиобод” қишлоқ врачлик пунктида врач стоматолог сифатида элга беминнат хизмат қилиш асносида турмуш ўртоғи Розия ая билан фарзандларига ҳам ҳаёт хикматларини ўргатди. Полвон келбатли бу шифокор стоматолог йиллар давомида чўлқуварлар дардига малҳам бўлди. Ҳозир қариллик гаштини фарзандлар ва набиралар ардоғида сураётган Ҳалим ака шогирдларига, ёш мутахассисларга доим камарбаста. Улардан маслаҳатларини аямайди, тажрибаларини ўртоқлашиб туради.

## БЕКМУРОТ ШОЙИМҚУЛОВ

Асли кумқўргонлик Бекмурот ака 1974 йилда ТошДавМИни стоматология мутахассислиги бўйича тамомлаб, 1975 йилда ташкил этилган собик “Ленин йўли” (ҳозирги Қизирик) туманида муқим ишлаб қолди. Қаерда фаолият юритмасин, стоматология касбининг этагидан маҳкам тутди. Бир вақтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган бу жойлар бугун кўркам гўшага айланди. Янги иморатлар қаторида, тиббий муассасалар қад кўтарди.

Бекмурод ака янгиликка интилувчан одам. 1996 йилдан буён “Стоматология” хусусий қорхонасида шогирдлари Эшдавлат Садатов, Бекмирзо Шойимқуловлар билан элга хизмат кўрсатиб келяпти. Қорхонада тишларни даволаш ва янги тиш қўйишнинг илғор усулларида фойдаланилмоқда. Муҳими, эл саломатлигини сақлаш асосий эътиборда.

## МУНДАРИЖА

Дийдорлашув.....	3
Стоматология қадимий соҳа.....	6
Сурхон стоматологияси одимлари.....	11
Сурункали специфик касалликлар ҳақида.....	13
Стоматологлар ҳақида лавҳалар.....	16
Бойсунда стоматология тарихини битганлар.....	49
Шерободда шундай сулола бор.....	52
Касбига садоқатлилар.....	54

# **АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР**

**Жуманазар МАДИЕВ**

## **СУРХОНДАРЁ СТОМАТОЛОГИЯСИ**

(Мақолалар, лавҳалар, хотиралар)

Мухаррир:

И.Шомиров

Техник муҳаррир:

А.Бўриев

Мусахҳиҳ:

Қ.Абдуллаев


Босишга 29.11.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Pragmatic TAD гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. 5,5 босма табоқ. 500 нусхада. 88 бет. Эркин нархда.

«Тафаккур» нашриёти, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 30-уй.  
«Полиграф Нашр» МЧЖ да тайёрланди.  
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев, 30-уй.



**Жуманазар Мадиев — олий тоифали шифокор, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси, Грециянинг «Антик дунё» халқаро илмий академиясининг профессори. Шифокорнинг «Соғлом турмуш сабоғи», «Силнинг сир ва синоатлари», «Дард борки, дармон бор», «Ёруғ йўл сари» номли китоблари чоп этилган.**

ISBN978-9943-24-064-3



9 789943 240643